


R 496
1971 17-12

ГУЛЯЮТ

7
1971





САНЪАТ ХАЛҚНИКИДИР

В. И. ЛЕНИН

Жамиятимиз коммунистик қурилиш йўлидан олға борган сари совет кишининг дунёқарашини, унинг ахлоқий эътиқодларини, маънавий маданиятини шакллантиришда АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИНГ РОЛИ кучаймоқда. Шу сабабли адабиётимиз билан санъатимизнинг ғоявий мундарижасига, уларнинг жамиятда ўйнаётган ролига партия катта эътибор бериб келганлиги ва эътибори бераётганлиги табиий бир ҳолдир. Лениннинг партиявийлик принципи мувофиқ биз бадий ижодиётнинг ҳамма турларини коммунистик қурилишнинг буюк умумхалқ ишидаги иштирокни ривожлантиришга қаратишни ўз вазифамиз деб биламиз.

Утган беш йилликда адабиётимиз, театримиз, киномиз, телевидениемиз, тасвирий санъатимиз, музикамиз совет кишиларига кўпгина янги, мароқли, талантли асарлар аргумон қилди. Халқимизнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини мавжуд камчиликларни ҳаспўшласандан, бежамасдан, партиявий позицияларда туриб реалистик ёрнатадиган, коммунистик тарбия ва қурилишнинг ҳақиқатан ҳам муҳим проблемаларига бутун эътиборни жалб қиладиган янги асарлар ва постановкалар майдонга келди. Бу асарлар санъаткорнинг совет халқи кўп қиррали ҳаёти билан алоқаси нақадар мустаҳкам бўлса, ижодий муваффақиятлар ва ютуқларга эришиш йўли шу қадар аниқ бўлишини яна бир қарра исботлайди.

... Социализм меҳнаткашлар оmmasига маънавий бойликлар эшигини кенг очиш билангина кифояланмади, уларни маданиятнинг бевосита ижодкорларига ҳам айлантирди. Халқ бадий ижодкорлигининг бениҳоя кенг қулоч ёзганлиги — бунинг ёрқин далилларидан биридир.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи
Коммунистик партиясининг XXIV съезидга
ҳисобот докладидан)

ҚАЛБИМИЗ КЎЗГУСИ

А. ҚУЧҚОРОВ,

Ўзбекистон ССР Маданият министри

Меҳнат ва ижодда, фан ва техникада мўъжизалар кўрсатаётган совет кишининг маънавий дунёси ғоят бой, қалб туйғулари гўзал ва юксакдир. Унинг завқи ва диди, гўзалликка бўлган муҳаббати — санъат ва адабиётимизнинг юксак мезонларини, ижод аҳлининг ҳаётдаги мавқеи ва масъулиятини белгилаб беради.

Тарққиётнинг ҳозирги даражасида халқимизнинг санъат асарларига бўлган талаби жуда катта. Партиямиз бу талабларнинг принципларини аниқ белгилаб берган. Бу — халқчиллик ва партиявийлик, синфийлик ва юксак бадийлик принципларидир. Шу принциплар асосида яратилган санъат асарларимиз опера ва симфониялар, роман ва поэмалар, спектакль ва бадий полотнолар ҳақиқий халқ мулки бўлиб қолаётир. «Санъат — халқикидир» — бизнинг санъат соҳасидаги ленинча принципимиз мана шу.

Шонли КПСС XXIV съезди коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида социалистик маданиятни яна ҳам тараққий эттириш тадбирларини ишлаб чиқди. Уртоқ Л. И. Брежнев съездга қилган ҳисобот докладидида социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий вазифаси совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўқис қондиришдан иборат эканлиги, коммунизмга ўтиш учун жамиятни иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксак даражада ривожлантириш, ҳар томонлама етук, камолотга етган совет кишиларини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида қайд қилди.

Партия, унинг ленинчи Марказий Комитети социалистик маданиятни; санъат ва адабиётни ҳамisha ардоқлаб, уларнинг гуркираб ўсишига ҳар томонлама ёрдам бериб келди. Чунки янги одамни, коммунизм кишини тарбиялашда санъат ва адабиётнинг роли бениҳоядир. Шонли партиямизнинг XXIV съезди Директивларида биз маданият ходимлари олдига улкан вазифа — совет кишиларининг умумий маданий савиясини кўтартишга хизмат қилишдек ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифа қўйилди, фақат тўққизинчи беш йилликдагина эмас, балки яқин келажакда қилишимиз зарур бўлган улкан ишларнинг амалий программаси белгилаб берилди. Биз ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, аввало аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг яхлит системасини яхши йўлга қўйишимиз керак ва бу системани тўпланган тажрибалар, кишиларнинг янги-янги тақлиф ва мулоҳазалари асосида тинмай тақомиллаштириб боришимиз зарур.

Министрлигимиз барча район марказларида маданият уйлари қурилишини тугаллашни, қишлоқ ва посёлка

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

№ 7 (55) 1971

Июль

1925 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

Санъат — халқ қалбининг нафис туйғулари. У инсонни юксакларга талпинтиради; шодлик ва завқ, порлоқ орзу ва жасорат, куч-қувват бағишлайди; мусадфо уфқларга чорлайди.

«Гулистон»нинг бу сони санъатимизнинг бугунги ҳолатига, тур ва жанрларининг ривожланишидаги кундалик амалий масалаларига бағишланди.



Георгий Тимофеевич
ДОБРОВОЛЬСКИЙ



Владислав Николаевич
ВОЛКОВ



Виктор Иванович
ПАЦАЕВ

МАНГУ ЖАСОРАТ

Ватинимизнинг шонли фарзандлари — фазони забт этган қаҳрамонлар Георгий Тимофеевич Добровольский, Владислав Николаевич Волков, Виктор Иванович Пацаевларнинг ҳалокати бутун тараққиётпарвар инсоният қалбини дўр ларзага солди.

СССР космонавт учувчилари, «Салют» орбитал илмий станцияси экипажи аъзолари подполковник Г. Т. Добровольский, борт-инженер В. Н. Волков ва синовчи инженер В. И. Пацаев мислсиз жасорат кўрсатдилар. Учувчи бошқарадиган дунёда биринчи орбитал лабораторияда улар амалга оширган иш космик фазони фан ва халқ ҳўжалиги манфаатларини кўзлаб, бундан бўён ҳам тадқиқ этиш ва ўзлаштириш учун янги истиқболлар очиб беради.

«Союз-11» кемасининг командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Г. Т. Добровольский, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси В. Н. Волков ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси В. И. Пацаевларнинг мислсиз парвози — Коммунистик партия тарбиялаб вожага етказган юшнлар мардлигининг буюк намунаси, қаҳрамонлик, юксак эътиқодлиликнинг ёрқин тисмолидир. Улар она-Ватан, Коммунистик партия топширган мураккаб вазифани шараф билан бажардилар. Совет халқининг жасур фарзандлари, космонавтлар — Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков ва В. И. Пацаевларнинг номлари кинотини ўрганиш ва забт этишининг машаққатли йўлдаги буюк ғалабалар йилнома-сидан мангу жасорат сифатида муносиб ўрни олажак. Жасур қаҳрамонларни халқлар, эл-элатлар ёдларида абадий сақлайдилар!

ларда маданий оқартув муассасаларини кўпайтиришни ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Биз шаҳар-қишлоқлардаги кутубхоналар ишини тубдан яхшилашимиз, ҳар бир киши ва хонадонни маърифат дурдоналаридан баҳраманд этишимиз керак. Кишиларда музика, рассомчилик, театр санъатига ҳавас уйғотиш ва санъатнинг бу турлари ҳақида уларга кўпроқ тўшунча бериш мақсадида халқ университетларини ташкил этишимиз, эстетик тарбияни синалган омилларидан бири бўлиб қолаётган халқ театрларини яна ҳам ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим.

Халқ санъати ва умуман социалистик санъатимиз эришаётган ютуқларни кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида вақтли матбуотда, кенг омма иштирокида тез-тез мунозаралар ўтказиб туриш катта фойда келтирган бўлар эди. Шу билан бирга, рассомларимиз, ҳайкалтарошларимиз, халқ санъатининг атоқли усталари яратган янги асарларнинг кўрғазмаларини фақат пойтахтдагина эмас, балки область ва район марказларида ҳам ташкил этишимиз керак. Санъатнинг бу турлари бўйича вақти-вақти билан конкурслар эълон қилиб бориш уларни яна ҳам ривожлантиришга, янги-янги ютуқларни қўлга киритишга руҳлантирган бўлар эди.

Ҳамма ишни кадрлар ҳал қилади. Шунинг учун маданий оқартув муассасаларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиққан, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш масаласи ҳам муҳим вазифаларимиздан биридир.

Юксак инсоний туйғуларни тарбиялашда, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, юксак масъулиятни ҳис қилиш сингари гўзал фазилатларни шакллантиришда санъатнинг аҳамияти беқиёс эканлиги ҳаммамизга маълум.

Чунки санъат ҳамisha улуғворлик ва олижанобликни куйлайди, поклик ва гўзалликка чорлайди.

Республикамиз область ва районларида ҳозирги кунда йнгирма бешта театр мунтазам ишлаб, ўзбек, рус, қорақалпоқ ва қозоқ тилларида томоша кўрсатмоқда. Сўнги йилларда спектаклларимизнинг ғоявий бадий савияси анча ўсди, театрларимиз истеъдодли актёрлар, талантли режиссёрлар ҳисобига мустаҳкамланди. Ҳозирги замон мавзуи спектаклларимизнинг асосий мавзуи бўлиб қолмоқда. Республикаимизнинг чекка районларида яшаётган меҳнаткашларга театр томошалари кўрсатиш яхши йўлга қўйилганлигини алоҳида қайд қилиб ўтмоқчимиз. Чунки сўнги икки йил ичида кўрсатилган томошаларимизнинг удан бир қисмини кишлоқ меҳнаткашлари кўришди, театрларимиз талабчан томошабинларга саксондан ортиқ спектакль ҳада қилишди.

Музика санъатимиз ҳам катта ютуқларни қўлга киритди. Янги-янги опера ва балетлар, симфоник куй ва романслар, музикали драма ва комедиялар яратилди. Уларнинг кўпчилиги халқ синовидан муваффақиятли ўтиб, маданий хазинаимизнинг дурдонасига айланиб қолмоқда.

Биз қўлга киритган муваффақиятларимиз билан фахрланиш билан бирга, ҳали қиладиган ишларимиз кўп эканлигини, партия ва халқ олдида кўп жиҳатдан қарздор бўлиб қолаётганлигимизни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Ажойиб замондошларимизнинг мукамал образларини яратиб, саҳнага олиб чиқишимиз лозим. Уларнинг бой руҳий дунёси, ранг-баранг кечинмалари, порлоқ истак-орзулари, тинимсиз интилиш ва юксак мақсадлари музика асарларимизнинг, спектаклларимиз, рассомчилик ва, умуман, бугунги санъатимизнинг мазмунини ташкил этиши керак.

МЕҲНАТ НАШИДАСИ



аар руҳини ҳаққоний акс эттиришга астойдил бел боғлаган рассом ва ҳайкалтарошларимиз, нақшошу ўймакорларимиз ижодий ҳалқнинг маънавий ҳазинасида катта ўрни тутади.

Республика тасвирий санъат усталари олдда бугунги кунда яна ҳам улкан, янги вазифалар турибди. Биз Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ташкил топганлигининг ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ярим асрлик тўйига атаб тематик кўргазмалар ташкил этишни,

айрим санъаткорларнинг ижодий ҳисоботларини, кўча кўргазмалар уюштиришни мўлжалламоқдамиз. Бу тадбирлар санъат асарларини ҳалқ орасида кенг тарғиб қилишга ёрдам беради, рассомларимизнинг ҳалқ билан алоқасини янада мустаҳкамлайди, профессионал маҳоратларининг ўсишига сабаб бўлади.

Шуни айтишимиз керакики, рассомларимиз замонадошларимиз қиёфасини, уларнинг маънавий ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришларни мукамал акс эттириш учун ҳали кўп ишлашлари зарур. Бизнинг кўнларда содир бўлаётган оламшумул воқеаларини тезда илғаб олиш, кишиларнинг орзу-умидларини бадий образларда юксак завқ билан тасвирлаб бериш катта маҳоратни талаб қилади.

Замонадошларимизнинг ички дунёси, мурракаб ва олижаноб туйғулари, жонажон юртимиз ва одамларимиз қалбининг гўзаллиги, шиддатли ижодий жараёни, ажойиб куйларимиз ифодаси соф ва янграқ бўёқларини, мазмундор рангларини, органиал композиция ва дарадил изланишларини талаб қилади. Шунинг учун бизнинг доимий ишимиз — профессионал маҳоратини оширишдир.

Республикамиз мўйқалам усталарининг сафига умдлий ёшларнинг дадил кириб келаётганлиги ҳаммадан кувонтиради. Иттифоқимиздаги кўпгина олий-бадий ўқув юрталарда, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил кўрган талайгина ёшлар устозлар аъённаларини изчил давом эттирмоқдалар. Ўзбекистон Ленин комсомолу мукофотининг лауреати Рўзи Чориев, Бахтиёр Бобоєв, Қодир Салоҳиддинов, Кўчкор Носиров, Анатолий Циглицев, Аҳмад Шоймуродов, Қидирбек Сонов, Жавлон Умарбеков каби истеъдодли рассомларимизнинг асарлари нафосат мухлислари эътиборини қозонмоқда.

Ўзбекистон ҳалқ амалий-декоратив санъати

турли-тумаллиги, ранг-баранглиги билан биргачан оламга машҳурдир. Ҳалқ усталари бунёд этган кинг йиллик архитектура ёдгорликлари, киши ақлини лол қолдирадиган бежирим, нафис бадий буюмлар ҳаммамизга мақбул. Ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, сиркорлик, куюлчилик, зардулик, заргарлик ва бошқа соҳаларда ижод қилаётган кўли гул ҳалқ усталарининг асарлари миллий фахримиздир. Бироқ республикамизда ҳалқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги, қўл каштачилиги, гилам тўқиши, мисгарлик каби қатор муҳим турларини тараққий эттиришга сўнгги йилларда етарли аҳамият берилмай кўйдик. Декоратив амалий санъат соҳасида мутахассислар етиштириш ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Тошкент театр ва рассомлик санъати институти қошида амалий санъат бўлимининг ташкил этилиши, П. Беньков номидаги республика бадий билим юртида амалий санъатининг турли соҳаларига оид бўлимларнинг мавжудлиги гоъят кувонarli, аммо етарли эмас. Кейинги пайтларда ўрта мактабларда ёшларга меҳнат дарсларида амалий санъатининг турли соҳаларини машғулотлар олиб борилаётганлиги ҳам келажақда яхши самаларлар беришига ишончимиз бор. Республикаимиздаги етук устозлар машҳур ганчкор Маҳмуд Усмонов каби устозлардан ибрат олиб, санъатта иштиёқманд ёшларга бой тақриб ва билимларини ўргатсалар, устозлик қилсалар иур устига иур бўлар эди.

Профессионал рассомларимизнинг ўй ва интилишлари, ижодий баҳс ва ўқишлари тасвирий санъатининг ҳамма йирик жанрларини тараққий эттиришга қаратилган. Ресми санъати асарларини шонли XXIV съездан кейинги жўшқин ижодий меҳнат руҳи билан, ҳаёт ва курашимиз мазмунини билан сурғорish — жуда шарафли ва масъулиятли вазифамиздир.

Собир МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Кинематографчилар союзи прав-
лениесининг раиси

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ



ўнгги йилларда ўзбек кино санъатининг ютуқлари ижодий кучларимизга катта ишонч туғдирмоқда. Жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган бадий ва ҳужжатли фильмлар яратилди. Ана шу ютуқлари учун «Ўзбекфильм» коллективи Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Кинематографчиларининг яқинда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ съездида «Фавқуллода коммиссар», «Севшиганлар», «Қора консулнинг ҳалокати» каби ленталар кейинги пайтларда яратилган энг яхши совет фильмлари қаторида таҳлил этилди. Мамлакатимиз томошабинлари «Советский экран» журналининг ўтган йилги энг яхши фильмлар ҳақидаги саволига жавоб берганда, аввало, кинодраматург Одилшо Ағишев ва ёш режиссёр Элёр Шшмухамедовнинг «Севшиганлар» фильмнин тилга олдилари. «Тошкент — нон шаҳри», «Қирқ биринчи йил олмалари», «Генерал Раҳимов», «Ватан фарзандлари», «Самарқанд доимо мен билан», «Тошкентда зилзала», «Пахта — инсон» т гули» каби бадий ва ҳужжатли фильмлар ҳам

сўнгги йилларда яратилган энг яхши экран асарлари қаторига қўшилди.

Ўзбек кино санъати муваффақиятларининг боиси — сценарий автори ҳамда режиссёрлар томонидан фильмга асос бўлган тарихий ва замонавий мавзуларни чуқур талқин этишга интилиш, кинематографчиларимиз профессионал маҳоратининг тақомилдир. Бу бадий фильмларда қаҳрамонлар характери устида пухта ва деталма-деталь ишлаш, ҳужжатли фильмларда эса, воқеликни фактографик акс эттиришдан кўра, ҳаёт ҳодисалари ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилиш сари интилишда яққол кўринади. Бошқача қилиб айтганда, сўнгги йилларда ўзбек фильмлари сифатининг юкселуви кино санъати усталарининг ижодида изланиш ва ўз-ўзига талабчанлигининг ошганлиги билан изоҳланади.

Ҳозир, Партиямиз XXIV съезидан кейинги даврда биз диққатни кино санъати соҳасида ҳали ҳал этилмаган муҳим масалаларга қаратмоқдамиз. Бундай муаммолар бизда ҳали анчагина.

Эндиликда совет санъаткоридан ўз касбининг устаси бўлишдан ташқари, ҳаётин ҳар томонлама чуқур билиш, фалсафий мушоҳаданинг миқёсли ва теран бўлиши, инсоний муносабатларнинг мурракаб ҳолатларини таҳлил эта билиш талаб қилинади. Совет санъаткори замонадошимизнинг маънавий бойлигини ва характер яхлитлигини акс эттириши, томошабинни тарбиялайдиган, унда юксак ҳислар уйғотадиган, уни ҳаёт ва давр ҳақида актив уйғотадиган асарлар яратмоғи лозим.

Кино санъати ходимлари олдидики янги, янада юксак вазифаларнинг муваффақиятли амалга ошириш қатор муҳим масалаларини ҳал этилишига боғлиқ. Мен буларнинг фақат учтасига тўхталмоқчиман.

Биринчиси — сценарий масаласи. Бу жуда эски муаммо бўлса ҳам, ҳанузгача тўла ҳал этилгани йўқ. Мазлумки, фильм муваффақияти кўп жиҳатдан адабий сценарийнинг теранлиги, савияси билан боғлиқ. Бизнинг ишлаб чиқариш планларимизга гоҳо хом сценарийлар ҳам кириб қолади. Бу ерда гаф қарат сценарий қабул қилингунча ўтилмаган бир қанча босқич — узоқ йўлдангина эмас, балки баъзи адбларимиз орасидики кинодраматургияга, қандайдир, иккинчи даражали адабиёт

деб қарашнинг мавжудлигидадир. Ҳолбуки, кинематограф сценарий талабгорини эмас, айна пайтда ва адабиётнинг кудратли тарғиботчиси ҳамдир. Бизнингча, турли бугундаги ёзувчиларни кинодраматургияга жалб этиш билан бирга, профессионал кинодраматурглар тайёрлаш ва даставвал адабий сценарийларнинг гоъвий-бадий сифатига бўлган талабни янада ошириш керак.

Яна бир масала — актёрлар етиштириш. Бундай қарғанда, масаланинг бу тарада кўйилиши ноўрин кўринади. Лекин аслида бу масала ҳам ҳануз тўла ҳал этилмаган — ёрқин истеъдод эгаси бўлган ёш актёрлар етишмайди. Режиссёрлар ҳар гал, агар сценарий бош қаҳрамонлари бшлар бўлса, катта қийинчиликларга дуч келишади. Ўз-ўзидан мазлумки, 16—17 ёшли йигит ёки қиз албатта ҳали актёрлик маҳоратидан, тажрибадан анча йироқ бўлади. Ешлар орасидан истеъдодларини излаб топилш ва режиссёрларнинг улар билан тинмай ишлашлари энг масъулиятли вазифа. ВГИКда, Тошкент театр ва рассомлик институти ва «Ўзбекфильм» қошидаги киноактёрлар студиясида ёшларни тайёрлашни янада яхши йўлга қўйиш лозим.

Учинчи масала — бизнинг доимий ишимиз — профессионал маҳорат масаласидир. 1968 йилда хорижий киношунслар «Тошкент — нон шаҳри», «Нафосат» фильмларини худди ана шу профессионал маҳорат жиҳатидан юксак баҳоладилар. Улар мукамал ўзбек фильмлари жаҳоннинг энг яхши фильмлари билан бемалол ёнма-ён тура олади, деган фикрини билдиридилар. Лекин бизнинг барча, жуда бўлмаганда, кўпчилик фильмларимиз бу сифатлар билан ажралиб турмайди. Шунинг учун баъзи бир режиссёр, оператор, композиторлар, умуман фильм ижодкорларидан салбий маънодаги аъённавийликдан, актёрлар билан ишлашдаги, безак, монтаж ишларидаги сийқас чиққан эски услублардан қочиб, доимо янгиликка интилиш талаб этилади.

Ишончимиз қомилки, ўзбек кино усталари XXIV съезд қарорларидан илҳомланиб, келгусида бу ижодий масалаларни дадил ҳал этадилар ва ёрқин, теран, кишини ўзига жалб этувчи, тобора ўсиб бораётган совет кино санъати ва томошабини савъисига мос келадиган асарлар яратадилар.



Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик опера ва балет театрининг иккунчи йили социалистик санъатимиз тарихининг ёртин саҳифаларидан салмоқли урин олган. Ўзбек миллий опера ва балети ана шу театр бағрида намолотга эришди. Дастлабки ўзбек опералари — «Бурон», «Гулсара», «Лайли ва Мажнун», «Улуғ канал» сингари машҳур асарлардан «Зайнаб ва Омон», «Дилором», «Майсаранинг иши» каби етук операларгача Навоий номидаги театр саҳнасида томошабинларга манзур бўлди. Жаҳон ҳамда рус композиторларининг классик опера ва балетлари театр репертуаридан доимий урин олган. Ўзбек вокал-музика, балет-рақс санъатининг дунё миқёсида тан олинishi, танилишида театр истеъодли қўшиқчи ва рақосаларининг хизматлари ҳам таҳсинга арзигулидир...

Бу нафосат кошонасида Италия, Франция, АҚШ, БАР, Ҳиндистон, Руминия каби жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари ва шунингден, қардош республикаларимизнинг машҳур санъаткорлари маҳоратларини намойиш этганлар. Биргина шу йилнинг ўзюда эса, мамлакатимизга гостролга келган Италиянинг машҳур балет рақосаси Лиллан Кози, БАР қўшиқчиси Виолетта Манкар, америкалик қўшиқчилар Коста Мари Сепрана, Кэрл Нэблетт каби санъаткорлар уз санъатларини ўзбек томошабинига шу театр саҳнасида манзур этдилар.

Суратда: Италиядаги машҳур Милан опера театрининг хонандаси Ди ма де Чеко театрининг «Аида» спектаклида манзур этмоқда.

А. ВАНШТЕЙН ФОТОСИ

Аҳмад ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Композиторлар союзи равленисининг раиси

ЗАМОН САДОСИ



Музика билан қўшиқчи халқ овози, она ер садоси, дейдилар. Дарҳақиқат, катта халқ сайларию туйтомошаларида ҳам, оддий кунларимизу улуғ синов айёмларида ҳам музика ва қўшиқ бизга йўлдош, қалбимизни илиқ нур билан тўлдириб, энг олжа-ноч энг нозик туйғулари унғотибди, илқомбахш куч бағишлайди. Замонамиз музика ижодкори учун ажойиб илқом манбаи бўлибгина қолмай, санъат ва санъаткор олдига кундан-кун янги вазифалар ҳам қўяди. Шундай экан, ҳар бир ёзувчи, бастакор ва расомнинг виждоний бурчи ўз даврининг талабларига қўлоқ солиб, халқ қалбини, замон нафасини мумкин қадар тўла ифодалашдан иборатдир.

Биз совет композиторлари мислсиз гўзал ва курашчан давр фарзандларимиз. Асримизнинг шиддатли, тезкор суръатга, янграқ садосига сезгир бўлишимиз керак. Идрокимиз,

қалбимиз билан ҳар дамда, ҳар қадамда асримиз муаммоларига дахлдор эканлигимизни, санъат олдидаги улкан масалалардан, санъат мўъжизаларию унинг қувонч ва ташвишларидан холи яшай олмастлигимизни ҳис этиб турамиз.

Ўзбекистон композиторларининг кейинги тўрт-беш йил ичидаги ижодлариға кўз солсак, шунини айтиш мумкинки, улар ўз асарларида ҳаёт ҳодисаларини кенграқ қамраб олишга, замондошларимиз образини мукамалроқ яратишга жиддий киришдилар. Энг моҳир бастакорлар инқилоб шон-шавкатини авж пардаларда куйламоқдалар, она-Ватан, улуғ Ленин образини нафис ва қудратли музика тили билан ифодалашга бор истеъодларини, юрак ҳароратини бағишламоқдалар.

Партияимизнинг XXIII ва XXIV съездлари орасида ўтган давр республика композиторлари, музикашунослари учун қайноқ ижодий меҳнат ва чинакам синов йиллари бўлди. Эндликда композиторларимиз жуда улкан ижодий тажриба орттиришди, профессионал маҳоратларини ошириб, балоғат босқичида янги қадам қўйишди. Айниқса, уларнинг музикали саҳна асарлариға куй басталаш, симфоник ва вокаль-симфоник музика асарларини яратишдаги муваффақиятларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимсан. И. Ҳамроевнинг «Ойжамол» операси [Э. Воҳидов либреттоси], Ҳ. Раҳимовнинг «Зафар» [У. Исметов либреттоси], С. Бобоевнинг шоир Ш. Саъдулла билан Биргалликда яратган биринчи болалар операси «Эрилтош», М. Ашрафийнинг «Севги тумори», М. Левиевнинг «Сухайл ва Мехри», Г. Мушелнинг «Самарқанд афсонаси» каби балетлари йириқ жанрлар тараққиётда муҳим роль уйнади. Музикали драма ва комедия театрларимиз репертуарининг ранг-баранглигини таъминлашда И. Акбаров, А. Муҳамедов, М. Левиев, А. Халилов, Д. Соатқулов, Ю. Ражабий, С. Жалил, С. Ҳайитбоев сингари жуда кўплаб

бастакорларимиз жон куйдириб ишламоқдалар.

Композиторларимиз симфоник, вокал-симфоник асарлар яратиш устида кунт билан ишлашди. Бу уларнинг индидуал ижодий манераси, услуби, ўзбек халқ музикаси аъналарига, миллий халқ куй-қўшиқлари оҳангларига суянишдаги маҳоратини ҳам кўрсатди.

Музика санъатимизни янги чўққиларга олиб чиқиш керак бўлган кўплаб ижодкор ёшларнинг етишиб келаётгани ҳам бизни жуда қувонтиради. Ташкент консерваториясида таҳсил кўрган Т. Қурбонов, Р. Ҳамроев, С. Жалил, Э. Солиҳов каби истеъод эгалари, Ш. Шоймардонова, Э. Тўйчиева, Д. Сайдамнинова каби аёл бастакорларимиз ўзбек санъати ривожига яхши ҳисса қўшмоқдалар.

КПСС XXIV съезди қарорлари биз композиторларини ҳам кечаги ишларимизни бир чамалаб кўришга, олдимиздаги вазифаларини чуқурроқ ҳис этишга қорлади. Бу вазифаларнинг энг биринчиси замондошларимизнинг, хусусан, ёш авлодининг эстетик дидини шакллантириш, маънавий оламини бойитишдир. Кенг халқ оmmasининг кўп овозли музикаси, аниқроғи, симфоник ва опера-балет асарларини яхшироқ тушуниши, уларни севиши учун биз ҳали етарли ишлаётганимиз йўқ. Халпига баъзилар симфоник, оратория, поэма, опера ва балет каби асарларини айрим кишиларгина тушунади, уларни ҳаммининг билиши шарт эмас, деб ўйлайдилар. Замонавий йирик музика жанрлариға бундай муносабатда бўлиш зарарлидир, у кенг оммани юксак ва нафис туйғуллардан махрум этади. Шунинг учун ҳам, биз тингловчи ва томошабиннинг фикр доирасини кенгайтирадикан, унга чуқур эстетик завоқ-шавқ бағишлай оладиган пухта ва баркамол йирик асарларни кўпроқ яратиш ва тарғиб қилишга аҳамият беришимиз керак. Уйламанки, республикамизнинг талантли бастакорлар отряди бу ишининг уддасидан чиқа оладилар.

«БАҲОР» ДОВРУҒИ

«Миллий театрда ўзбек «Баҳор» ансамблининг томошаларини кўриб ўтириб, хаёлга толдим. Нақадар гўзал манзара: ёшликнинг, дўстликнинг ажиб таронаси! Дастлабки «Баҳор» рақсиданоқ бу руҳ сезилиб туради. Кўз олдимизда шунчаки баҳор фасли эмас, балки қалб қувончларига ва юксак интилишларга тўла ҳаёт баҳори намоён бўлади, миллий кийимлардаги ўзбек қизларини марварид жилваларига таққослагим келади. «Висол» рақси — тоғ жилғасидай мусаффо, оташ муҳаббат ҳақида ҳикоядир. Равшаной Шарипова ўтлоқда қўзичоғини йўқотган чўпон характерини маҳорат билан очиб беради. Мусиқа ҳаёлингизни яшил ўтлоқларга олиб кетади. Қўлига таёқ тутган чўпон қўзичоғини қидириб у ёқ-бу ёққа югуради. Топиб олгач, қувониб жилмаяди. Халқ санъати шундай оддий воқеани ҳам таъсирчан, ҳаяжонли тасвир эта оларкан.

Оммавий бир рақсда муҳаббат тарихи ҳикоя қилинади. Рақссалар қалби ишқ ва висол оловида ёнаётганини ҳис қиласиз. Валентина Романова ижросидаги «Қўғирчоқ» рақсини кўриб, самимий кулгимизни тўхта олмадик. «Пилла» рақси ҳам гўзал. Рақсини кўриб ўтириб, қизлар бошидаги ипак рўмолининг чиройингига эмас, балки шу рўмол қандай тўқилганини ҳам тасаввур қиласиз.

Рақслар жуда гўзал! Лекин, энг муҳими — ансамбль сафарининг асл мазмун — юксак инсоний бир факт, дўстларнинг учрашуви эканлигини тушундим. Санъат чиндан ҳам дўстлик ришталарини боғловчи кучли қурол. «Баҳор» ансамбли тажрибаси бизнинг халқ санъатимизни тарққий эттиришда ҳам қўл келиши мумкин».

Марокаш журналисти Миргани Ҳасан Али ёзган бу ихчам, лекин самимий тақризда «Баҳор»га юксак баҳо берилган. Ушанда ансамбль биринчи марта тўлиқ состав билан чет элга сафар қилган эди. Совет Иттифоқи халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Мукаррама Турғунбоева асос солган ва раҳбарлик қилаётган «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамбли қисқа муддат ичида фақат республикамизда ва Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам доғ таратади.

— Биз яқинда узоқ ва масъулиятли сафардан қайтиб келдик, — дейди Мукаррама Турғунбоева, — қаерда бўлмайлик, сидқидилдан меҳнат қилиб, серзавқ ва дидли томошабинларни мамнун қилолдик, ўзимиз ҳам шодликдан бахтиёрмиз!

Машҳур ҳинд адаби Хўжа Аҳмад Аббос



«Баҳор»нинг раҳбари СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева.

ҳайратланиб: «Ўзбеклар ҳиндларни икки марта забт этдилар: биринчиси — андижонлик Муҳаммад Бобир эди; иккинчиси — Мукаррама-хонимдир, — дейди. — Кейингиси кучлироқ бўлди. Чунки Мукаррама-хоним еримизни эмас, балки нафис санъати билан қалбимизни забт этди. Бу ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди», — деб хитоб қилган эди.

Кишилар ўзга юртларга борганда тилмочсиз гаплаша олмасликлари мумкин. Лекин, санъат тили ҳаммабоп, интернационал тилдир. Куй, кўшиқ, рақс ҳар бир мамлакатда дили-дилга пайванд қилувчи кўприк бўла олади. Жазоирда чиқадиغان «Альже републикэ» газетаси ёзган эди: «Фаргона» рақси

машҳур шаҳарнинг жозибасини шу қадар тўлиқ берадики, ана шу ўлкани бир бориб кўрсам, дейсан киши... «Баҳор» артистлари ўзбек баҳорининг бутун латофатини, нафосатини акс эттирадилар».

«Баҳор» рақслари, — деб ёзган эди «Кабул таймс» газетаси, — Совет Ўзбекистонини хотин-қизларининг эркин ҳаётини ифодалайди. Унинг программаси эса ўзбек халқининг улкан таъқури мевасидир».

«Революцион Африкен» газетаси ўз фикрини бундай баён қилди: «Ўзининг қадимий миллий маданиятини янги социалистик аъёналар билан моҳирона бойта олган серкўш Ўзбекистон вакиллари биз учун катта янгилик олиб келишди».

«Баҳор» ансамблининг сафарлари хорижий томошабинларга гўллаб-яшнаётган диёримиз санъати эришган беқисс ютуқларини, ҳур халқимиз фаровон турмушини, замонамиз салоҳати, юртимиз бойликларини кўз-кўз қилади.

Бирлашган Араб Республикасининг машҳур ҳайкалтароши Зоҳидий бундай деб ёзади: «Баҳор» ансамбли ижросида ўзбек куйларини тинглаганимда, рақсларини кўрганимда сахнага чиқиб артистлар овозига жүр бўлгим келди. Сизларнинг ижрочилиги маҳоратингиз юксак ва нафис. Рақсларингизда бадиний дид, реалистик ифода кучли, сунъийлик йўқ».

Кобил университетининг студенти Ҳафиз Абдулло икки мамлакат маданий алоқалари ҳақида гапириб, юрак туйғуларини куйидагича изоҳлайди: «Мен Кобил университетини студентларининг юрак сўзларини изҳор этаётганимдан бахтиёрман. Бизнинг маданий алоқаларимизнинг негизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. У қадимий тарихга эга. «Баҳор» ансамблининг гастроллари шу дўстликни янада мустаҳкамлайди...».


«Баҳор» санъаткорлари деярли бутун дунёни кезиб чиқдилар. Судан, Ливия, Марокаш, Бирлашган Араб Республикаси, Жазоир, Тунис, Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Малайзия, Афғонистон, Мўғлистон, Венгрия, Англия, Франция, Вьетнам, Норвегия, Шотландия, Голландия, Япония, Қора Африка, Латин Америкаси, Канада, Австрия, Чехословакия, Польша, Болгария, Индонезия, Камбоджа...

Эндилликда аjoyиб ансамблимиз Германия Демократик Республикасининг азиз меҳмони бўлади. «Баҳор» қайси элда меҳмон бўлса, уша халқ миллий рақсларидан ҳам ўрнади, ўз репертуарини янги ўйинлар билан бойитади.

Анвар ЮСУПОВ

Жаҳоннинг Қаҳрамон Дадаев доиралари янграмаган бирон мамлакатни йўқ, деса муболага бўлмайди.





МЕЪМОРЧИЛИГИМИЗ ВА ҲАЁТ

Абдулла БОБОХОНОВ,
СССР халқ архитектору, профессор

Ў

збекистонда совет меъморчилиги йигирманчи йиллардан шакллана бошлади. Мамлакатдаги вайроналик ва бошқа турли-туман қийинчиликлар авваллари қурилишнинг кенг қулоч ёйишига имкон бермади. Лекин шу даврда ҳам Чирчиқ, Ангрэн каби социалистик ша-

ҳарлар, улкан кимё, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, тўқимачилик ва тоғ саноати корхоналари барпо этишга киришилди, янги турар жой районлари қад кўтарди. Янги ҳаёт, янги даврнинг архитектурага талаби — қулайлик, соддалик, арзонлик, миллий ўзига хослик эди. Бу талаблар ривожланаётган меъморчилигимизга асос бўлди.

Еш меъморчилигимиз бинолар-

га миллий кўрк беришга интиларди. (Тошкентдаги Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти, Тарих музейи бинолари ўша йилларда қурилган.) Лекин, афсуски, бу интилиш ўша вақтда ўзбек меъморчилиги аъёналарига юзани эргаштиришдан нарига ўтолмади.

Ўзбекистон меъморчилиги тараққиётининг иккинчи босқичида (1932—1941 йиллар) бинокорлик

ишлари анча ривож топиб, талай ютуқлар қўлга киритилди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг бош режаларини тузиш юзасидан катта ишлар олиб борилди. Турар жой ва жамоат биноларининг кўплаб намунаси ҳамда ягона лойиҳалари яратилди. Бу лойиҳалар асосида республикада маъмурий ва турар жой бинолари қурилиши кенг миқёсда амалга оширилди.



*Хунарварларки қилгайлар хунар фош,
Агар хоротарошу хоҳ наққош.
Бири ҳардам йўнуб юз навъ хора,
Ки қилгай ҳавз ё фаршу изора;
Бири ҳар дам чекиб юз нақш дилкаш,
Ки ҳар бир қасрни қилгай мунаққаш.
Ушул муддатгача бу корхона,
Ки кўреузгай туганмакдин нишона,*

*Ғаройиб кўп ҳувайдо бўлгусидур,
Ғасе шакл анда пайдо бўлгусидур.
Кўруниб ҳар замони кўзга бир шакл,
Кўз олғоч бўлгусидур ўзга бир шакл.
Чу бўлди жилваеар ашкол юз навъ,
Анга ҳам бўлгуси тимсол юз навъ...*

Алишер НАВОИЙ

Ўттинчи йилларда ҳам кўпгина архитекторлар миллий меъморчилигимиз аъналарига мурожаат қилдилар. Аммо бу интилиш ҳамон услубий тақдидангина иборат эди. Тошкентда қурилган «Ватан» кинотеатри, Москвадаги Бу-туниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг Ўзбекистон павильони фикримизнинг далилидир.

1941—1954 йиллар мобайнида Ўзбекистон меъморчилигида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврда Тошкентда Навоий театри биноси барпо этилди, Шота Руставели, Навоий кўчалари, Беруний майдони қурилиши бошланди, барча кўчаларга эга бўлган янги шаҳар ва шаҳарчалар қад кўтарди. Лекин ташқи шакллarga берилиб кетиш, ҳашаматли меъморчилик усулларини электиктик — қоршиқ таразда қўлланиш ҳоллари ишми-мизга халал берди. Номувофиқ кубба, арк ва устунлар (Қишлоқ хўжалик министрлиги биноси, Навоий кўчаси ҳамда Беруний майдонидagi турар жой бинолари каби) давлат учун қимматга тушди, бинокорликни индустриалаштиришга ҳалақит берди.

1954—1970 йилларда республикамизнинг бир қанча шаҳарларида уйсозлик заводлари барпо этилиб, кейинги ўн беш йил мобайнида Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Бухоро, Наманган, Навоий ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларда янги, замонавий турар жой массивлари бунёд этилди. Лекин ҳали ҳамма жойда ҳам биноларнинг эстетик жиҳати кўнгилдагидек эмас.

Бу даврда пойтахтимизда «Тошкент» меҳмонхонаси (архитектор М. Булатов ва Л. Караш), темир йўл вокзали биноси (архитектор Л. Травянож ва В. Русанов) қурилди. Бу биноларнинг авторлари маълум даражада халқ меъморчилиги аъналаридан фойдаланишга интилдилар. Бу, хусусан, кошнлардан фойдаланиш, нақшли безаклар ишлатиш, саҳнлар қолдиришда кўринади.

Аммо сал кейинроқ барпо этилган Санъат саройи (В. Березин, Ю. Холдеев, С. Сутягин, Д. Шуваев), Ўзбекистон кўчасидаги маъмурий бино (В. Березин, А. Фойнлеб), Марказий универсал магазин (Л. Комиссар, Л. Блат, А. Фрейног ва бошқалар), Қизил майдондаги маъмурий бинолар комплекси (Б. Мезенцев, Л. Адамов) каби объектларда авторлар ўзбек халқ меъморчилиги аъналаридан фойдаланишга унча интилмадилар.

Зилзиладан кейин қурилган турар жой ва жамоат бинолари мамлакатимизнинг жанубидаги шунга ўхшаш қурилушлардан ташқи кифаси жиҳатидан қарийб фарқ қилмайди. Аммо иморатларни режалаштиришда, айвонлар ва лоджиялар қуриш борасида лойиҳачиларнинг катта меҳнат сарфлаганликларини айтиб ўтиш керак.

Кўпгина лойиҳачилар ҳозирги замон совет ва чет эл архитектурасининг илгор усулларини ўзлаштирар эканлар, таассуфики, маҳаллий, миллий ўзига хослик ва ўзбек халқ меъморчилигининг илгор жиҳатларидан фойдалана билмадилар, ўлкамизнинг иқлим шароитини ҳисобга олмадилар.

Кейинги йилларда Тошкент марказида янги хиббонда «Мосвий гумбазлар» қаҳвахонаси ва чойхона пайдо бўлди. Бундай янгилик, албатта, кишини қувонтиради. Лекин қаҳвахона архитектурасида гумбазлардан фойдаланиш, Бизнингча, узини оқламаган. Бино умумий оқатланиш жойини эслатмайди. Чойхона ҳам маҳалла маънасига ўхшатиб қурилган. Фикри-мишга, ўтмиш меъморчилигимиз аъналаридан бу таразда — юзак ибрат олмастлигимиз керак.

Маълумки, совет меъморчилиги биноларини амалий, иқтисодий, техник-конструктив ва бадий-эстетик жиҳатларини узвий яхлитликда бўлишини талаб этади. Бизда гоҳо бу муаммолардан, хусусан, меъморчиликнинг бадий-эстетик жиҳати эътибордан четда қолмоқда.

Совет архитектурасида новаторлик ўтмиш меросини инкор этмайди, балки унинг илгор принципларини, усул ва аъналарини ижодий ўзлаштиришни тақозо қилади. В. И. Лениннинг икки маданият ҳақидаги машҳур таълимоти чет эл маданияти, жумладан, архитектураси утуқларидан фойдаланишда ҳам биз учун дастурал амалдир. Чет эл архитектураси усул ва шаклларида, меъморчилик меросидан кўр-кўрона фойдаланиш, тақдидчилик ҳоллари ижодий ишга ҳалақит беради.

Мамлакатимиздаги миллий маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни кучайиб бормоқда. Бинокорликни индустриалаштириш ва намунали тартибга со-

лишда бу тенденция янада аниқроқ кўзга ташланмоқда. Меъморчиликнинг интернационал руҳи, санъат ва маданиятнинг бошқа соҳаларидаги сингари, яққол сезилмоқда. Кекса ва ёш архитекторларимиз ижодига назар ташласак, уларнинг кўпчилиги республикамиз меъморчилиги муаммоларини ҳал қилишда тўғри йўлдан бораётганлигини кўрамай.


Республикамизда шаҳар қурилиши ва архитектура борасида кўпгина утуқларга эришилди ва шу билан бирга янги ижодий муаммолар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, Самарқанд, Бухоро, Хева ва каби шаҳарларимизда, меъморчилик обидаларини сақлаган ҳолда, маҳаллий шарт-шароитларини ҳисобга олиб, миллий аъналар руҳида янги типдаги турар жой ва жамоат бинолари барпо этиш муаммоси ҳануз ҳал қилинган эмас. Бу масалаларни ижодий ҳал этишда архитектура фани ёрдамга келиши керак. Бунинг учун юксак малакали архитекторлар тайёрлаш зарур.

Ҳозирги пайтда шаҳар қурилиши ва меъморчилик масалалари билан қисман Тошкентдаги таъриба лойиҳалаш илмий-тектириш институти шуғулланмоқда. Бу институт ўз фаолиятини асосан лойиҳалаш ишларига қаратган. Меъморчиликнинг назарий масалаларига—лоийҳачилик таърибаларини умумлаштириш, ҳозирги замон ва ўтмиш меъморчилиги аъналарини ҳамда чет эл архитектурасини илгор томонларини ўрганишга эса унча эътибор берилмаётир. Институт ҳозиргача совет шаҳар қурилиши ва архитектураси назарияси ва тарихига оид биронта монография ҳам чиқарган эмас.

Маданият министрлиги ҳузурдаги Санъатунолиқ институтида ҳам аҳоли шу хилда. Бу ерда санъат ва меъморчиликнинг ўтмиш давлари ўрганилаётган бўлса

ҳам, замонавий шаҳар қурилиши ва архитектура соҳасида йирик тадқиқотлар олиб борилмаётир. Тошкент Политехника институти архитектура факультетида ҳам активроқ амалий-ижодий ташаббус бўлишини истар эдик. Архитектура тарихи ва назарияси билан республикамизнинг турли лойиҳалаш ташкилотларида ишлаётган мухтассас амалиётчиларинга шуғулланиб келмоқдалар. Институтлар республика архитектураси ва шаҳар қурилишининг табиий-иқлим ва миллий-маиший ўзига хослигига доир таърибаларини умумлаштириш билан астойдил шуғулланишлари керак эди. Республикада шаҳар қурилиши ва меъморчилик соҳасида илмий марказини йўқлиги ҳам оқорда тилга олинган муаммоларини ҳал қилимай келишига сабаб бўлаётир. Амалиётчи меъморлар илмий асосланган тавсиялар бўлмаганлиги сабабли ўз ижодий фаолиятларида камчиликларга йўл қўймоқдалар, гоҳо осон йўлдан бориб, бир хил архитектура усулларидан қайта-қайта истифода этмоқдалар.

Бизнингча, Ўзбекистон Филлар академияси ихтиёрида ҳам, Киев, Бону, Москвадаги каби, шаҳар қурилиши ва меъморчилик муаммоларини тадқиқ этуви ягона илмий-тектириш институти ташкил этиш пайти етган. Бу марказда республикамизнинг турли муассасаларида ишлаётган йирик мутахассислар, таърибали меъморлар тўпланиши керак. Бу институт республикамиз меъморларининг бой таърибасини умумлаштириш, ҳозирги замон ўзбек совет архитектурасининг муҳим муаммоларини ҳал қилиш, меъморчилик-бинокорлик қомусини тайёрлаб, нашр этиши ва совет архитектура-си ҳамда шаҳар қурилиши соҳасидаги асарларни оммалаштириши зарур.



Тошкент шимолида қурилажак янги бинолар лойиҳаси.



«ЎЗБЕКФИЛЬМ»ДА

БИР

КУН



Постановкачи режиссёр Шухрат Аббосов, оператор Ҳотам Файзиев «Муҳаббат моҳароси» фильмини суратга олмақдалар.



СССР халқ артисти Комил Ерматов.



«Жазирама офтоб тигида» фильмини режиссёр Альберт Хачатуров (уртада) экранлаштироқда.



«Олишув» фильмининг постановкачи режиссёри Учқун Назаров киноартист Ҳамза Умаров билан бир эпизодни муҳокама қилмоқдалар.

Кўнда сахий ёз кўеши. Далаларда табиат жилави, ям-яшил тоқзёрлар, сокин ва улкан бобоёнгоқ, йирокда кўеъ аёвсиз қиздираётган сарғиш-кўнгир қоялар, Чимён этаклари томон чўзилган Хондайлик қишлоғи. Бу кичик тоғ қишлоғининг сукунати 1927 йил бузди. Майдонда мезана ва мачит қад кўтарди, унинг рўпарасида эса, «Яшасин 1 Май!», «Яшасин озод Шарқ аёли!», «Ер — деҳқонларга!» деган шior ва плакатлар осилган оқ уй...

Бугун «Дадиллик» фильмини суратга олувчилар ilk эпизодни лентага тушириш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар «Қишлоқ совети» объектини кўздан кечириб, камераларни, дигаларни ўрнатиллапти, бугунги оммавий чиқиш иштирокчилари — кўеда пишган қувноқ болаларга, қишлоқ аҳлига курсатмалар берилмоқда.

Бўлажак фильм истеъодли режиссёр Али Ҳамроевнинг ўзбек халқининг яқин кечмишидаги тарихи мавзуга яна бир янгича ёндошу-

видир. Фильм сценарийсини Али Ҳамроев ва Дилшод Фатхуллин иштирокида таникли драматург Комил Яшин яратган. Унда Ўзбекистондаги маданий инқилобнинг дастлабки даврлари, паранжига қарши кураш, ўзбек аёлининг шариатнинг асрий қишанларидан озод қилиниши акс эттирилади.

Али Ҳамроев маданий инқилобнинг асл моҳиятини кўрсатишда, воқеаларни эстетик, айна пайта ижтимоий ва сивсий аспектда ёритишга интилади. Зотан, ҳақиқий санъаткор халқ ҳаётидаги ҳаракатларни тарихий моҳиятини англаш ва санъатга замон қўйган талаблар даражасидан туриб ёндошиш лаёқати билан ажралиб туради. Али Ҳамроевнинг интилишлари ҳужжатлилиқка нисбатан эмоционаллиқка кўпроқ мойилдир. Шунинг учун ҳам тарихий ҳақиқатга тўлиқ мос келадиган ўтмиш воқелигини акс эттирувчи бўлажак фильмга ҳужжатли асар сифатида қарамаслик керак. Кўеъ борган сари олов пуркайди. Прожек-

торларнинг кучли ёғдуси остида ишлаш жуда қийин, грим эрий бошлайди, кишининг дамбадам сув ичгиси келади, режиссёр бутун куч-гаиратини, бутун талабчанлигини ишга солади. У актёрларнинг имкониятларини тўлиқ англаган ҳолда қаҳрамонларга характеристикалар беради, актёрлардан ўз ҳаракатлари устида ўйлашни, характерларнинг моҳиятини акс эттиришни талаб қилади ва ҳолатма-ҳолат улар ҳаракатини таҳлил этиб боради.

Бу эпизод жуда муҳим. Чунки у — фильмининг биринчи эпизоди — қаҳрамонларнинг ilk бор кўриниши; томошабиннинг қишлоқда содир бўлаётган воқеалар билан дастлабки танишуви. Унинг иштирокчилари — Гулсара, Қодир, Қўмри...

Фильмининг бош қаҳрамони Гулсара ролини Тошкент театр-рассомлик институти актёрлик факультетининг дипломанти Гавҳар Зокирова, Гулсаранин эри, қишлоқ советининг раиси Қодир ролини ёш, лекин тажрибали актёр Рус-



ЙИГИТЛИК ФАСЛИ

Тошкент Давлат консерваториясининг ректори,
композитор Ҳамид РАҲИМОВ билан суҳбат.



Ўзбекистон ССР халқ артисти, кинорежиссер Яўлдош Аъзамов.



Ўзбекистон ССР халқ артисти, кинорежиссер Зоҳид Собитов.

там Саъдуллаев ижро этяпти... Паранжисининг узун этаклари оёқларига ўралашиб чопиб келётган аёл қишлоқ совети биносига отилиб қиради, чачонини юзидан олади. Лекин... Бу ҳолат суратга олишда яна, яна ва яна такрорланади...

Худди мана шу пайтда Исфарада режиссер Ш. Аббосов бошчилигида «Муҳаббат жоҳориси», қадимий Хоразм тупроғида Ҳ. Файзиёв режиссерлигида «Семурғ» ва Фарғонада У. Назаровнинг «Баҳор баҳорлигини қилади» фильмлари суратга олинди. У ерларда ҳам ҳозир режиссерлар, операторлар, актёрлар саратон қуёши остида пешана терларини сидириб, томошанинг юксак талабларини қондириш учун гайрат қилишади. Булар «Ўзбекфильм» ижодий коллективи доимий ва шарафли меҳнатининг бир кунлик маззараси, холос.

Л. ҲАКИМОВА.

— Ҳамид ака, мана, бу йил консерватория ташкил этилганга ўттиз беш йил тўлар экан. Шу йиллар ичида эришилган энг муҳим ютуқлар ҳақида гапирсангиз.

— Тўғри, ўттиз бешга тўляймиз. Умрининг бу фаслида навқирон йигит қандай мўъжизалар яратмиша қодир бўлса, консерваториямиз ҳам ана шундай қўдратга эга. Шу ўтган йиллар ва ўтишган йўллар давомида санъатхонамиз устозлари 28 кишидан 270 га, талабалар эса 79дан 1 минг 450 кишига етди. Ҳозиргача бизда 2 минг 200 дан ортиқ талаба олий musiқа таълими олди. Консерваториямиз эндиликда жуда катта кутубхона ва бой фонотекага эга бўлган, фақат республикамизнинггина эмас, балки бутун Урта Осиёнинг энг йирик musiқа билимлари марказига айланди. Жаҳон ва ўзбек классик асарларининг оммалашувида муҳим роль ўйнади, ўзбек совет musiқа маданияти ривожига катта таъсир кўрсатди.

Биласиз, биз театрларга, ансамблларга, оркестрларга концертмейстерлар, дирижёрлар, созанда ва хонандалар тайёрлаймиз. Республикаимиздаги Собир Бобоев, Аҳмаджон Жабборов, Фаттоҳ Назаров, Иброҳим Ҳамроев каби кўп таниқли бастакорлар шу ерда таҳсил кўрган. Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтидаги musiқашуносларнинг анчагинаси ҳам бизнинг собиқ талабаларимиздир. Бундан ташқари, барча Урта Осиё республикалари ва Қозғистон учун ҳам кадрлар етиштирамиз. Бу, албатта, бизда ифтихор тўйғусини ўйғотди, айни замонда, зиммамизга катта масъулият юклянди. Айниқса, бастакорлар тайёрлаш борасида.

— Ана шу бастакорлик факультети ҳақида бир оз тўхтасангиз.

— Бу факультет олий ўқув юртимиздаги етакчи факультетлардан бири. Унинг биринчи битирувчилари 1940 йилдаёқ олий маълумотга эга бўлдилар. Собиқ талабаларимиз Илёс Акбаров, Ашот Петросянц, Борис Гиенко каби машҳур musiқашунос ва бастакорлар ҳозирда консерваториямизнинг ҳурматли муаллимлари ҳисобланади. Шу кунгача бу факультет тўқсон икки бастакор тайёрлади. Сўнгги ўн йил ичида эса, уни Тўлқин Тошматов, Зумрад Тўйчиева, Дилбар Саидамिनнова, Элмарк Солиҳов, Султон Ҳайитбоев, Иброҳим Ҳамроев, Рашид Ҳамроев, Сайфи Жалил каби истеъодлар битириб чиқди. Бу факультет талабалари musiқа билимларини пухта эгаллаб бориш билан бирга, ўзлари ҳам куй басталайдилар. Бу йилги олти битирувчи орасида еш бастакор Мирхалил Маҳмудовдан умидимиз катта. Унинг «Наво» куйи асосида яратган симфонияси Москва консерваторияси каби олий ўқув юртинининг профессорларидан иборат Давлат имтиҳон комиссиясининг мақтовига сазовор бўлди. Янги ўқув йилида бу факультетга яна ўн иккинчи қабул қилмоқчимиз.

— Қабул масаласи сизларда қандай йўлга қўйилган!

— Бу борада бошқа олий ўқув юртиларидан кескин фарқ қиламиз. Консерваториямизга фақат бошлангич ва ўрта махсус musiқа билимига эга бўлган йигит-қизларгина қабул қилинади. Биз, албатта, имконимиз борича истеъодли ешларни жалб этишга ҳаракат қиламиз. Лекин бу ўринда баъзи муҳим ва ҳал этишлик зарур бўлган масалалар бор. Ҳозирги шароитга нисбатан олганда, бизда маҳаллий миқлат вакиллари анча кам. Бунинг ўз сабаблари бор. Бизнингча, аввало, барча му-

сиқа билим юртилари бир министрлик раҳбарлиги остида бўлиши керак. Бироқ ҳозир бошлангич musiқа мактаблари маориф, ўрта махсус ва олий musiқа билим юртилари эса маданият министрлигига қарайди. Маориф ҳамда олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, афсуски, маҳаллий кадрлар тайёрлашга етарли эътибор бермай келаётир. Мана, бир мисол: Фарғона водийсида ўн бир musiқа мактаби бор. Уларнинг ҳар биридаги маҳаллий миқлат вакиллари эса бармоқ билан санарли. Ваҳоланки, бу мактаблар талабаларининг умумий сонини тўрт мингдан ортиқ. Бунинг устига улар орасида виолончель, фортепьяно, скрипка каби чолғу асбобларини пухта эгаллаган кадрлар жуда кам.

Иккинчидан, ўрта мактабларда, айниқса қишлоқ мактабларида musiқа ўқитувчилари етарли эмас. Бизнингча, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги педагогика институтиларининг musiқа факультетларини кенгайтиришга ҳамда ўрта мактабларда musiқа дарси савиясини кўтаришга алоҳида эътибор бермоғи лозим. Ана шунда, шубҳасиз, ўқув юртимиз бағрига келувчи талабалар савияси янада юксакроқ бўлар эди.

— Консерватория қошмадаги оркестрлар фаолияти қандай!

— Бу соҳада мақтанса арзигудек ишлар қилганимиз. Бизда халқ чолғу асбобларининг икки оркестри бор. Булардан бири — Аҳмад Одилов бошчилигидаги чаңгчилар коллективи миллий musiқа бўйича ўтган йили кузда Москвада ўтказилган жаҳон еш musiқачилар конгрессида диплом олишга сазовор бўлди. Камер оркестри ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари, икки симфоник оркестримиз бор. Буларнинг бири опера студиямизники. Бу оркестр коллективи тобора камолотга эришиб борапти. Унинг Навоий номидаги театр биносида икки марта қўйилган «Траваната» спектакли ижрочиларимизнинг профессионал коллективи даражасига кўтарилганидан далолат беради. Бу ўринда шунини айтиш керакки, умуман, кейинги пайтларда бизда опера борасида анчагина истеъодли кадрлар етиштирилди. Бу сўзларимга Самарқанд Давлат опера ва балет театри ижодий коллективининг асосан бизнинг собиқ талабаларимиздан иборат эканлиги яққол далил бўла олади.

— Энди келгусидаги режаларингиз ҳақида гапирсангиз.

— Яқин келгусидаги режамиз консерваториямизнинг янги биноси қурилишини тезлик билан бошлаб юбориш. Чунки ҳозирги бино талабга жавоб беролмайди. Хоналар товушини синдиришга мослашмаган. Даравоқе, ёдимдан кўтарилмай дебди, ўзбек халқ чолғу асбобларининг ажойиб музейини ташкил этганмиз. Музей экспонатлари ҳақиқатан ҳам таҳсинга лойиқ. Ҳозирча музейимиз ётоқхонада жойлашган. Лекин ишончимиз комилки, яқин вақт ичида олий musiқа билим юрти учун мослашган бино албатта қурилади.

Бизнинг доимий ва кундалик режамиз эса, ўзбек musiқа маданиятини юксалтириш учун излэматда бўлиш — партияимиз шонли XXIV съезди ҳамда ўзКП Марказий Комитетининг республикада театр ва musiқа санъатини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларига амалий жавоб бериш. Навқирон йигит ёшмидаги санъатхонамиз келгусида ўзбек musiқасига шухратини иттифоқ ҳамда жаҳон миқсисига олиб чиқадиган машҳур бастакор ва ижрочилар етиштириш шубҳасиздир.

МЕН УЛАРНИ КЎРГАНМАН

ВОКЕЙ ҲИКОЯЛАР

Расмларни В. КАЙДАЛОВ чизган.

Оқ фотиҳа

Давраимиз катта эди. Орада энг кичиги мен. Таниқли ёзувчилар, олимлар устоз Фафур Фуломнинг фазилатлари ҳақида навбатма-навбат гапиришарди.

Давранинг тўрида сочлари қиров қўнгандек оппоқ тўладан келган, гавдали, қовоқлари салки журналист, ёзувчи Ҳабиб Нуъмон ўтирарди. Дам-бадам қошларини чимириб, нималарнидир хотирлашга уринарди. Ниҳоят у филтрли сигаретанинг шипга ўрлаб турган оқ кўжимтир тутунига тикилганча, оҳиста гап бошлади.

— Ҳар нарсага қизиқувчан, ёшгина ўспирин эдим. Эски шаҳардаги «Учқун» мактабда ўқийман. Уша пайтларда газетга хабарчалар ёзишга жуда қизиқардим. Бир кун қироятхона очилиши муносабати билан кичкинагина хабар ёзиб, газета редакциясига бордим. Боршга бордим-у қайси хонага киришни бил-



майман. Тўғрироғи, журъат қилолмайман. Ҳар эшикнинг тутқичига қўл узатаману, аллақандай истиҳола билан дарҳол тортиб оламан. Яна йўлақда у ёқдан-бу ёққа юра бошлайман. Менинг нима қиларимни билмай юрганимни сезиб қолган бўлса керак, ўнг томондаги қўш табақали эшикнинг юқори қисмидаги ойнасидан биров мўраллади. Сўнг эшик очилиб, баланд бўйли, хушқомат, келишган йигит чиқиб келди.

— Ҳа, ука, нима қилиб юрибсан! — сўради у менга бошдан-оёқ рази солиб.

— Шу... ҳалиги... Мақола олиб келган эдим, — дедим қўлимдаги тўрт букланган қоғозни узатиб.

— Ҳа-а, — деди у чўзиб. — Қани, кўрсатчи. — У мақолани олиб тезгина кўз югуртириб чиқди. — Дурустан-ку. Яхши, чиқарамиз. Яна ёзиб келгин, хўпми!

— Кечирасиз... ҳалиги... Менга бирор ҳужжат ёзиб беролмайсизми? — дедим унга ёлборгандек қараб.

— Ҳужжатини нима қиласан! — Йигит менга яна синчков назар ташлади.

— Бирор жойга борсам, ҳужжатинг йўқ экан, деб ҳеч нарса айтиб беришмаяпти, — дедим.

— Шунанга дегин, — йигит қўлимдан тутиб хонасига бошлади. — Қани, бу ёққа юр-чи. Иккита ёзув столи қўйилган торгина хонага кирдик. Йигит стол тортмасидан бир варақ қоғоз олди-да, шиддат билан ёза бошлади...

Ҳабиб ака сигаретани кулдонга босиб эзгиларкан, мийиғида кулиб қўйди. Сўнг қўйини чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб кўрсатди.

Даврадагилар қоғозни қўлма-қўл олиб кўришди. Ниҳоят, навбат менга келди. Сарғайиб кетган қоғозни авайлаб қўлимга олдим. Унга араб ҳарфлари билан қуйидагилар ёзилган эди:

«СПРАВКА

Шуни кўрсатувчи Ҳабиб Нуъмонов бизнинг газетга ёзиб юради. Материал олишида ташкилотларнинг ёрдам бериши сўралур.

«Шарқ ҳақиқати» газетасининг масъул котиби:

Фафур ФУЛОМ».

— Шундан кейин газетга тез-тез хабар ёзиб турадиган бўлдим. Кейинчалик редакцияга ишга кирдим. Энди билсам, Фафур ака ўша ҳужжати билан адабиётга киришим учун менга оқ фотиҳа берган экан.

Давраимиз катта эди. Орада энг кичиги мен. Разм солсам, давраимизда адабиётга Фафур Фуломнинг оқ фотиҳасини олмай қирганлар жуда кам экан.

Байт

Мен уни кўп кўрардим. Гоҳ газета редакцияларида, гоҳ ёзувчилар йигилишида. Лекин бирон марта ҳам ҳамсуҳбат бўлмаганман. Мен уни танирдим, у мени танимасди.

Мен уни кўп кўрардим. Яғриндор, тик гавдали. Қирра бурун. Ияги ингичка, юз-кўзи фикрларга, кулгига тўлиб турганга ўхшарди. Бу хозиржавоб шоир ҳақида ҳам Ҳабиб Нуъмон менга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берган эди: — Редакцияда журналист Аҳмад Шоаҳмедов билан ишлаб ўтирган эдик. Тўсатдан эшик очилиб, Фафур ака кириб келди.

— Саломатмисан! — деди у Аҳмад аканинг қўлини қисиб. Кейин менга юзланиб кўз қисиб қўйди. — Қалайсан, катта йигит бўлиб қолдингми?

У сийрак сочли бошидан дўпписини олиб, кафтига уриб қоқди. Дўпписини қайтадан кияркан, чўнтагидан бир палла ёнғоқ олди-да, менга узатди.

— Ма, мана буни еб ол. Қувват бўлади. Чоққиллаб юрасан. — У диванга ястаниб ўтираркан, Аҳмад акага юзланди. — Сурат битибдимми?

— Мана, — Аҳмад ака стол тортмасидан иккита сурат олиб узатди. — Биттаси сенга. Биттасини ўзим олиб қоламан.

— Яхши чиқибди, — деди у суратни диққат билан кўздан кечираркан. — Бўпти, мен кетдим.

— Орқасига бирор нарса ёзиб бермайсанми, — Аҳмад ака қўлидаги суратни унга узатди. — Эсдалик бўлиб қолсин.

Фафур ака қошларини чимириб дам суратга, дам Аҳмад акага қараб бир нафас ўйланни турди, сўнг кўкрак чўнтагини пайпаслаб қаламинини олди-да, стол устига энгашганича тез-тез ёза бошлади.

Кейин ёзганини ўзи бир сидра пичирлаб ўқиб чиққач, мамнун жилмайиб ўрнидан турди.

— Мана, мени соғинганда ўқиб юрасан. У шундай деди-ку хайрлашиб чиқиб кетди. Суратни қўлимга олдим. Фафур Фулом бир тўда пионерларнинг орасида жилмайиб турарди. Суратнинг орқасига эса қуйидаги байт битилган эди.

Дўстим Аҳмад совғаси, хайру саховатни
кўринг
Уч кам эллик ёшида турку тароватни
кўринг!

Мен Фафур Фуломнинг хозиржавоб шоирлиги ҳақида кўп эшитгандим. Ушанда шахсан бунинг гувоҳи бўлганман.

Ёдгорлик

Бозорда одам тирбанд. Биров бир қўти тамақсини, биров ранги ўчиб кетган чопонини сотиб бир кунга яратиш пайида. Уруш асорати шу кичкина бозорчада юрган одамларнинг юз-кўзидан ҳам, усти бошидан ҳам, гап-сўзларидан ҳам сезилиб турибди.

Бозор оралаб баланд бўйли, яғриндор бир одам келяпти. Эғнида узун, қундуз ёқали эски-қирқоқ қолган пальто. Бошига катта телпак кийиб олган. У қўлларини чўнтагига солганича

шошилмай одимлайди. Кенг пешанасига бир-иккита чизик тушган. Бодом қоқоқлари остидаги қора кўзлари ўйчан. Кичкинагина чуқурчали ияги тез-тез қимирлайди. Кенг, ялпоқроқ юзи асабий. Кўринишдан у бирор нарса харид қиладиганга ўхшайди. Фақат одамларни синчковлик билан кузатади. Ниҳоят у юпқа жуи рўмолга ўралиб, совуқдан типирчилаб турган жиккакина аёлнинг олдига келиб тўхтади. Аёлнинг кўзларида умид учқунлари пайдо бўлди. Шошиб ёғи остида ётган шолчасининг у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрсата бошлади:

— Олақолинг, — деди у ёлборган оҳангда. — Бир оз тугилган. Болалик уй-да. У ер-бу ерига дог текканини айтмас, яп-янги.

— Нархи қанча? — сўради баланд бўйли одам.

— Нархи от билан туя бўлармиди, айланай. Берганингиз-да... — Аёл рўмолининг учи билан юзини тўсиб, унсиз йиғлаб юборди.

— Нега йиғляясиз?

— Болаларнинг дадасидан қора хат олди. — Аёл кўзларини артиб, чуқур тин олди. — Сотиб егулик ҳеч нарса қолмади. Тагимизга солиб ўтирган шу биттаю битта шолчани олиб чиққандим. Ўртасига чўғ тушиб, озгина куйган. Ямаса билинмайди.

Баланд бўйли киши аёлга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Қошлари қимирлиб, пешанасидаги чизикчалар кўпайиб кетди. Юзининг пайларини пирпираб уча бошлади. Совуқдан кўкертган лабларини қимирлатиб нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо гапирмади. Чўнтагини кавлаштириб шапалоқдай-шапалоқдай пул чиқарди-да, аёлнинг қўлига тутқазди. Кейин тез-тез юриб ўз йўлига кетди. Аёл дам қўлидаги пулларга, дам тобора олислаб кетаётган яғриндор одамга тикилганча анграйиб қолаверди. Унинг ёғи остида ўртасига чўғ тушиб куйган шолча ётарди.

— Эсинг жойидими, ўзи! — аёлни жеркиди унинг ёнида турган чўққи соқол қария. — Шунанга катта одамга кўз ёши қиласанми? Сенсиз ҳам ташвиши бошдан ошиб ётибди.

— Билмасам... — деди аёл ҳали ҳам олислаб кетаётган одамдан кўз узмай. — Бирдан кўнглим бузиллиб кетди.

— Ким билан гаплашганинги биласанми? — қария жаҳл билан ҳассасини дўққиллатиб қўйди.

— Йў-а.

— Вой эси паст-эй. Ҳали бу одамни танимайман дегин. Ойбек-ку!



— Вой ўлмасам? — Аёл икки қўли билан юзини яширди. Бирдан эсига нимадир тушди шеклилли шолчани кўлтиқлаганча аллақачон кўздан гоёиб бўлган Ойбекнинг ортидан юғриб кетди...

Мен ўша аёлни танийман. Тез-тез уйига ҳам бориб турарман. Ҳар борганимда тахмониде тахлоқлик турган ўша, ўртаси куйган шолчани кўраман. Уша кундан бери аёл уни ноёб ёдгорликдай авайлаб асрайди.



Муқаддас қалам

Мен бу зиёфатга тасодифан кириб қолганим учун бир четда қимтиниб ўтирардим. Мени кўярда-қўймай бошлаб келган ёзувчи Йўлдош Шамшор пичирлаб зиёфат ишторокчиларини таништира бошлади. Ниҳоят биздан сал нарироқда ўтирган барваста кишига ишора қилиб:

— Домлани танисангиз керак? — деди мулоим табассум билан. Бу — сийрак сочлари оппоқ оқариб кетган, бароқ қошлари ҳали қорага мойил, думалоқдан келган юзида ёқимтойлик, нуруний бир меҳр ёғилиб турган Абдулла Қаҳҳор эди. Мен «ҳа» дегандек бош иргаб қўйдим.

— Учрашмоқчиман дегандай бўлгандингиз. Бирор гапингиз бўлса ҳозир гаплашиб олинг. Ҳамма ўзи билан ўзи овера.

Мен аста ўрнимдан туриб Абдулла Қаҳҳорнинг ёнига бордим. Салом бердим. Довдираб қолганимдан зиёфат бошланишидан олдин кўришганимизни ҳам унутиб қўйибман. Домла саломимга алик олиб бош иргеди. Ўйчан кўзларида, думалоқ, оқ-сарикдан келган юзида ёқимтой табассум балкиди.

— Келинг, — деди у ёнидаги бўш стулни қафти билан уриб. — Утириг.

Мен тортинибгина Абдулла аканинг ёнида ўтирдим. Қўлимдаги китобинг у ёқ-бу ёғини айлантириб ўинадим-да, мақсадимни айтдим.

— Кечирасиз, домла, шу китобингизга дастхат ёздириб олмоқчи эдим.

Абдулла Қаҳҳор индамай қўлимдан китобни олди. Шошилмай варақларкан:

— Э, «Сароб»ми, — деди чўзиб. Сўнг ўша бамайлихотирлик билан китобни ёпиб, тиззаси устига қўйди-да, хаёлга чўшиб кетди.

Жуда ноқулай аҳволда қолдим. Қўноқ даврасида домлани безовта қилганим учун ўзимни койидим. Зимдан Йўлдош акага қарадим. У «ҳечқиси йўқ» дегандек ўзга қисиб қўйди. Абдулла Қаҳҳор жуда ҳам жиддий муаммо устида бош котираётган одамдек ўйчан бир аҳволда ўтирар, қора қошларининг ўртасида бир жуфт тугунчақ пайдо бўлган эди. Унинг нуруний юзидаги мулоим табассумдан асар ҳам қолмаган, бурун катанлари бир оз керилиб, юзи аллақандай қаҳрли тус олган эди.

— Кечирасиз, домла, — дедим бевақт илтимосимдан пушаймон бўлиб. — Сизни ноқулай аҳволда қолдирдим шекилли.

— Йўқ, йўқ, — Абдулла Қаҳҳор чўчиб ўзига келди. Менга гуноҳқорона назар билан тикилди. — Биласанми, булган шу илтимосингизни бажара олмайман. Ялқов чол экан, деб ўйламаг тагин. Яна бир учрашганимизда эсга солинг, ҳўпми?

— Ҳўп, домла.

Аста ўрнимдан тура бошладим. У китобни қайтараркан, оҳиста пичирлади:

— Қадаҳ тугиб қўйган эдим. Энди бу қўл билан қалам ушлай олмайман.

Фарзанд

Област газетасининг редакциясида ишлаб юрган кезларим. Шаҳар ободонлиги мавзуда беш-олти қорозли мақола уюштиришим лозим бўлиб қолди. Уйлай-уйлай шоир Шайхзодадан илтимос қилмоқчи бўлдим. Дабдурстандан уйига кириб боришга истихола қилиб, ишонадан кўнгироқ қилдим. Трубкани домланинг ўзи олди. Мақсадимни айтдим.

— Офарин! — трубкадан Шайхзодадан салмоқли овози эшитилди. — Жуда яхши ўйлаб-сизлар. Бироқ бу иш менинг қўлимдан келармикан. Ҳар қалай уйнаб кўраман. Эртага бир телефонлашайлик.

Эртасига ақдимизга биноан яна бир кўнгироқ қилдим.

— Эсимда, эсимда, — деди у қулиб. — Оққа кўчирялман.

— Узимиз кўчирардик-ку, домла.

— Йўғ-э, ноқулай бўлади. Редакцияга оққа кўчирмай олиб бориш ҳурматсизлик.

— Ундай бўлса бир оздан кейин олиб келгани бошаман.

— Йўқ, йўқ, асло овера бўлманг. Бирор соатдан кейин ўзим элтиб бераман.

— Йўғ-э, домла, сиз овера бўлманг. Узим... — Езувчилар уюшмасига бормоқчиман.

Йўл-йўлакка кириб ўтаман.

Кўп ўтмай Мақсуд Шайхзода кириб келди.



Чойхўрлик қилиб, биз билан узоқ чақчақлашиб ўтирди. У редакциямизга йўл-йўлакка эмас, оққа кўчирилган мақолани бериб кетиш учун атайлаб келган экан.

Эртасига барвақт ишга келаётган эдим, тўсатдан йўл четидига ўрниндаги газета ўқиб ўтирган Шайхзода домлага кўзим тушиб қолди. Ҳаво совуқ, майдалаб ёлғир ёғиб турибди. У эса ёлғирдан ҳам парво қилмай газетадан босилган мақоласини пичирлаб ўқирди. Мен секин яқинлашиб салом бердим, ҳол-аҳвол сўрадим.

Домланинг кўзойнак ортидан боққан кўзларини ўйчан, айни вақтда болаларча беғубор шодликча тўла эди. У чўнтагини кавлаштириб сигарета слди-да, қалин лабларига қистирди. Гўгурт чақиб уни тутатган, хузур қилиб тортди.

— Биласизми, — деди сўнг, — матбуотда чиққан нарсанимни кўрганимда худди фарзандимнинг бошини силлагандек бўламан.

Ҳаво совуқ, севалаб ёлғир ёғиб турибди, юзга яқин китоб чиқарган шоир ва олим газетадан босилган кичкинагина мақоласига — фарзандига илтиқ тикилиб ўтирарди.



Юртимизда бирон шодибна карнай-сурнайларнинг завқи садоларисиз утмайди.

А. КУЗЬМЕНКО фотоси (УЗТАГ)

ЗАВОДДА ЭСТЕТИКА ШАНБАЛИГИ

Эстетика кейинги йилларда ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига кириб келмоқда. Иттифоқимизнинг йирик шаҳарларида, айниқса, Москва, Ленинград, Рига каби шаҳарларнинг завод ва фабрикаларида эстетикага амал қилиш таомилга айланди. Дарҳақиқат, эстетика завод ва фабрикаларга кенг жорий этилса, меҳнат унумдорлиги ошади, маҳсулот таннархи камаяди, энг муҳими, ишчи завқ-шавақ билан ишлайди, гўзаллик туйғуси камол топади.

Завод ва фабрикаларга эстетикани ишлаб чиқаришга жорий этиш ташаббуси Самарқандга ҳам етиб келди. Ташаббусга биринчилар қаторида шаҳарнинг «Гелион» заводи қўшилди.

Ҳамма гап буюк чўткасидан бошланди. 3-механика цехининг ишчиларидан кимдир устуларнинг биттасини тўқ кўк ранга бўяб қўйибди. Қолган устулар, деразалар, дастгоҳлар ифлос, чанга ва мойга беланиб ётарди. Кўп ўтмай, ишчилар цехни гўзаллик ҳўкирон бўлган цехга айлантирдилар. Цех поли

доммо ялтирайди, бирон жойда сочилиб ётган деталь, металл қириндиси ёки хас-чўп кўзга ташланмайди. Дастгоҳларда ҳам, цех деворларида ҳам гард йўқ. Бинонинг шифти, деворлари, дастгоҳлар ёрғин, ёқимли рангларга бўялган. Цехга кирган кишининг димоғига хушбўй гулларнинг ҳиди урилади. Анвойи гулларни ишчиларнинг ўзлари тувакчаларда парварши қилиб ўстиришди. Уртада — олтин балнқчалар ўйнаб юрган аквариум. Гувиллаб ишлаётган дастгоҳларнинг жойлашишида, механизмларнинг ҳаракатида ҳам қандайдир назокат ва саришталлик бор. Ишчилар дастгоҳ ёнида оқ халат кийиб ишлайдилар. Навбат билан иш жойларини, пол, дереза, эшик ва деворларни артиб, тозалаб туришади.

Ишлаб чиқаришда эстетикага амал қилиниши ишчилар ўртасида ҳамкорлик ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш туйғуларини тарбияламоқда. Ҳозир ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам муттасил ошириб бажарилмоқда.

3-механика цехининг ташаббуси бутун заводга ёйилди. Бошқа цехларнинг ишчилари ҳам иш жойларини тартибга солиш, чор атрофда гўзаллик яратишга киришиб кетишди. Цехда гул ўстириш, завод аτροφини кўкаламзорлаштириш ҳақидаги таклиф йиғув цехининг йиғилишида муҳокама қилинди. Бу таклифни айниқса комсомол-ёшлар яқдиллик билан қабул қилдилар, кўп ўтмай цехни ажойиб гўлзорга айлантирдилар.

— Ишлаб чиқаришга гўзаллики жорий этишга ҳамма бирдек жон куйдиради.— дейди завод директори Б. Приев.— Бунга ишимизнинг муҳим қисми деб қарадик. Заводнинг кўефаси қисқа вақт ичида бутунлай ўзгарди. Ишчилар эндиликда озода, ёруғ ва соф ҳавони бинода яйраб меҳнат қилишмоқда.

Доҳиймиз В. И. Ленин: «Ишчилар ифлос устаконаларда эмас, балки инсонга муносиб лабораторияларда ишлайдиган замонлар келади», деб 1913 йилдаёқ башорат қилган эди. Доҳийнинг бу орузси ҳаётга татбиқ этилаётганини Самарқанд шаҳридаги «Гелион» заводи мисолида яққол кўриш мумкин.

«Гелион» заводида техника эстетикаси бўйича назарий конференция ўтказиш фикри ҳам туғилди. Бу ишда область касаба союз ташкилоти, область «Билим» жамияти правлениси, завод бошланғич партия ташкилоти ва Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг бир гуруҳ олимлари ташаббус кўрсатдилар. Бошқа корхоналардан келган меҳмонларни завод директори Б. Приев ишлаб чиқаришга эстетикани жорий этиш борасида олиб борилган ишлар билан таништириб чиқди. Конференцияда ишчилар, инженер-техник ходимлар турли мавзулар бўйича маърузалар қилдилар. Завод ишчиси А. Шабанов «Меҳнат гўзаллиги ва ишлаб чиқариш» деган мавзу юзасидан сўзга чиқиб, шундай деди:

— Инсон қалбидаги ҳис-туйғулар, тушунча ва тасавуурлар, албатта, унинг жисмоний ва маънавий меҳнатда ўз ифодасини топади. Мана, бунга заводимиздаги йиғув цехи мисол бўла олади. Цехлар озода. Ишчилар дастгоҳга кўнган чанг-гардларни тез-тез артиб турадилар, чиқиндиларни белгиланган жойга олиб бориб ташлайдилар. Улар иш жойларини ҳаммиш чининдай тоза тутадилар. Бундай озодалик, батартбилик ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан анча илгарти бажаришда катта ёрдам бермоқда...

Конференциядан кейин заводда махсус техника эстетикаси кенгаши тузилди. Кенгашга завод директори, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, меҳнатни илмий ташкил қилиш бўлими (НОТ) бошлиғи, инженер-техник ходимлар, илгор ишчилар жалб этилди. Кенгаш аъзолари ҳар оининг сўнгги чоршанба кунин эстетик шабалик ўтказиб, унда ишлаб чиқаришга эстетикани жорий қилиш самаралари, ишчиларнинг кайфияти, умуман, гўзаллик ва ишлаб чиқариш маданиятига алоқадор масалалар муҳокама этилади, келгусида амалга ошириладиган ишларнинг режалари тузилади.

Заводда ишлаб чиқариш жараёнини эстетиклаштириш тўғайли меҳнат унумдорлиғи аввалги йилдагига қараганда 34,5 процент ўсди, маҳсулот таннархи мўлжалдагидан 6,5 процент камайдди, маҳсулот сифати эса анча яхшиланди.

Самарқанд шаҳридаги «Гелион» заводи аҳлининг ташаббусини партия ва ҳўкуматимиз қўллаб-қувватлади, заводга «Юксак маданиятлик корхона» деган фахрли ном берилди. Завод коллективи эстетик талабларга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаргани ҳамда ойлик, квартал, йиллик планларини доимо ортиқ билан бажариб келаётгани учун ВЦСПСнинг Кўчма Қизил Байроғи ва бир неча марта пул билан мукофотланди.

«Гелион» заводи коллективининг ташаббуси кенг қанот ёйди. В. И. Ленин номидаги «Красний двигатель» заводи, Каттақўрғон ном комбинати ва областдаги бошқа талай завод-фабрикалар ишлаб чиқаришга эстетикани кенг жорий этиш натижасида яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқда.

Самарқанд области корхоналарида эстетика ҳўкиронлик қилмоқда. Зотан ҳаётимизнинг янзда гўзал ва фаровон, тўқин-сочин бўлиши шунини тақозо этади.

Ҳамид КАРИМОВ,
философия фанлари кандидати

АКАДЕМИЯМИЗ



Ушунги кунда республикамиздаги деяри барча санъаткор ва санъат мухлислари театримизни ана шу ном билан атайдилар. Бу бежиз эмас. Чунки жаҳонга донги кетган Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурҳон, Олим Ҳужаев, Наби Раҳимов каби актёрлар ва Маннон Уйгур, Етим Бобожон каби машҳур режиссёрлар ма-

на шу академиямиздан чиққан санъаткорлардир. Навоий, Муқимий номли ҳамда республикамиздаги барча область театрларидаги кўпчилик актёр ва режиссёрлар учун

ҳам театримиз академия вазифасини ўтади — Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, Соат Толипов каби санъат усталари даставвал Ҳамза театрида таълим олдилар. Шунингдек, Ҳамза, Яшми, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Иззат Султондек ўнлаб истеъодли драматургларимизнинг ҳам камолотга етишувида театримизнинг роли катта. «Ҳамза»миз ўзининг ярим асрлик фаолияти мобайнида минг-минглаб томошабинларни Отеллодек софдил, Жамладек садоқатли, Улугбекдек фозил, Навоийдек ҳақиқатгўй, Жалолиддин каби ватанпарвар, профессор Комилдовек ҳалол бўлишга қорлади, уларни ана шу руҳда тарбиялади. Шу сабабларга кўра, орденли театримиз санъаткорлар учун ҳам, санъат мухлислари учун ҳам каттагон академия бўлиб келди, дея дадил айта оламиз.

Театримизнинг бундай юксак номга сазовор бўлувида, шубҳасиз, унинг улкан саҳна усталари Ҳамза, Маннон Уйғур ва Етим Бобожонлар асос солган ўзига хос йўналиши, ўз аънавалари муҳим аҳамият касб этди. Булардан бири ва биринчиси — бизда саҳналаштирилган пьесаларнинг савияси билан боғлиқ. Агар «Ҳамза»миз фаолиятига эътибор берсангиз, буни дарҳол илғаб олиш қийин эмас. Унинг ўзбек театр санъатидаги ўрни «Отелло», «Ҳамлет», «Қирол Лир», «Бой ила хизматчи», «Алишер Навоий», «Мирзо Улугбек», «Аяжонларим», «Йўлчи Юлдуз», «Шоҳ Эдип» сингари салмоқдор асарларни саҳналаштириш билан белгиланади. Лекин шунини айтиш керакки, кейинги йиллар ичида шундай жиддий, салмоқли спектакллар кам яратилмоқда. Театримизнинг ўз драматургларини рағбатлантириб туриши ва таланти ёш драматургларни жалб этиши зарур вазифа бўлиб турибди.

Коллективимизнинг турли область, шаҳар, қишлоқ ва завод-фабрикаларда томошабинлар билан уюштирадиган учрашувлари ҳам театр ташкил этилганидан буён давом этиб келатган аъналаримиздандир. Бундай учрашу-

ларда гоҳо спектакль, гоҳо спектаклдан парчалар кўрсатамиз, томошабинларнинг истак ва таклифларини тинглаймиз. Булар, албатта, юксак санъатнинг кенг омалашувиغا, коллективимизнинг келгусидаги ишларига катта ёрдам беради.

Яна бир аънаамиз борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиш зарур. Театримиз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ отахон санъаткорларимиз Маннон оға ва Етим акалар актёрлар талаффузига жуда катта эътибор беришар, ҳар бир актёрдан талаффуз қонун-қондаларига қатъий риоя қилишни талаб этишарди. Дарҳақиқат, агар шундай бўлмаганда, Аброр Ҳидоятловнинг Отелло, Ҳамлетлари, Шукур Бурҳоннинг Эдипи, Олим Ҳужаевнинг Навоийси, Наби Раҳимовнинг Ягоси томошабинда шунчалик кучли таассурот қолдирармиди! Афсуски, коллективимизга кейинчалик кириб келган кўпчилик ёшлар бу борада кам ишлайдилар. Бизнингча, бу масалага фақат театримиз коллективигина эмас, аввало, театр санъати институтидagi устозлар ҳам жиддий эътибор беришлари керак. Талабалар қабулдан тортиб, то улар актёрлик факультетининг битирувчиси бўлгунларига қадар уларнинг талаффузини, нутқ маданияти ва маҳоратини диққат билан кузатиб, тузатиб боришлари шарт. Бундан ташқари, аввалги пайтларда театримизда адиблар, сиңчков, билимдон ва талабчан адабий эмакдорлар ишлашар, эди. Ҳозир эса, бу борада мақтанолмаймиз.

Лекин шуниси қувончлики, кейинги пайтларда коллективимиз борган сари мустаҳкамланиб, ёш талантлар ҳисобига кенгайиб боряпти. Эллидан ортиқ истеъодли актёрларимиз маҳорат сирларини ўзлаштирмоқда — ҳар бир ёш актёр ўз ижрочилик услубини яратиб бир спектаклдангина эмас, балки бутун театрда ўзининг муносиб ўринини эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Бундай куч билан, ҳамжиҳат коллектив билан партиямиз қарорларига, халқимиз талабига доимо лаббай дея жавоб бера оламиз.



Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрининг ижодий коллективи.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

САНЪАТИМ

(Ўзбек санъатининг нишонли ўғил-қизларига)

Эй асрлар асираси, зулмат қурбони,
Тарихларнинг гарданида ёқут маржони,
Исёнларнинг сўт эмизган онаси — қони,
Кишликнинг тенг ярми, шериги, жони,
Одамликнинг бир бўлаги, мазмуни жисми!
Юрагимнинг «Гулсара»си бўлган санъатим.

Ичкарининг соқовланган тили сўйларкан,
Қайғу-алам эрталарини мунг-ла куйларкан,
Жон димоғи зулмининг захар гулини бўйларкан,
Ҳасрат кўзи чимматларда қонга тўларкан,
Чўриларнинг, канизларининг йўлини ўйларкан,
Жигарининг бир пораси бўлган санъатим.


Ичкарининг дарчиси — порлоқ кўзисан,
Шўх қизларнинг мусиқавийи қувноқ сўзисан,
Озод ўзбек хотинлигини кўлган юзисан,
Минг Зебининг, минг Қумрининг худди ўзисан,
Ҳалимаси ҳам Сораси бўлган санъатим.

Олам томи устидаги чолинган бу саз,
Дунёларнинг санъатига бўлди жүр овоз.
Ўзбек қизин овози бу — эркин сарвиноз.
Ҳар мақомда минглаб гамза, ҳар пардада ноз,
Чолниг, дўстлар, чолниг, ёрлар, чолнигиз бир оз,
Чол, кўнглининг ситораси бўлган санъатим.

Бахт кўшиги кичқирганда осмон янграр,
Озодликнинг қадрин билган бу кўйини анграр.
Юксалишга пойандоздир муттасил тонглр,
Устоз ўзбек санъатидан тузгун оҳанглр,
Гулзор элиниг ҳар уйда авжинг маранглр,
Ишқ бўстони гулпораси бўлган санъатим.

Бу санъатда ҳур ўлкамининг юраги яшар,
Бу санъатда на мунг-қайғу, на гард, на губор.
Бу санъатининг мураббийси толиб пролетар,
Шунинг учун дағдағаси дунёларча бор,
Халқимизнинг олқишига лойиқ, сазовор,
Ватанимнинг кўз қораси бўлган санъатим.

1937 йил.



евордаги ганч нақшларга қарайман. Худди эртандагидеи оқ чаман, оппоқ чаман, У қия очиди дарчадан кирган шабадада тебранаётганга ўхшайди. Худди олма гули сочиб ташлангандай. Моҳир рассом бу нақшларни шундай рема билан чизгани, яшнаб турган гулзор пайдо бўлибди.

Ганчвор усталар, уларнинг қувонч ва ташвишлари ёдига келади. Қалби бой, беғубор, олижаноб одамлар. Шундай кишилардан бири Уста Ширин эди.

Биз ёшлар устани анча кеңсайиб қолганда кўрганмиз. Нуроний одам эди. Қотмагина, ўрта бўйли, вазмин. Бармоқлари узун, қўлининг томирлари бўртган. Худди шу кўллар, шу бармоқлар Ситорани моҳи хосса саройидаги Оқ уйнинг ажиб пардозларини яратган, Навоий номидаги театрнинг Бухоро залини безаган. Кўзгу устига солинган ганч гулларининг жозибасини, ундаги нур ва соя жилвасини кўрганда Устанинги нуроний юзини, мўъжизазор қўлларини эслаймиз.

Ганчворлик ўлмас ҳунар, юксак санъатдир. Буни биз бугунги меъморлик обидаларига ганчворликнинг нақадар қўл келтирганида ҳам аниқ кўриб турибмиз.

Халқ усталари безаган Навоий номидаги театр амалий санъатимизнинг ўзига хос намунаси бўлди. Бунда ганчворларгина эмас, нақош, сангтарош ва бошқа ҳунар эгалари ҳам ўз санъатларини намойиш этдилар. Бинонинг бош архитектори А. В. Шчусев халқ усталарига ўз санъатларини намойиш этишлари учун кеңг майдон очиб берди. Бу улуг санъатвор уста Ширин уларни халқ талантларининг ижодида чуқур эҳтиром билан қарар, унга билан банионидил ҳамкорлик қилар эди. Обиданинг кўркам ва умр боқий бўлишида худди мана шу ҳамкорлик муҳим роль ўйнади. Амалий санъатимизнинг ирриқ намоёндалари машҳур архитекторлар билан ҳамкорликда ишлаганларида ҳаммаша шундай бўлади.

Тошкентлик машҳур ганчвор уста Тошпўлат Арслонқулов ҳам билимдон архитекторлар билан ҳамкорликда ишлаб, шундай самараларга эришди. У Р. Абдурасулев билан Навоий номидаги театрнинг Тошкент залини, С. Полупанов билан Эстрада театри залларини безади. Шу асарларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдини, бу донишманд халқ усталари билан профессионал архитекторларнинг ижодий ҳамдўстлиги ҳаммаша яхши натижалар беради.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиали очилишида шу бино авторларидан архитектор Всеволод Шестопалов ўзбек халқининг меъморчилик мероси намуналари билан оддий архитектура формалари нақадар уйғунлашиб кетгани ҳақида, бу бинода ҳам халқ усталарининг санъати барқ ургани ҳақида меҳр билан гапирди. Қўнқилин ўйманор нақош Қодиржон Ҳайдаров, тошкентлик ганчвор Маҳмуд Усмоновлар ўзбек халқ амалий санъатининг ажойиб намуналарини яратиб, Музейни безатдилар. Музейга кирверишдаги қўштабақа нақошдор эшик зиёратчига бу табарруқ даргоҳнинг қўтлуғлигидан даран беради, улуг доҳийга халқ меҳрини ифодалайди. Туркистон ёғоч ўйманорларининг санъатига 20-йиллардаёқ В. И. Ленин нигоҳи тушган эди. Мана шу ноёб эшикларни ясаган уста Қодиржон Ҳайдаров 1923 йилдаёқ ҳаммаси Қурбон Юнусов билан бирга Москвага, В. И. Ленин ҳузурига бориб, ноёб санъат намуналарини совға қилган эди. Ушанда Мария Ильинична усталарга қўйидаги хатни ёзган:

«Уста Қурбон Юнусов ва Қодиржон Ҳайдаров ўртоқларга!
Азиз ўртоқлар, совға-саломингиз учун самийий миннатдорчилиги



СССР халқ артисти Ҳалимаҳоним Носировани халқимиз «Ўзбекистон булбули» деб атайдди. Атоқли санъаткор республикамизнинг ҳар бир шаҳар ва кишлоғида азиз меҳмон. Суратда: Андижон область икромия комитети раисининг ўринбосари Турсуной Наримова Ҳалимаҳонимни юртдошлари номидан қўтламоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



ОК ЧАМАН

билдиришни ва Сизга ишингизда ютуқлар тилашни Владимир Ильич менга топширди. Агар Ильич бетоб бўлмаганда сиз билан Туркистон хунармандларининг турмуши ва иши тўғрисида хушнудлик билан суҳбатлашган бўлар эди»...

Владимир Ильичнинг хунар аҳлига эътибор ва эҳтироми ҳамма вақт ёдимизда. Бу сўзлар ҳақ қалбининг нозик ҳисларини ифодаловчи амалий санъатни ривожлантиришимизда ҳаммиша илҳомбахш дастур бўлиб келди.

Тошкентда юрилиш кўлами негайганилиги муносабати билан ҳаққ амалий санъатига, хусусан ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлигига эътибор яна кучайди. Янги обидаларда меъморчилик меросимизни авайлаб асраб келаётган усталар санъати, тажрибаси тобора бойимоқда. Ленин музейининг ганч паннолари кўзимизни қувонтиради. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза мукофоти лауреати Маҳмуд Усмонов шогирдлари билан биргаликда ишлаган. «Яшнаётган Ўзбекистон» деб аталувчи бу паннонинг исми жисмига муносиб, У улуг бир гоёни, Ленинча миллий сибсат галабасини ифодалаб турибди.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети буюмида ҳам уста Маҳмуд паннолари бор. Унда Ватанимиздаги ҳамма қардош республи-

наларнинг герблари акс этган. Ганчкор ўз тасвирий воситалари билан ҳаққлар дўстлигининг буюк қудратини кўрсата олган.

Қадимий ганчкорлик санъатимизнинг янги замонда янада яшарганлигини кўрсатувчи бундай асарларни кўплаб кўрсатиш мумкин. Уларда ганч ўймакорлигининг янги-янги жиҳвалари, усталар маҳоратининг янги қирралари намоён бўлмоқда.

Ленин айтиш керакки, гоҳо ганчкорлик безаклари замонвий интерьерларнинг архитектуроникаси билан узвий боғланиб кетмапти. Архитектурада ҳаққ амалий санъатини қўлланишининг янги усулларини қидириш, бу соҳада ҳам янги уфқлар очиб лозимга ўхшаб қолди. Еш усталарни, қўлига эндигина штургардон, ништар ушлаган йигитларни ўқитиш, уларнинг профессионал маҳоратини ошириш керак. Агар Тошпўлат Арслонқулов, уста Ширин Муродов, Маҳмуд Усмоновларнинг ижодий биографиясига назар ташласан, уларнинг болалигиданоқ, усталар даврасида яшаб, ганч қориш, пардоз усулларини ўрганиш билан шуғулланганини кўраемиз. Бу усталарнинг ота-боболари ҳам ганчкор, ўймакор бўлган. Уста Ширин ўн етти йил шогирд бўлиб ишлаган экан. Уста Шириндек истеъдодли одам шунча вақт шогирд бўлиб юрган бўлса бунинг албатта боиси бор. Санъатга ёшлиқдан берилиб, бутун умри бағишлаш кераклигини кўп улуг одамлар ўқитган. Ҳунарининг нозик ва мураккаблиги, талабчанлиги шунини таъқозо этади. Қисқа муддатли курсларда чинапам санъаткор тайёрлаш маҳол.

Усталар мероси — фарзандлар мулки. Барҳаёт усталарнинг қўлидан ҳунар ва тажрибани олиб қилиш керак. Бу сўзлар санъатшунослик фанлари кандидати, ҳаққ амалий санъатининг назарийчиси, машҳур кулол Муҳиддин Раҳимовнинг сўзлари. Унинг ўқитишича, бу ишда Маҳаллий саноат министрлигининг мадади керак. Беньков номидаги бадий ҳунар мактабининг муаллимлари шу фикрни айтишди. Бир вақтлар ҳаққ амалий санъатининг ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари очилган эди. Ҳозирги кўзга кўринган усталаримизнинг кўпчилиги ана шу комбинатларда таълим олган. Улар орасида Тоҳир Тўхтаўжаев, Жалил Ҳанимов, Ортин Файзуллаев каби атоқли усталар бор. Бу комбинатлар ҳаққ амалий санъати усталарини бир жойга тўплаб, уларнинг бошини қовуштириб, маҳоратларини оширишга имкон берган эди. Ленин кейинчалик негидир бу комбинатлар ёпилиб қолди. Усталар ҳам боши оққан томонга кетиб қолишди. Ҳозир Беньков номидаги бадий ҳунар мактабиде ўймакорлик ва нақшолик ихтисослари бўйича кадрлар тайёрланаётган бўлса ҳам, уларнинг сони жуда кам, бунинг устига, бу мактабнинг моддий-техника базаси йўқ даражада.

Кенса усталар ҳам, ҳаққ амалий санъатининг назарийчилари ҳам, ёш ганчкорлар, нақшошлар ва ўймакорлар тайёрлашни тубдан қайта қуриш керак, демоқдалар. Бунинг учун, эҳтимолки, Беньков номидаги бадий ҳунар мактабининг фақат ҳаққ амалий санъати хунармандлари тайёрлайдиган ўқув юртига айлантириш лозим бўлар.

Республика Маҳаллий саноат министрлиги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари тўзса ҳам хўп маъқул бўларди.

Амалий санъатимизнинг келажаги ҳақида Рассомлар союзи ва унинг Бадий фонди, Профессионал техника таълими Давлат комитети, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳам жон куйдириши керак. Ҳаққ санъатни гуллаб-яшлатиш, унинг ажойиб анъачаларини авлоддан-авлодга етказиш, янги оппоқ чаманлар яратиш бизнинг серзаъи ва олижаноб бурчимиздир.

А. АБДУҚОДИРОВ



Ўзгаллини ҳис этиш туйғуси болаларимизда гўданлиқдан уйғонади. Суратда: чирчиқлик кичкинтойлар сурат чизиш машғулотида.

А. ВАНШТЕЙН фотоси.

МУСИҚА СЕҲРИ



Шахрисабзлик Зоҳир Қўчқоров устоз халқ шонрларимиз аъёнларининг давомчиси.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



Анджондаги республикамизнинг энг ёш санъат даргоҳи—Тўхта-син Жалилов номидаги Музика билим юртида сеҳрли оҳанг-лар бир зум тинмайди.

Р. АШУРОВ фотоси (ЎзТАГ)

М

ақомни муси-қа санъати-мизнинг умри боқийлиги, по-ёнсиз уфқи десак ҳақли-миз. У ум-рининг сал-кам қирқ ба-хорига ҳамроҳ бўлди. Мени илк бор бу сеҳрли оламга бошлаб борган ки-ши — Усмон Юсупов эди.

— Юнус ака,— деган эди у бир кунги,— бундоқ сархисоб қилиб кў-ринг-а. Маданиятимизнинг кўп муҳим соҳалари анча қадимий. Шундай эмасми! Мана, адабиётимиз, фалса-фамиз, меъморчилигимиз, тиббиётим-из, тарихимиз... Ҳаммаси неча юз йил аввалдан равнақ топган. Ҳозир эса айниқса гуллаб-йшнамоқда. Тари-хан маданияти юксак бўлган халқ-нинг мусиқа санъати ҳам қадимий-дир. Буни чуқурроқ ўрганиш керак. Бу, менинчга, ҳали очилмаган қўриқ. Сиз шу хайрли ишга бел боғланг.

Кадрдонин Усмон Юсуповнинг ил-ҳомбахш сўзи менга қанот берди. Шашмақомни тўллашга, сайқал бе-ришга, мукаммаллаштиришга, тўлди-ришга киришдим.

Дарҳақиқат, унинг узоқ тарихи бор экан. Мусиқа санъатимиз «усто-ди соний» Абу Наср Форобий номи билан боғланган. Ибн Сино, Урмо-вий, Маҳмуд Шерозий, Жомий, На-воий, Хўжа Абдул Қодир, Хўсайний, Кавкабий, Дарвеш Али, Комил Хораз-мий, Феруз, Аҳмад Донш, Ҳожи Абдулазиз, Собирхон, Ота Жалол, Ота Ғиёс, Уста Шоди сингари на-моиядаларнинг нафис мероси мени лол қолдирди.

Халқнинг бебаҳо хазинасига, мул-кига айланиб қолган олتماқомни тўллаб, илмий асосда тартибга солиб, яна халқнинг ўзига тортиқ қилишга ўша вақт баъзи бир шахслар қарши-лик кўрсатдилар. Уларнинг фикрича, олتماқом сарой мулки эмиш. Бу умри боқий санъатни эскилик сарқити қаторида итқитиш керак эмиш. Ана шу иллат бир неча ўн йил иши-мизга тўғаноқ бўлди. Лекин умид-сизланмадик. Олتماқомнинг классик мусиқамиз, халқ мулки эканига ишончимиз қимил эди. Чунки мақом-ларда ўзбек халқ мусиқасининг лад асослари, оҳанглари, ритмик хусуси-ятлари ва доира усуллари ифода топган. Бу эса, мақомлар халқ муси-қа бойликларининг асосидир, деб

айтишга имкон беради. Замини Фо-робий замониغا бориб тақаладиган бу сеҳрли санъатимиз айниқса ўн саккизинчи асрда тўла-тўқис шакллан-ган. Биз олتماқом архивини ярата-ётганимизда кўпроқ ана шу асрга суяндик. Бироқ бу даврда ҳам ма-қомларнинг қўлланмаси йўқ эди. Кўп йиллик меҳнатимиз, изланишлари-миз — мақом қомусини яратишга олиб келди. Ҳозир сон-саноксиз маг-нит плёнкаларига эгамиз. Таъбир жо-из бўлса, қомус деб атаганимиз — олти жилдлик шашмақом китоби эди, биз уни нашрга тайёрладик. Бу — илгари чиқарган беш жилдлимиз-нинг тўлдирилган, янада мукаммал нусхасидир.

Кўп изланиш йилларидан сўнг мақомнинг кунни туғди. Олتماқом мавзуда илмий ишлар бошлаб юбо-рилди. Уғлим Ҳасан Ражабов шу мавзуда кандидатлик диссертацияси-ни ёқлаш арасида турибди. Жияним Исҳоқ Ражабов докторлик диссерт-ациясини ҳам қилди. Бухоролик Файзулла Кароматов ҳам эрта-индин докторлик диссертациясини ҳамой қилади. Бу илмий ишлар — мақом тарихининг олтин дубочаси яратил-гандан далолат беради. Шу кунларда хорижий эллардан кўплаб хатлар олиб турибмиз. Олتماқом диди ба-ланд халқимизнинг дилига сингиб бо-риши билан бирга, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам катта қизиқиш уйғот-моқда. Уч қитъа мамлакатлари олти-мақом ёзилган нота ва плёнкалари, кўп жилдлик китобларимизни муома-лага чиқаришимизни ўтиниб сўрамоқ-далар.

Мақомларимизнинг донғи кетган бу даврда бизни ташвишга солаёт-ган талай жумбоқлар бор. Оркестр-дан фарқ қилиш учун қочирим но-лишларни дуторда чалинади. Бу — яхши. Лекин чапг, ғижоқ, дуторни янада нафислаштириш зарур. Бизни айниқса, безовта қилган нарсаси, мусиқа мактаблари ва ўқув юртли-рида, маданият-оқартув муассасалари-да, театр институти ва консервато-рияда мақом ўқитилмай келаётир. Бу санъатни кенг тарғиб қилиш ва ижрочи кадрлар етиштириш мавриди аллақачон етган. Олتماқомда халқ мусиқасининг оҳанг, ритм, усуллари яхши мужассамлашган, бу санъатга бефарқ қараб бўлмайди, кексалар-дан уни ёзиб олши, ўрганиш учун ҳам мутахассислар керак.

Аминманки, бу шарафли иш да-вом этади, ёшлардан умидим катта.

РАНГЛИ САҲИФАЛАРДА. Биринчи бетда: ЎзССР Фан-лар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти, композитор Юнус Ражабий. Қўш бетда: СССР халқ архитектори Абдулла Бобохонов, СССР халқ артистлари Сора Эшонтураева ва Галина Загурская СССР халқ rassоми Урол Тансиқбоев ижод-хонасида.

Г. ГРАФКИН ва С. БЕЗНОСОВ фотолари








Қашқадарёлик мисгар-наққош Омон АЗИЗОВ.

Исабэзлик машхур кулол уста Карим ҲАЗРАТҚУЛОВ.



Бухоро зардўзлик корхонасининг чеварлари Саодат ҲАКИМОВА ва Муяссар ТЕМИРОВА.

Г. ГРАФКИН ва М. ИМОНОВ
фотолари



«Уни қалъа дема, гоёт баланд бир тоғдир, баландлигини ўлчамоқча ҳаёлнинг қўли қисқадир...» дейилади «Абдуллонома» асарида Масъуми қалъаси ҳақида. Бу қалъа-шаҳар XVI асрда Қаршидан анча катта бўлган. Бу ерда ўша вақт қизгин жанг-жадаллар бўлиб турган. Наршакхийнинг тасвирча: «Қамал вақтида ҳар иккала томондан зулм ва ситам тиглари кўтарилиб, ўткир найзалар отилди ва қаҳр отлари бир-бирлари устига чопилди. Карнай товушлари фалак авжида, ер курраси юқорисига етиб, осмон гумбазига гаваго солдилар...»

Ҳозир Қарши шаҳрининг бир чеккасида, Бешкент посёлкаси яқинида ўша улугвор қалъа-шаҳарнинг харобаларигина қолган. Лекин Қарши қишлоғида кўп асрли бой тарихнинг руҳи йўқолганича йўқ. Узоқ тарихий ўтмиш мавзуда имод қилувчи ёш рассом-наққош Омон Азизов ижодий тасаввур шуури билан жуда олис ўтмишнинг, бой маданият яратган зунко халқимиз ҳаётини кўришга интилади. Яқинда Омон чизиб турган ва Ўзбекистон халқлари санъати музейига олинган «Сугд ривоят» туркумидаги асарларда ана шу тарихий мавзунинг айрим қирраларини кўра-миз. Ёш рассомнинг мисда ишланган асарларига боқар эканмиз, тасаввуримизда Геродот, Арриан, Страбон, Наршакхий каби ўтмиш тарихчилари тасвирлаган ҳаяжонли манзаралар кўз олдимизга келади. Бу лавҳаларда романтик бўёқлар кучли. Кўхна эшикнинг ёрқинлари ва эгри-бугри чизик-лари қадимий Сугд йўллариини эслатади. Асарнинг фрагментларини эшик-тахтага жойлаштиришда — композиция қуришда ҳам рассом муайян фикрдан келиб чиққан. Тахтанинг ўнг томонини асарнинг композицион маркази дейиш мумкин. Бу ерда йирик пландан нур сочиб турган қуёш фонидан кўшиқ куйлаётган бахшини кўра-миз. Бахши созини қўлга олиб, узоқ тарих йўллари, қадимги ватандошларимизнинг ҳаёти, кураши, меҳнатсеварлиги ва муҳаббатига ҳақида куйлаётти.

Асов оти ўйноқлаб турган жангчи душманни асир қилиб ҳайдаб кетяпти. У жуссади, қаққон, мағрур. Отлиқ жангчининг ватани ҳақида қадимий обида «Занд-Авеста»да бундай дейилади:

«...отшпарастлар худоси Ҳурмузд яратган икинчи фаровонлик ўлмаси — одамларга ва йилчиларга бой Сугд ўлкасидир». Юнон тарихчиси Фукидид эса: «Агар соқлар ўзаро аҳил яшаганда, дунёдаги ҳеч бир халқ уларга бас келолмасди», дейди. «Оламда ҳеч бир қабила бирлашган соқларни енгилга қодир эмас», дейди Геродот. Плиний, Квинт Курций сингари улуг тарихчилар Тўмарис, Широқ, Спитомендек қаҳрамонларни яратган халқлар ҳақида ҳайрат билан ёзишган. Омон ижод қилган Тўмарис сиймосида ана шу ҳақиқатни ўқиб олиш осон.

Геродотнинг хабар беришича, эрвиндан аввалги VI аср охирида Доро бошчилигидаги етти юз минг жангчи ва олти юз немадан иборат форс қўшинлари сугд ерларига бостириб киришади. Уларнинг ҳаракатидан огоҳ бўлган сугд қабилалари йиғилишиб, кенг саҳронинг ичкари-сига уюшган ҳолда чекинавердилар.

Тўмарис суратини кўрганнимизда ўтмишда аёлларимиз кўрсатган жасоратга қойил қоламиз. Наршакхий, «Бухоро тарихи» китобида Сугдага араблар бостириб кирган дастлабки даврда Бухорога ўн беш йил «хотинлар подшолини қилганлигини», Наршакхий ҳокими бўлган аёл эса араблар қамали вақтида мудофаага бош бўлганини ёзади. Тўмарисдан бошқа ҳам буюқ саркарда аёллар ўтган. Тарихчи Ктесийнинг хабар беришича, Исқандар истилосига қарши отланган массагетларнинг уч юз минг эриак ва икки юз минг аёлдан иборат қўшинига Спаретра деган аёл қўмондонлик қилган, жасур малика Зарина эса душманни енгиб, шаҳарлар бунёд этган. Омон Азизовнинг биз тилга олган асарида сугд аёлларининг ана шу мардлиги гўзал акс этган.

Табийки, тарихда кўп аёллар санъаткорлиги билан ҳам шуҳрат қозонган. Омон Азизов «Ғазал эъазтган малика» сурати худди шу фикрни ифодалайди. Тасаввуримизда буюқ шарқ шоирлари Арузий, Маҳсатий Ганжавий, Нодира, Увайсий, Маҳзунна, Зебунисолар жоиланади. Ана малика ҳозир ғазалига сунгги нуқтани куйди-ю, сеҳрли, майин, жарангли овози билан уни қўйиб бошлайди.

Халқнинг донолиги, донишмандлиги мавзун Омоннинг бошқа асарларида ҳам учрайди. Мана, ўрта аср олимни. У қаршидаги калла чаногога қараб ҳаёлга ботган. У балки шу чаног эгаси ким бўлганини, нечоғли эзгу ёни нечоғлиқ ёвуз ишлар қилганини ўйлаётгандир. Мана, шу сугд Ҳамлетини кўрганнимизда, беихтиёр биз ҳам ин-



Абу Али ибн Сино.

Сугд Ривояти



«Ўзбекистоним бор менинг...» Композиция.



Оху.

сон ҳаётининг маъноси ҳақида ўйлаб нетамиз. Мисгар нақош Сугд ўтмиши ҳақида асарлар яратар экан, бугунги кун муаммолари, эҳти-ёжларидан келиб чиқади. Ватанга севги, халқга муҳаббат, душманга қарши мардона кураш, санъат ва илми-донини эъозлаш замондошларимиз учун жуда ҳаётий масалалар эмасми?! Табиийки, Ватанин севиш — унинг ажойиб, шонли тарихини, эриқ-озодлик йўлидаги курашини, шу ватанда қачонлардир яратилган моддий ва маънавий дурдоналарни қадрлаш, улар билан фахрланиш зарур эканини ҳар бир алоқдори билиши керак. Шунинг учун ҳам тарихий мавзудаги бу асарларда замон руҳи сезилади.

Ленин шунинг ҳам айтиш керакки, ёш рассомнинг «Сугд ривоят» туркумидаги айрим асарларида ўтмиш колорити, тарихийлик принциби бир оз бўзилган. Уларда узоқ асрлар ҳаётига доир конкрет тарихий деталлар еттишмайди. Тарихий портрет устида ишлаш учун рассом билми доирасини яна ҳам кенгайтириши зарур. Ана шунда бу асарларнинг эстетик аҳамиятидан ташқари, маърифий даражаси ҳам анча ошади.

«Сугд ривоят»нинг дostonга ўхшашта бўлади. У тарихан бой, улкан халқнинг жарангли қўшиғидир. Назарингиз давҳадан давҳага кўчаркан, халқимизнинг кўп қиррали ҳаёти галма-гал гавдалана бошлайди. Фаровонлик инсоннинг руҳий дунёсини бойлатади, адолатсиз жанглар эса қашшоқлаштиради. Ғазал битаятган аёл нафосатга ошифта элнинг типик вакили бўлиб кўринади ва дилингизга бир лаҳза шуур куйилади. Файластуф... Ушша фрагментнинг изчил давоми. Ўз-ўзидан маълумки, халқимиз тарихининг не-не силсилаларини бошидан кечирмади. Еруғ кунлар юра кунлар билан алмашиб турди. «Зулмат ичра нур» деганларидек, илм-маърифат тўфонли асрлар қаърида неча бор тапталди. Донишманд. Бу ёрқин, тиниқ лавҳалардан сўнг гўзаллик рамзи — Товус диққатини тортади. Омон Азизов ижодда гўзаллик, бизнингча, бош мезон. У тарих уммонидан дур излаганида ҳам, замондошларини тасвирлаганида ҳам гўзаллик қўшигини куйлагиси келади.

Омон инсон қиёфасини тасвирлашга тутинар экан, қоматнинг гўзаллигини ва баркамоллигини идеал дарамага кўтаради. Инсон кўрнини пластик йўсинда, реалистик ҳолатда талқин қилади.

Истеъодли санъаткорнинг сеҳрли бармоқлари ҳаётнинг ўзини жоилантиради. Мана, ризқини ерга сочган, бир нафт тупроқини бир ҳовч донга айлантирган деҳқон... Фанимлари даф бўлганда у ана шу юмушга тутингани кўришиб турибди. Аммо инсон тўнин дастурхон учунгина ишламайди ва шунинга деб йшамайди. Маърифат, илми шуур унинг заҳматли ҳаётига ва меҳнатига ҳамиша йўлдош. Ҳаётнинг мазмунини ана шу билан тугал ҳам бир бутун. Бусиз тирилик ярим-ёртирди. «Сугд ривоят»нинг охириги лавҳалари аждодларимизнинг осойишта кунларда меҳнат ва илм билан шуғулланганини ифодалайди.

Омон халқнинг тарихини севади. Унинг «Сугд ривоят» — тарихни мутолаа қилиш ва кўп изланишлар самараси. Бу асар наққошнинг анча етук ижод махсулларидан биридир.

Омон Азизовнинг «Тўмарис», «Спитомен», «Амир Темур», «Улугбек», «Алишер Навоий», «Ғазал», «Муслиқ асир», «Муслиқ сеҳри», «Шарқ фантазис», «Деҳқон қиз», «Комсомол қиз» каби кўпгина асарлари тақдирлашга лойиқ. Буларнинг аксарияти Самарқанднинг 2500 йиллигини нишонлаш арафасида намойиш этилди. Утган йили ёш рассомларнинг Тошкентда бўлган республика кўриғида ҳам наққошнинг бир неча асарларини санъат мухлислари мамнун қарши олдилар. Мис барнашга чизилган «Алишер Навоий» портрети Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси В. Хруновга совға қилинди. Мисни куйга солаётган Омоннинг таланти грузин наққоши, профессор Ираклий Очиаурининг ҳам эътиборини тортади. Ёш наққош Грузияда бўлиб, касбини сирлашиб қайтди.

Омон бу санъат сирларини ўзича, мустақил эгаллади. Шу йўлда тиним билмай изланмоқда. Бу — рағбатга, олишга лойиқ воқеа. Лекин илдири бир неча минг йилларга бориб тақаладиган халқ амалии санъатининг бу соҳасида ҳали аҳвол яқши эмас, унинг бугунги кўлами кўзга ташланмайди. Театр ва рассомлик институти, рассомлик билми юрти ва маданий-оқартур муассасаларида ўймакор нақш бўйича ҳеч наманча машғулот ўтказилмайди. Ҳолбуки, ҳозирги замон санъати, яъни, давримиз меъморчилигини ўймакор нақшсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Маҳнам МАҲМУДОВ,
Мурод ХИДИРОВ

АЛИШЕР НАВОЙИ: «РУҲ ОЗИҒИ



ХУШ ОВОЗДАНДИР...»

XVI—XVII асрларда яшаб яшод этган Дарвеш Али «Рисолаи мусиқӣ» асаринда ёзишча, Урта Осиё халқлари эраимиздан аввал ҳам мусиқа илими билан шугулланганлар. Муаллиф чанг, барбат, қонун, уд, ёнжак, қубуз, най каби асбобларнинг келиб чиқишини ҳикоя қилади, ўша давр созанда ва бастакорларини санаб ўтади.

Навоийга қадар мусиқа оламида Пири Чанги, Барбат, Абу Наср Форобий, Султон Увайс Жалойир, Абдулқодир Нойи, Ҳўжа Абдулла Лорий, Мавлоно Мирраки Чанги Бухаройи қабилар шухрат қозонганлар. Айниқса, Абу Наср Форобийнинг қатор рисолаларида мусиқа назарияси анча мукаммал тасниф этилган. «Китоб ул-мусиқи алкабир» асаринда олим мусиқа фанини назарий ва амалий жиҳатдан кўриб, илмий ҳулосалар чиқаради. Асарда мусиқанинг келиб чиқиши, ўзига хос хусусиятлари, мусиқа асбобларининг жўрлиги, ҳаммаҳанглиги ҳақида кўп фикрлар билдирилади.

Мусиқага оид фикрларини Абу Али ибн Сино асарларида, Кайковуснинг [XI аср] «Қобуснома»сида, Маҳмуд ибн Масъуд Шерозий [XIII аср охири XIV аср бошлари], Мухаммад Омиллий [XIV аср] асарларида ҳам кўрадик. Форс-тоник классик адабиётининг асосчиси Абу Абдулло Рудакий уд чалишда, Фирдавсий чанг, барбат чалишда, Носир Хисрав ёнжак чалишда шухрат топганлар. Дарвеш Алининг маълумот беришча, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро мусиқада янги усуллар кашф этганлар. Навоийнинг бу борадаги фикрлари «Маҷолис ун-нафос», «Ҳамса», «Ҳамсат ул-мутаҳайирини», «Маҳбуб ул-қулуби», «Ҳолоти Паҳлавон Мухаммад», «Насоми ул-муҳаббат» ва бошқа асарларида акс этган.

Навоий «Маҳбуб ул-қулуби»да санъаткор ва унинг жоизлиги, сеҳрар товуши ҳақида фикр юритиб, мусиқанинг ҳаёт учун нечоғлик зарурлигини таъкидлайди. У киши ички кечималари, орзу-умидлари, қувончлари, аламларини баён этишда мўҳим восита деб билади. «Кўнгли қуввати яхши чолчундан, руҳ озини хуш овоздандир. Хушон созандадан дарад аҳлининг ўти тез бўлар, агар куй гўзал бўлса, ҳол аҳли уртасида қиёмат кўлар... Ёқимли кўялаган машоқ, агар фаҳм-фаросатли бўлса, одам кўнгли тошдан бўлса ҳам, у кўнга бериладди, хусусан, ҳам айтса ва ҳам чалса, кўнгли мулкига зўр қўзғолонлар солади» дейди.

Алишер Навоий ҳамisha ҳаётини санъат тарафдори бўлган ва ана шундай санъат вакиллари кўллаб-қувватлаган, улардан ўрганган, уларга ўргатган. Айни пайтда, санъат ва санъаткор номига доғ туширган шахсларни қоралаган, уларни санъат боғини бегона ўтла-

ри, деб атаган. Навоий фикрича, қўшиқ халққа хизмат қилиши керак, кўпчилик тушунадиган, ардоқландиган сазъат— жуда зарур. Санъатни даромад манбаи қилиб олганлар эса беҳаё, тамағир кишилардир. Буларни Навоий: «То буюрувчида бахшиш ва инъом бор— улар малай ва хизматқордирлар. То суҳбатда ноз-неъмат мўл-кўл— уларга барна буюрук ва кайтарининг мақбул... Тебранышлари сўзларидек ҳаддан ташқари тутруқсиз, гаплари беҳуда-ноўрин нозларидек», деб тасвирлайди.

Навоийнинг мусиқага қарашлари, шубҳасиз, унинг баъдий иқодида ҳам таъсир этди.

Навоий фикрича, яхши мусиқанинг кучи шу даражада бўлиши мумкинки, уни эшитган одам дунёдаги бор нарсани унутди, ҳатто бутун давлатдан кечиб фақирликни ихтиёр этади:

Салтанатдин ҳавасни бас айлаб,
Фақр султонлигин ҳавас айлаб...

«Сабъан сайёр» дostonида Дилором Хоразмшоҳ сароикдан қочиб қутулиш йўлини мусиқанинг сеҳрли оҳангидан излайди. Унинг чангда моҳирона ижро этган куйдан бутун сарой аҳли ҳушини йўқотади. Натигада Дилором ҳеч қандай қаршилликсиз саройдан чиқиб кетади:

Чангин кўлга олиб айлади соз,
Чанг била нағма айлади оғоз.
Нағма ул навъ ошкор этди,
Ким эшитган шох ўзидан кетди.

Бу ирсраларда, шубҳасиз, мушолага бор. Лекин шу бўрттириш орқали муборак мусиқанинг сеҳрли қудратини ва қаҳрамоннинг санъаткорлигини моҳирлик билан тасвирлаган.

Навоий санъат— санъат учун, деган фикрга ҳамisha қарши турган. У адабий асарларнинг кенг олмага тушунарили қилиб ёзилишини талаб этганидек, мусиқада ҳам пухта, сермазмун ва айна вақтда кўпчилик тушунадиган рисолалар битиллишининг тарафдори бўлган. «Ҳамсат ул-мутаҳайирини» асаринда ана шундай рисолалар битишини замонасининг кўзга кўринган мусиқа билимдонлари Мир Фортоз, Ҳожа Шиҳобиддин, Абдулла Марворид, Қулмуҳаммад Удий ва бошқаларга топширилганлигини ёзади. Лекин бу олимларнинг рисолалари Навоийни қониктирмади. Оқибатда у ҳар томонлама етуқ мусиқа рисоласи битишини Абдураҳмон Жомийдан илтимос қилди. Рисола турганлагач, Навоий уни ўқиб кўриб, беҳад хурсанд бўлади ва устозининг бу улкан ишидан қувониб, «бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур», дейди.

Баркамол олим, мусиқашунос ва хонандалардан бири Навоийнинг замондоши Паҳлавон

Мухаммаддир. У ўз даврида қуштиғирлик— курашда ҳам яғона бўлган. Навоий унга жуда катта эътибор беради, унга бағишлаб махсус асар [«Ҳолоти Паҳлавон Мухаммад»] ҳам яратади. Паҳлавоннинг мусиқий қобилиятини нисоятда кучли, у хуш овоз бўлган, газал битти куй басталаган. Классик мусиқачиликнинг нақш, суфия, амал, жир, чорзарб мақомларини замонасининг хушонларидан ҳам яхши кўйлаган ва мусиқа рисолалари битган. Навоий Паҳлавон Мухаммаднинг «чоргоҳ» амалида кўйлашини мақтаб: «Хуросон мулкида, балки Самарқанд ва Ироқда ҳамул ишни билмас гўянда йўқтур», дейди ва унинг номи халқ ёдида чиқмаслигини таъкидлайди. «Маҷолис ун-нафос»да эса Паҳлавонга яна юксак баҳо бериб, «мусиқий ва адвор илмида даврнинг беназирдур», дейди.

Дарвеш Али «Рисолаи мусиқӣ» асаринда Паҳлавоннинг мусиқий қобилияти ҳақида характерли бир ҳикоя келтиради. Уша даврданг бозилардан бирини Паҳлавон Мухаммад ҳам иштирок этади ва йиғилганларнинг ҳамма фанларга оид саволларига жавоб беради, сўнгра хотирига келган янги кўйни чалиб эшиттиради. Кўйнинг жоизбадорлиги, мусиқа назариясига, талабларига ало жавоб бера олиши давра аҳлини, айниқса, мусиқашунослари ҳайратда қолдиради. Уша даврнинг машҳур мусиқашуноси Дарвеш Шодий чалинган куйдан руҳланиб, Паҳлавонга қараб: «Агар ҳазратим, руҳсат этсалар, басталаган кўйларини мен ижро этсам ва нонингиз орқали мен ҳам шухрат топсам», дейди.

Навоийга бевосита устозлик қилган мусиқашунослардан бири Ҳожа Юсуф Бурхондир. Ҳожа Юсуф Навоий даврининг кўзга кўринган фозилларидан Аҳмад Жоинийнинг ҳам киши бўлган. Навоий Ҳожа Юсуф ҳақида: «...мусиқий илми ҳам яхши билур эрди ва фақир мусиқий фанда энинг шоғирдимен», дейди ва ўзининг «Исфохон» шеърига куй басталаб ижро этганлигини айтади.

Навоий хоразмлик Ҳожа Абдулвафойи Хоразмий ҳақида ҳам фикр юритиб, унинг билимдон эканлигини, мусиқага атаб рисола битганлигини ва халқ орасида «Ер фариста» номи билан шухрат топганлигини айтиб ўтади.

Шуни таъкидлаш керакки, мусиқанинг жоизбадор кўйлари ва оромбахш наволаридан кўпчилик юкори табақа вакиллари баҳраманд бўлганлар. Меҳнаткаш халқ орасидан чиққан созанда ва бастакорлар оғир кун кечирганлар. Бу орада Навоийнинг мавлоно Соҳиб Балхийга берган баҳоси характерлидир. Соҳиб Балхий дунёвий илмлардан хабардор киши. Шоирлик таъби анча кучли. Ҳатто машҳур шoir Ҳўжа Салмоннинг қасидасига дурустгина жавоб айтган. Шу билан бир «адвор [мусиқа назарияси] ва мусиқий илмида комил» бўлган. Узи газаллар ёзиб, куй басталаган. Уша давр машҳур созанда ва мусиқашуноси Жўғи Мирзо мамлиқисда ўзининг «чоргоҳ»ини шундай усталик билан айтганики, ҳеч ким у каби санъат кўрсатолмаган. Лекин Соҳиб Балхий замонанинг, муҳитнинг адолатсизлиги тўғрйли назардан қолган, ҳатто ошу нон талаб кун кечирган.

Навоий ўша даврда мусиқа ва мусиқашунослик тарақиёти учун жоқ куйдагиларни кўпчи кишилар ҳақида фикр юртади. Булар даврининг йирик мусиқашуноси, уд ва ёнжак чалишда моҳир, мусиқий рисола битган Қулмуҳаммад Удий, «Асл ул-васл» мусиқий рисоласининг муаллифи. Бу Алишох, Навоийнинг тоғаси, адиб, мусиқа билимдонини, «Ғарибийи» тахаллуси билан шеърлар битган Мухаммад Али, адабий йиғинлар, базилар, санъат даражларининг «гули сари сабат»лари ҳофизлари Басир, Мирвафо, Ҳасанали, Маҳмуд Айши, Ҳасани Нойи, Аҳмад Ёнжоний, устоз Али Таубурий, Ҳожи Қаҳатний Нойи каби санъат аҳлларидир.

Навойдан кейин ҳам мусиқа оламида янги-янги номлар пайдо бўлди. Улар мусиқага оид рисолалар битдилар, халқ мақомлари, усулларини такомиллаштирдилар, янги йўллари ижод қилдилар.

Шубҳасиз, Алишер Навоийнинг ўз давридаги мусиқа аҳлига берган баҳолари маданиятининг тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ

УЧ ГИЛАМ

Гилам

Ўзбекистон Халқ хўналиги ютуқлари кўرғазмасининг натта зали. Томошабинлар қирғинчи пойёндоз тўшалган зиналардан юқори қаватга чиқишаркан, деворда кўйибди бадиған маттанон гиламини кўриб тўхтаб қолдилар. Шу пайт экскурсовод қизининг жарангдор овози эшитилди.

— Бу гилам Совет ҳокимиятимизнинг элли йиллигига бухоролик зардўзлар юборган тўёнадир. Мана бу чиройли кашталар ҳам ана шу зардўзлик фабрикасининг маҳсулотлари.

Экскурсовод гилам ҳақидаги гапини жуда тез тамомлаб одамларни бошқа экспонатлар томон бошлаб кетди. Мен эса ҳамон гиламдан кўз узолмасдим. Бухоро гилами — кўрғазманинг энг ажойиб экспонатларидан бири бўлиб, бутун залга алоҳида ҳашамат бахш этиб турибди. Унда юртимизнинг гуриқарираги багилари, туганмас табиий бойликлари, ҳарбий шон-шухрат орденлари тасвирланган. Бу гиламда Ватанимиз куч-қудратини, Ленин даҳосидан нурафшон бўлган ҳаётимиз руҳини ўкич олиш қийин эмас. Ҳар бир тасвир зар билан моҳирона тикилган.

Уртада Совет Давлатининг герби. Унинг атрофида халқлар дўстлигининг рамзи — опа-сингиллар қўл тутшиб, гулдек яшнаб туришибди. Қўлларда гулдасталар. Ўғачлари ёнутдек товланади. Қиличчи болга билан бунаётган забардаст йигит тинчлик рамзи, боши узра машъала кўтарган аёл бахт-саодат рамзидир. Уфида пахтазор, «зангори нема» лар ва тоғ-тоғ пахта бунтлари кўринади.

— Қаранга, ҳақиқий санъат,— деган овоз хаёлимни бўлди. Ёнимга қарасам, боғи томошабинлар орқага қайтишибди. Мен бу гилам инжодорлари қимлаб эганини бишиш ниятида экскурсовод қиз ёнига шовдим.

Савоал

— Бу гиламини Ўзбекистон халқ рассоми Владимир Павлович Стояров ижод қилган. Уэлари билан бемалол сўхбатлашимиз мумкин. Бизда у кишининг адреси бор.

Уста билан учрашганимда, у:

— Мен сизга айтсам, гиламининг чин инжодорлари бухоролик зардўзлар,— деди. Кейин кўшиб қўйди.— Мен зардўз чеварларнинг маҳоратига қаттиқ ишонганим учун бу расмини дадил чиздим. Гилам бит-гунча бир ой фабрикада бўлдим.

Гап давомида Владимир Павлович инжодор зардўзчи Маъсума Аҳмедованинг номини эхтиром билан қайта-қайта тилга олди. Кейин таланти шогирди рассом Нам ҳақида гапирди:

— Адабиёт музейидаги гиламини кўрганмисиз? — деб қолди.

II

Алишер Навоий дostonлари, газалларини етти иқлим аҳолиси севиб ўқимонда. Шоирнинг ўлмас қаҳрамонлари — Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин дунё китобхоналарини ўзига ром этган. Мана, рўпарамда шоирнинг Нью-Йорк, Истамбул ва Лондон кутубхоналаридан олиб келинган асарлари. Мутафаккирининг доно сўзлари 33 ил миллат тилида битилган.

Адабиёт музейининг қай бир залида бўлган халқининг ўз буюк фар-

зандига беиёс меҳрини кўрасиз. Чингиз Аҳмаровийнинг шоир лирикасига бағишлаб чизган ажойиб расмларни кўриб тўқилланасиз. Навбатдаги хоналарда украин, белорус, грузин, турман ва қирғиз қардошларимизнинг совгалари. Рус санъаткори Крымская томонидан ишланган ажойиб бюст. Корейс йигит Нам шоирнинг 525 йиллигига бағишлаб ажойиб гилам ижод этган. Биз бу ерга шуни излаб келган эдик. У чиндан ҳам кўзни қамаштиради. Бадиий каштачилар олтиндан нур бериб, нозин диди билан тикнаб бу гилам сизни сеҳрлангандай тўхтаатади. Зар гилам ўртасида газал бўстониинг борбони улуг Навоий, нуруний сиймо тасвирланган. Атрофида дostonларининг қаҳрамонлари — Баҳромғўр оғза, чаналанзорда ёвғони ҳайвонлар кўршова Лайли ва Мажнун; оби ҳаёт учун, севиб учун мардона кўрашаётган Фарҳод ва Ширин; жанг майдонига от сураётган сарбозлар; бари қирғинчи ва ҳаворанг зар билан моҳирона тикилган.

Нигоҳини гиламдаю, хаёлини Бухорода. Шу гиламин тикишда қатнашган чевар қизлар ҳақида газетада бундай дөб ёзишганди:

«Дугоналар ёшлигида, мактабга қатнаб юрган чоғлардаёқ бу насбга меҳр қўйишган эди. Мактабга бориш-келишда улар Бухоронинг ноёб тарихий обидаларига, минораларга, нилуфар гумбузга кошоналар беэзагига қайта-қайта тикилиб ўтардилар. Девор ва гулбазалардаги шевир-шевр нурдан кўйиб нурида милт-милт товланиб, уларни мафтун этарди. Улар ўрта мактабин битирганларидан кейин тўғри зардўзлик фабрикасига келадилар... Бригадир Маъсумахон Аҳмедова бир кун ишдан кейин уларни йигит, буюк шоиримизнинг 525 йиллигига тўёна тайёрлаш лозимлигини айтди. Уларни гиламининг қозоғга қизилган лойиҳаси билан таништирди... Ўзбек шеърятини оламга таратган буюк шоир сиймосини зарнаштада яратиб нақадар қийин ва шарафли иш. Уларнинг кўпдан ўйлаб, излаб юрган нараси топилагандай бўлди... Улар масъулияти ишининг улдасидан чиқишди».

III

Тошкентдаги В. И. Ленин музейининг совгалар бўлимида ишчилар, инженерлар, халқ хўнрандларни, рассомлар доҳийнинг 100 йиллигига тортиқ қилган бир-биридан ажойиб экспонатлар бор. Шулар орасида кўпчилик эътиборини яна бухороликлар гилами ўзига оҳан рабоден тортимонда. Олтин кашталар билан тикилган гилам! Унинг марказида жохон халқларининг доҳийси, дунёда биринчи халқларвар ҳокимиятнинг асосчиси Лениннинг сўнмас сиймоси. «100» рақами олтин билан ёзилган. Лўппи очилган пахта чаноқлари олтин рангида товланади. Гиламининг бир томонида елкада кетмон, эгнида чопон, янтакли киналчи йигитлар — замонамиз фарҳодлари ва ниҳол ўтказоётган боғбон тасвири. Ишчи, қизил аскар, учувчи, қосмонавтлар... Гиламининг иккинчи ёғида фан уфидларини забт қилаётган билимдон йигит-қизлар акс эттирилган. Гиламдаги ранг ва манзаралар гўё Бөхзод миниатюраларидагидек ўзаро уйган.

Бу гиламларни тиккан чевар зардўзлар: Маъсумахон Аҳмедова, Тамара Гайбуллаева, Раҳима Қўлдошева, Робия Имомова, Матлаб Жалилова, Муслима Гуломова, Шарофат Йўлдошева, Матлуба Саидова, Уғлило Қобилова, Робия Раҳमतова, София Азимова, Фозилат Баратовва, Ҳахро Файзуллаева, Санобар Қўчқорова, Мулсаархон Темирова жами 26 қиз.

Қўлингиз асло дард кўрмасин чеварлар! Сизлар инсон қўли неларга қодир эканлигини ҳали яна жуда кўп бор таранму этасиз.

М. БЕК.

Жаҳон адабиётидан

ҲОФИЗ

ҒАЗАЛ

Ёрим қўлига қадаҳ ким олғай,
Бозори санам касодга қолғай.
Ҳар кимки кўзини кўрса, дейди:
«Маст туттучи борминки тутолғай»,
Ашк баҳри аро балиқ бўлибмек,
Қормоғини ёр чу сувга солғай.
Зор ила аёғига иккилдим,
Уммед этмаи қўлимдин олғай.
Ҳофиз каби ҳуррам ул кишиним,
Жоми азаликни нуш этолғай.

Э. ВОҲИДОВ таржимаси

ҚИТЪА

Баҳор айёми, тупроқдин
Гулу насрин кўтармиш бош.
Ётурсан тупроқ ичра сен,
Дилимда қолмади бардош.
Менам абри баҳор янгли
Мазоринг узра тўксам ёш.
Сенам ул лопалар янгли
Қаро ердин кўтарсанг бош.

Бу қитъани шоир ёшлигида вафот этган ўғлига бағишлаган.

РУБИЙ

Мени асир этмиш шавқи бор киши,
Гардада муҳаббат таъқи бор киши.
Сен қандай биласан ишқ лаззатини!
Бу бодани ичгай шавқи бор киши.

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ таржималари.

ШЕРОЗ БУЛУБИ

Эй Ҳофиз, сенинг сўзларинг адабиёт каби буюқдир...

ГЕТЕ

Ҳаёт шодликлари, носада тиллоланиб турган майи ноб, дуслар васли, ёр намоли, боғ сайри, булбул навоси, баҳор латофати, йўнлигич, нимаинки кишини яшашга қорласа, у Ҳофиз газалларидега таранму этилди.

Ҳофиз бадиятини ҳаёт уммонининг дурри янтоси, десан адашмаймиз. Унинг газалларида дунёга келган ҳар бир образ таирорланмас нашфиёт бўлиб қолди. Машҳур рус шоири Фет. Ҳофиз билан «...ҳатто юзанигина танишувнинг ўзи ҳам шубҳасиз икки ҳақиқатнинг, биринчидан, шоирлар ҳамда мутафаккирлар ижодида бизни ҳайратга солаётган юксаликни кишилик руҳи аллақачон қўлга киритганлигининг, иккинчидан эса, қайси тупроқ ва қайси даврда униб-ўсганлигиндан қатъи назар, асл шеъринг чечаклари асло сўлмаслигининг гувоҳи бўла олади, деб ёзган эди.

Шоир ўз замондошларини инсониятга меҳру муҳаббат билан қарашга, ҳаётни севишга, севиб, севилиб яшашга қорлади. Улуг Алишөр таъбири билан айтганда, «ҳақиқат аҳлининг саркардаси ва сарфарози бўлди». Унинг лирик қаҳрамони руҳонийлар ақидаларини, феодал қонунларини назар-писанд қилмайдиган ринддир. Бу қаҳрамоннинг ўз қонунлари бор. Булар — эри, муҳаббат, садоқат, дўстлик, софдиллик, маънавий гузаллик қонунларидир.

Буюк Ҳофиз умрининг сўнги кунларигача ана шу қонунларга эътиқод билан яшайди. Унинг исёнкор руҳи ҳеч қачон сўнмади. У доимо халқ орзу-умидини куйлади, унинг ҳар бир инсран меҳнатнаш халқ қалбининг садосига айланиб кетди:

Топмадин бу олами ҳоника асло одами,
Бошқа олам, бошқа одам қайтадан тузмоқ неран.

Шунинг учун ҳам, мана олти асрдан зиёв вақт ўтса-да, Ҳофиз газаллиётини барча халқлар севиб ўқийдилар.

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари доктори



Ҳофиз Шерозийнинг бу сурати Эронда нашр этилган «Эроннинг машҳур кишилар» деган китобдан олинди.



Кенг, катта залнинг бўсағасига оёқ қўйи-
шингиз билан ҳанг-манг бўлиб қоласиз: хилма-
хил рўмол ўраган, ранг-баранг кўйлак кийган
икки юз қиз зар ипақлардан дўппи тикмоқ-
да. Бу зални яшнаб турган улкан гулзорга ўх-
шатса бўлади.

— Қизларимизнинг ҳаммаси бир-бирига уст-
тоз, бири-бирига шогирд, — дейди фабрика
директори ҳам қўшиқ сатрларини эслаб.

Қизлар қошларини кўтариб, меҳмонларга
ибо билан тикилишади. Цех бўйлаб дилрабо
қўшиқ оҳишта сузгандай туюлади:

Дўппи тикдим, ипақлари тиллодан...

— Зардўзлик халқимизнинг қадимий касб-
кори, — дейди Робия Раҳматова. — Лекин ил-
гари замонларда амир, бек, бойларнинг аёл-
ларигина зардўзи дўппи, зардўзи қавуш, пе-
шонабанд кийишган. Ҳозир эса Бухорода сев-
ган қайлиғига заминдўзи тақдим этмаган би-
рор йигитни топшингиз қийин...

Халқимизнинг бу ажойиб санъати, ноёб ҳу-
нарини асраб қолиш мақсадида Бухорода зар-
дўзлик фабрикаси ташкил этилди. Машҳур
зардўзчилар ишга тақлиф қилинди. У йиллари
бахмал ҳам, зар ҳам, кумуш, ип ҳам камчил
эди. Машҳур дўппидўзлар олдин ипақдан дўп-

пи тикиб юришдию, сўнг фабрикани ташлаб
кетиша бошлади:

— Бизлар тикувчи эмас, зардўзимиз!

... 1951 йилнинг кузи эди. Робия опа уста-
лар тайёрлаган зардўппи, зар қовуш, ёқажан-
хай, соқолтароқ халта, қабулзарбоф, кундал
сўзаналарини тўплаб, Москвага кетди. Коопера-
тивчиларнинг сўзсизда Бухоро зардўзлари-
нинг сеҳрли ҳунари ҳақида гапирди-да, олиб
борган буюмларини президиум столига ёйиб
қўйди:

— Бухоролик зардўзлар мана шундай ноёб
нарсалар тайёрлай оладилар!

Шу тариқа зардўзлик санъати қайта тирил-
ди. Корхонанинг олтинчи чевар қиз бир ярим
йил давомида Алишер Навоий театри учун ул-
кан парда тўқиди. Бу санъат асари театрни
безаш билан бирга, минглаб томошабинлар-
нинг кўзини қувонтиради. Жаҳоннинг турли
минтақаларидан Бухоро фабрикасига хатлар
келиб турибди:

— Бизга «Дилбар» зардўппи юборинг.


— «Лола» дўпписига муштоқимиз.

— «Ҳафту ду барг»...

Чевар Маҳсума Аҳмедованинг бир ўзи ўт-
тиз саккиз қизга зардўзликни ўргатди.

Раҳима Қўлдошева катта кумуш медаль билан мў-
кофотланди.

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...



Тошкент чинни заводи ишлаб чиқарган нафис идиш-товуқлар, буюмлар
турмушимизни безайди, хонадонларимизга кўрк беради.
Суратларда: рассом Енубион Қорабоев иш устида; нусха чизиш цехида.

С. БЕЗНОВСОВ фотолари

Сиз яхши ёзишни орзу қиласиз; бунга эришмоқ
учун эса одамлар қалбини билишнинг ўзигина ки-
фоя эмас. Сиз гўзалликдан баҳраманд бўлишингиз
ҳам даркор. Юртингиз халқ усталарининг олтин
қўллари билан яратилган бемисл санъат хазина-
ларига ғоят бойдир... Бу бебаҳо санъат асарлари
кишида кучли ҳайрат ва ҳаяжон уйғотади...

Атоқли рус ёзувчиси Алексей Толстойнинг ёш ўзбек
адиблари билан суҳбатидан.

Бахт ҳақида, доҳий ҳақида

сон валард» («Ленин. Инсон ва Замин мадҳи») деб аталади. Унинг муаллифи атоқли ливан шоири Ризвон аш-Шаҳҳолдир.

Ливанининг машҳур адабиётшунос олими Муҳаммад Атоий китобага ёзган сўз бошида поэмаги араб пролетар шеърининг энг яхши намунаси деб баҳолайди.

Асарда доҳийнинг инқилобий фаолияти, меҳнаткаш халқнинг кураши, коммунистларнинг порлоқ ғоялари оташин руҳ билан мадҳ этилади:

«Бунда сафлар оқар тўлқиндай»

Байрутда В. И. Ленин ҳақида янги поэма нашрдан чиқди. Поэма «Ленин. Нашид ал-маж ал-ин-

Шоир Ленин ғояларининг Шарқ халқлари ҳаётидаги буюк ўрнини, доҳийнинг юксак инсоний феалиятларини, Октябрнинг жаҳоншумул аҳамиятини юксак баҳолайди.

Ризвон аш-Шаҳҳолдининг поэмаси жаҳон поэтик ленинномасида янги саҳифадир. У доҳийга меҳнаткаш халқлар муҳаббатини самимий ифода этади.

Ленин—ҳиндлар назарида

Қизил Майдон. Бундан бутун дунё —

Хурмат билан бош эгиб ўтар.

Бунда қалблар маҳкам

жипислашар,

Бунда сафлар оқар тўлқиндай...

Деҳлидаги «Викас пабликайшн» нашриётида яқинда чиққан бир

китоб миллионларнинг эътиборини тортди. У «Ленин — ҳиндлар назарида» деб аталади. Китоб автор К. Менон Совет Иттифоқида узоқ вақт элчи бўлиб ишлаган атоқли жамоат арбобидир. Маълумки, Тагор ва Неру буюк Октябр инқилобини самимий қўтлаган эдилар. В. И. Ленин айниқса ўшандан буён ҳинд халқи орасида жуда машҳурдир. К. Меноннинг китобиغا бағишланган тақрирларда Ҳиндистон халқларининг озолики ва мустақиллик учун курашларида В. И. Ленин ғояларининг катта аҳамият касб этганини таъкидлади.

Автор бу китоба Ленинни янги типдаги давлат арбоби, янги жаҳият асосчиси сифатида таърифлайди.

Таклифлар, истаклар

Кўк чой... Уни табиат атай серкуёш ўлкамиз учун ижод қилганга ўхшайди. Бир пиёла чой баҳона, ёш-ялангу мўйсафид чойхонада тўпланган. Бир пиёла чой жонон гурунларга, оташин баҳсларга, ичак узди аскияларга, завқли-шавқли мушоираларга сабаб бўлган. Одмигина чойхоналар ҳатто сайёҳларнинг ҳам эътиборини жалб этган.

Ҳозир ҳам чет эллик меҳмонлар чойхоналаримизга таширф буюрадилар. Бир пиёла чойимиз Осиё кўёши тафтини бир зумда босишини улар англаб олишгач, «экзотика» учун суратга ҳам тушадилар.

Замонавий чойхоналарнинг пайдо бўлаётгани жамаотчиликини хурсанд этмоқда. Чойхоналар янгича қиёфада қайта тугилмоқда, чоғи. Бир маҳаллар гавжум жойларда «Чайнея» лар барпо қилина бошланган эди. Лекин чинакам чойхоналарга бўлган талаб аслича қолаверди.

Бизнингча, пойтахтнинг Ленин хиёбонида қурилган чойхона ва Самарқанд дарвозада қад кўтарётган «Самарқанд» чойхонасини шу куннинг энг диққатга сазовор чойхоналари деса бўлади. «Мовий гумбазлар» чойхонаси серҳашам безаклари билан, қадимий мезморчилигимизнинг ижодий намунаси сифатида чойхўрларни мафтун этди. Табиат мўъжизаларидан бири—зангори олов ўтин ва кўмирни сафдан чиқарди. Натижада чойхоналаримиз янада озода, гаштли бўлди. Нақшдор устунлар, мўрилар, тош суна, чорпоя ва хонтахталар, ишқом ва ҳовузлар «Мовий гумбазлар»га ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

«Самарқанд» чойхонаси эса, кўп кулўйликлари туйфайли ҳамма чойхоналардан тамоман фарқ қилади. Унда ошхона ва йирик меҳмонхона бўлади. Бу чойхонада олис манзилдан келган меҳмонлар учун алоҳида иззат-икром кўрсатилади. Унинг кўкна Самарқанд дарвоза, яъни эски карвонсарой ўрнида қурилишининг бугунгиимизга манتيқий боғлиғи бор. Самарқанддан йўлга чиққан туя карвонлари шу жойда кўноқ бўлишган.

Баъзи ҳолларда чойхоналар рестороанларга уйғунлаштириб қурилоқда. Пойтахтимизнинг Эски Жўва даҳасидаги «Гулистон» рестороани шундай солинган.

Ресторан лойиҳасини тузаётганда пастки қаватда чойхона бўлиши кўзда тутилган. Лойиҳачилар янгилишмабди. Салобатли, замонавий бинодан ўрин олган чойхона биринчи куниде ўз микозларига лиқ тўлди. Бу ерда новот сўриб, асил чинни пиёлаларда чой ичилади. Чорпояни қоплаган гулдор гиламлар, хонтахтага тўшалган дастурхонлар кўзни қувонтиради.

Фаргона водийсидаги чойхоналарни кўп макташди. Ҳақиқатан ҳам, водийда чойхоналар жуда соясалқин жойларда, анҳор ёқаларида қурилади. Ҳар жойининг ўз удуми бор. Водий йўлларида йўловчи чойхонага бош суққани заҳоти, уни илиқ самимият билан қаршилайдилар, меҳмон истаса-истамаса чой билан бирга патнисда қанд-қурс ва танدير нони келтириб қўядилар. Бу—меҳмоннавоз элимизнинг энг яхши таомилларидан бири.

Кўпгина чойхоналарда қарияларнинг иззат-хурмати учун алоҳида жой тайёрлангани дуруст. Юмшоқ якандозлар, пар болишлар чойхона туртидаги чорпояга қўйилади. Лекин «Қариялар чойхонаси» деб маънос чойхона очиш унча мақбул бўлмас керак. Китоб районида бир йиллари ташкил этилган шунақа чойхонага ёш-яланг киришга ботинолмай турар эди. Бунинг устига, «Қариялар...» деб эъиб қўйилиши оқсоқолларимизга кексалгини пеш қилаётгандек туюлар экан.

Кўриниб турибдики, чойхоналар маданият ва истироҳат масканига айлиниб бормоқда. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида «Қизил чойхоналар» тарғибот ва ташвиқот ўчоқларидан бири бўлган эди. Иил оша чойхоналар мазмуни бойиб, ҳаёт фаровонлигининг белгиси бўлиб қолди. Шундай фикр ҳам борки, ҳар йили бир марта республикада чойхоналар кўрғини ўтказиб турилса. Мезморларимиз замонавий чойхоналар лойиҳасини тузаётганда жамаотчилигининг фикр-мулоҳазаларини эшитсалар, ҳисобга олсалар, чойхоналаримиз бугуннинг талабига янада тўлароқ жавоб берган бўлар эди.

Х. МУРОД

БИР ПИЁЛА ЧОЙ



Мис чойдишлар. XIX аср.

Бухоро қадимдан нафис давот ва қаламдонлари билан ҳам донг тартган.



КУЛГИ—ЖИДДИЙ ИШ

Мухбиримиз Т. Баҳром РСФСР ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Акрам Юсупов ҳузурда бўлиб, у билан сўхбатлашди. Қуйида машҳур қизиқи мулоҳазаларини ўқийсиз.



РСФСР ва ЎзССР халқ артисти Акрам Юсупов. С. БЕЗНОСОВ фотоси.

Бир гала ўзимга ўхшаган оёқ яланг болалар билан кўча қанғитиб, тентиб юрадди. Бозорга етганимизда майдонда давра курган одамлар нимагадир қийириб кулишяётган эди. Туртиниб-суртиниб ўзимизни давра ичига урдик. Соч-соқолига оқ ораб қолган чол ўргатилган эчиси билан томоша кўрсатарди.

— Қани, кўрсатгин-чи, судхўр қандоқ ўлади?— дейди чол эчнисига. Эчки гандирайла-гандирайла айланиб юриб, оёғини осмонга кўтарганча «ғик» этакдио «ўлиб» қолади. Эгаси алдаса ҳам, ёлворса ҳам миёқ этмай ётаверади. Охири «Ана-ана, қарздорларнинг шу томонга иелишпти», деса эчки гининглаб туриб юрди.

Ана кулги, мана кулги. Момақаддирилик қаҳқаҳа ҳали-ҳали қулогимда турибди. Ушанда одамлар шунчалик қаттиқ лаззатланиб кула билишсини ва бундай бўюн ханда уйғота оладиган куч борлигини биринчи марта кўришим эди.

Жасурилик ва хушчақчақлиқни, соддалик ҳамда кувноқлиқни ўз касби мазмунига сингдириб юборган санъаткорлар — цирк усталарини халқимиз азалдан лабда ёйиқ табассум, қалбада нозин ҳаяжон, илиқ эҳтиром билан қаршилайди. Чунки улар аллазамонлардан халқ дилида ётган эзгу армонларнинг ифодачиси бўлиб келган. Чунки уларнинг сафар хуруниндаги асбоб-анжом, лаш-лушлари билан бирга табассум, кулгу, қаҳқаҳа туйғуларини қитиқловчи қизиқчилик деган кўринмас ҳамроҳлари бўлган. Халқ уларни кўпчилиқнинг кучини, қонини, мултини зулукдек сўриб ётган эксплуататорларни бошлаб масхара қилгани учун севган.

Бахтимини қарангки, ўша вақт таомилига кўра ота касби этагидан тутиб новов бўлиш ўрнига мен ҳам шу санъаткорлар оқимига тушиб қолдим. Амаким — Ҳотамжон Мадалиев бир куни дадамга илтимос билан келди:

— Юсуф, тўқиқизта фарзандинг бор. Бирини менга берсанг, дорбозликни ўргатсам...

Дорбозликни ўрганиш чеки менга тушди. Ана шундан кейин до-юраран майдон — циркнинг ҳамма «чигириқ»ларидан бир-бир ўтдим. Туринида уйнашни, дорда юришни, чигириқда машқ қилишни, от устида ўйин кўрсатишни, майдон бўш қолган вақтда эса одамларни кулдиришни ўргана бошладим. Кейинчалик ҳамма томошаларда ҳам қизиқчиликни кўшиб олиб бориш маънулу эканини билдим. Чунки, биринчидан, бундай ўйинларни томошабин завқ-шавқ билан томоша қилади. Иккинчидан, қизиқчилик баҳона, айрим намчиликларимизни кўрсатишга, орамиздаги дағал, манкор, шуҳратпараст, худбин одамларнинг ярасига тўз сеппиб кўйишга иммоният бўлади. Бу вазифаларнинг биринчисини анча дуруст эплар эдим, лекин иккинчиси қанчалик яхши чиқяётганини билмас эдим. Чунки одамларни бачкана қилиқлар кўрсатиб ҳам кулдириш мумкин. Бунда улар бизнинг ўзимиздан кулишади. Бироқ кулгига социал масалаларни сингдириб юбориш, томошабинни баъзида ўзидан ҳам кулишга мажбур этиш осон иш эмас.

Марҳум ёзувчимиз Ғафур Ғулум тузиб берган «Бюллетень» деган қизиқчилик тексти менга ҳам, томошабинларга ҳам жуда манзур бўлган эди. Унда бор отанга, бор онанга қабилидаги бюрократизм кулгу остига олинган. Бошқа томондан эса, дор каби тор йўлқадан бориб, ҳаётини гаровга қўйиб бўлса-да, бюллетень олиш учун ҳаранат қиладиган «масал»лар фож этилади.

Цирк ҳозир ҳам шундай муҳим проблемаларни кўтариб чиқувчи кулгили томошаларга муҳтож. Ёзувчиларимиз қимматли вақтларидан бир қисмини шу ишга бағишласалар, меъдага теккан бачкана қилиқлар билан бачкана кулгу уйғотиш усулидаги масхарабозликка ҳам барҳам бериларди.

Циркнинг ҳамма томошалари қатори масхарабозлик ҳам муҳим санъатдир. Инсон руҳияти учун асосий туйғулардан бири кулгу қанчалик зарур бўлса цирк учун ҳам соғлом масхарабозлик шунча зарур.

Ҳа, иллатларимиз устидан кулдиришни, иллатларимиз устидан кулишни ўрганишимиз керак.

Эгам РАЖАБ

Мерос

Не-не ўлкаларда бўлмадим меҳмон, Бағрини очмади не сўлим боғлар! Гўзаллик кучига келтирдим имон — Ақлим қаршисида лол қолган чоғлар. Дарёларда сузим—сокин, жилвагар, Минг бир ранг гиеҳли тоғлардан ошдим. Кумуш ирмоқлардан оқганида зар, Нурли жилвасидан кўзим қамашди. Сирли мўъжизага бой экан дунё, Фавворалар кўрдим — мисли дурафшон. Жиндак илтмади қалбини аммо, Совуқ нур таратган тақинчоқсимон. Аммо сен, аммо сен, бебаҳо дарём Ва сен оқиб ётган шу кутлуғ тупроқ Вужуд-вужудинга бахш этиб ором, Қалбимга ташлайсиз лаззатли титроқ. Не айтмай, азалдан она тупроқим Аждодлар қафтида тутганлиги, рост, Ажратиб бўлури этдан тирноқини! Оталар юрти бу—фарзандга мерос.

Жайхун суви

Сўлим Аградаги сўлим боғ аро Сўнгги дамларини кутар шаҳаншоҳ. Ҳақиму ҳозиклар кизлашар чора, Аммо наф бермасди тadbирлар, эвоҳ!

Ениб тугаётган шам каби адо, Кетиб борар эди султон ҳаётдан. Шунда кулогига келди бир садо: — Мирзам, карвон келди шаҳри Қиётдан. — Қиётдан!—янгиди шоҳ эҳзуи идрокни, Атрофга бемажол жавдиради у. Бемор илтиқосини сөзиди ҳақим, Лабларига тутди бир пиёла сув. — Шоҳим, оби Жайхун, азрўйи шифо, Юрт суви доридир, келтиринг имон. Шоҳ бир ҳўпладидо қаранг, ажабо, Бемор юрагига югурди дармон. Ушал бир кўлтум сув муз баданнга Олов ҳароратини сочиб юборди. Тер билан кўшилиб чиқди танндан Хаста вужуддаги жамини дарди. Оби ҳаёт каби бир суви, хуштаъм, Бўйида чаманлар таровати бор. Тотийда она-ер саховати жам, Танга жон бергулик ҳаловати бор. Уста-уст ичаркан ютоқиб, қониб, Шу зунда шаҳаншоҳ ҳаётга қайтди. Буюк юрагиди илҳом ўғониб, Ениқ армон билан шундай шеър айтди: «Толени йўқи бошимга балолиғ бўлди, Ҳар ишники айладим ҳатолиғ бўлди. Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим, Ё раб, нетайин не юз қаролиғ бўлди»

Олкес Монреалда борарди байрам, Жануб офтобидан осмон пурзанё.

Бунда етти иқлим одамлари жам, Кудратини кўз-кўз қиларди дунё. Бунда ўзбеклар ҳам буюқ, бебаҳо, Асрий санъатини этди намойиш. Санъатки—мағзила не-не ҳикмат жо, Кўзларга нур берар, дилга оройиш. Дилбар оқшомларнинг бирйда ногоҳ, Бир қўшиқ бошлади Ҳалимашоним. Шунда бир тўп одам чекиб қолди оҳ, Қўшиқ кўзгаганди дилда армони. Ҳалима куларди, кўзлар ўнгидан Ялов тортиб ўтди ўзбек диёри. Шу олик масканда сеп ёқди бирдан Жаннат ўлкасининг тансиқ баҳори. Ҳайқириб тўлғанди Аму билан Сир, Водийларга чопди тошқин Зарафшон... Не-не юракларни айлади асир, Ўзбекистон номили ажойиб бўстон. Кимлардир саҳнага отилди бебош, Бу жонбахш овозини олгали ёзиб. Ҳаяжон, ҳайқириб, кўзлар жинжақа ёш Гўё қолгандилар ақлдан озиб. Булар ким! Тақдирнинг аччиқ шамоли Учирган дарбадар, Беваган зотлар. Она юрт ҳажрида забундир ҳоли, Кўксидан отилар оҳу фарёдлар. Дўстларим, ким турса элдан йирокда, Толени кулмагай, бўлмағай хушвақт. Яшмоқ ва ўлроқ она тупроқда Инсон фарзандига бебаҳо бир бахт.


Ўзбек кўғирчоқ театри қадимий халқ санъатидир. Алишер Навоий давридаёқ кўғирчоқларни қўлга «кийиб» ўйналадиган «Чодир жамол», тепадан туриб ип билан бошқариладиган «Чодир хаёл» ва сояси тушириладиган «Фонус хаёл» томошалар бўлган. Бу томошалар меҳнат аҳлига ғам-кулфат келтирадиган зўравонларни танқид қилиш, турмушдаги адолат-сизликларни фош этиш билан, халқ учун катта ижтимоий ва эстетик хизмат қилиб келганлар. Аммо у замонларда кўғирчоқбозлар «паст табақа» ҳисобланган, текинхўрлар уларни таҳқирлаган, хўрлаган. Рухонийлар кўғирчоқ театрини «шайтон ўйини», кўғирчоқбозни «худого шак келтирган шаккоқ ва дибнатси» дея дуоибад қилганлар.

Ўзбек кўғирчоқлари илк бор Урта Осиё халқлари тарихи ва этнографияси билан шуғулланган рус олимларининг диққатини тортди. Айниқса Н. П. Остроумов, Н. С. Ликошин асарларида бу санъат хусусида қизиқарли маълумотлар кўп. Ўзбек кўғирчоқ ўйини билан махсус шуғулланган олимлардан бири этнограф Петр Комаровдир. Умрини кўғирчоқ театр санъатини ўрганиш ва кўғирчоқлар коллекцияси тўплашга бағишлаган бу аjoyиб инсоннинг хизматлари ҳали етарли баҳолангани йўқ. Ҳолбуки, П. А. Комаровнинг коллекциялари шу мавзуда ёзилган қарийб барча китобларга асос бўлган. Ушбу сатрлар муаллифини олимнинг Ленинграддаги СССР халқлари этнографияси музейида сақланаётган кўғирчоқлар коллекциясини, рус император музейи этнография бўлимининг бош хазиначиси Константин Иностранцев билан олиб борган ёзишмаларини батафсил ўрганиб чиқди.

П. А. Комаров асримизнинг бошида Чимкент уездининг шарқий-шимолида суғорилган ишлари мудири бўлиб ишлаган. Бўш вақтларида эса ўзбек халқи санъатини ўрганган. Бу иш юзасидан у Урта Осиё халқлари этнографиясининг билимдони Абубакир Диваев билан учрашиб, дўстлашиб қолган. Диваев эса Туркистон халқ театрини ўрганишни орозу қилган петроградлик профессор А. Н. Самойлович билан яқин муносабатда эди. Профессор Самойлович Комаровга К. А. Иностранцев билан алоқа боғлашга кўмаклашди. К. А. Иностранцев музей хазиначиси сифатида П. А. Комаровга саҳнавий кўғирчоқлар коллекциясини йиғишни топширади. Комаров бу таклифин бажонидил қабул қилади, чунки унинг ўзи кўпдан бунд халқ театрини ўрганиш билан шуғулланаётган эди.

П. А. Комаров мактублари билан танишганда унинг кўғирчоқ театри коллекциясини тўплаш ва ўрганиш ишига нақадар сабот ва масъулият билан киришганини сезамиз: «Кўғирчоқ театри ҳозирги шакарлик маҳаллий аҳли ҳаётида бутунлай йўқолиб бораётган, — деб ачиниб ёзади у. — Уни ўрганишга ўн беш йилча бурунроқ киришмоқ лозим эди».

Комаров кўғирчоқларни тўплаш билан бирга кўғирчоқ театри ташкил этиш масалалари билан ҳам шуғулланди. Оғзаки пьесаларни ёзиб олди. «Ҳақ кўғирчоқларда эмас, балки халқни кўғирчоқ то-



мошалари атрофига тўпловчи пьесаларда эди», деб ёзади П. А. Комаров. У мактубларида томошаларни фанографга ёзиш ва суратга олиш зарурлигини неча марта таъкидлайди. Кўғирчоқ театрининг тарихи, қурилиши, хусусиятлари билан ҳам шуғулланиб, «Фанлар академияси наширидан ўрин оладиган» монография яратишни орозу қилди.



ХУДОЁРХОН. Заҳил башара, керишган бурун, қон куйилгандай қизариб турган йирик кўзлар, беҳушво соқол-мўйлов, хурпайган қош — ҳаммаси бир-бирини тўлдириб, хонни баъжаҳл, золин ва разил қилиб тасвирлаган. У гўё яна бир ёвузлинка амри фармон бераётган бир ҳолатда қотиб қолгандай. Бунда, балки, тарихий шахс билан ҳам қандайдир ўхшашлик бордир. Аммо кўғирчоқбоз учун муҳими бу эмас. Муҳими шунданки, кўғирчоқда тамоми ҳоқимларнинг ташқи белгилари умумлаштирилиб, масхарага ифодаланган.

Комаров ўзбек саҳна кўғирчоқларининг тўрт коллекциясини музейга топширган. «Чодир жамол» туридан 37 та, «Чодир хаёл» туридан 47 та кўғирчоқни, яъни 1906—1907 йилларда Тошкент шаҳри ва Чимкент уездида ҳаракатда бўлган барча кўғирчоқларни қўлга киритган. Уларни Тошкентнинг Себзор даҳа Хўжа Парошкон Маҳалласида яшовчи Орифжон Отажонов, Чимкентда Каттамачит Маҳалласида яшовчи Саидзимхўжа Исомхўжаев, сайрамлик Турсунмухаммад Маткаримов деган кўғирчоқбозлардан сотиб олган. Комаровнинг ўзи ёганидек, шу нарса аҳамиятлики, у кўғирчоқларни реставрация қилишга, буюртма бериб ясатишга йўл қўймаган; уларни ҳар кун томошада қандай чиқса, шу турида сотиб олишга ҳаракат қилган. «Комаровнинг кўғирчоқлар коллекцияси Иттифоқда биринчи ва ягонадир», деб баҳолайди М. Гаврилов. Музей учун, кўғирчоқлардан ташқари, сурнайчи Нибё Муҳаммадовдан томошага кўр бўлувчи музика асбоблари, чодир ҳамда меҳтарлик рисоласининг сотиб олинганини ҳисобга олсак, Комаровнинг ўзбек кўғирчоқ театри қиёфасини сақлаб қолиш, уни авлодларга етказишда нақадар жон қўйдиргани яққол кўринади.

Тошкентда томоша текстларини ёзиб олишни Комаров йўлга қўйган. Бу ишга у таржимон Гани Муҳаммад Илькин билан этнограф Абубакир Диваевларни жалб қилган. «Пьесаларни ёзишда талаффуз хусусиятларини транскрипция қилиш вазифасини ўз устига олдим, — дейди Комаров, — Илькин эса пьесаларни томоша жойида маҳаллий шевада ёзиб олди. Айни чоғда фотография ердамида суратга ҳам олди, бу ишда бизга А. А. Диваев кўмаклашди».

Аммо афсуски, бу пьесалар тексти ва фотосуратларнинг тақдирини ҳозиргача номаълум. П. А. Комаров ишини охирига етказма олмай ўлиб кетди. Ким билсин, балки кейинги қидирувлар Бирон



ИСО АВЛИЕ. Чўзиқ ва заъфарон позининг устида қийша-йиброқ катта, узун бурун осилиб, айёр ва фитна кўзлар олазарак бўлиб турибди. Томошани бу қиёфада поклик, муқаддаслигини эмас, фирибгарлик, маир ва эгрликни кўрган.



САИД БОБИР ҚАЛАНДАР. Сержаҳл, бераҳм, ҳеч қандай разиликдан қайтмайдиган одам. У кам бож келтирган оддий қаландарларни кўзларини чақчайтириб, қаҳрлиниб сўнаётган бир ҳолатда гавдалантирилган.

натига берар, ўшанда текстлар, фотосуратлар мазмуни ва сифати тўғрисида ҳам фикр юритиш мумкин бўларди. Аммо П. А. Комаровнинг улкан муҳаббати ва меҳнати самараси бўлган ва Ленинграддаги СССР Халқлари этнографияси музейи ходимларининг ғамхўрлиги туфайли сақланиб келаётган аjoyиб кўғирчоқлар коллекцияларининг ўзи ҳам ўзбек маданияти ва театри тарихини ўрганишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Муҳсин ҚОДИРОВ



Бола китоб

ўқиради...

Бола дўнгликда китоб ўқиради. Рўпарасидаги пахтазор орасида қишлоқ кўринар, чап қўлдаги мата йўлдан машиналар гувиллаб шағал таширди.

Аслида бола сизир боқиши, орасида китоб ўқиши керак эди. Лекин «Гўрўгли» унинг хаёлини шумчалик тортиб нетдики, у сизирни эсдан чиқарди.

Бола китоб ўқиради... Гўрўгли ёвга шамшир урганда бола завқланиб қўлларини силтар, ёв Гўрўгли устига бостириб келганда силтаниб тепинарди.

Бехосдан гарданига тушган муштан қалиб қолди. Китоби учиб кетди.

У жавдирар, китобини излаб тимиричиларди. Кимдир уни тўхтовсиз сўнарди. Боланинг нўзига ҳеч нарса кўринмасди. У китобини изларди...

Шу пайт кимдир уни қўлидан ушлаб тургазиб қўйди. Бошини силди, меҳрибон овозда, «мана китобинг, ўглим!» деди.

Бу бошқа овоз эди. Сўнаётган овоз эмасди. Сўнаётган овоз ўчган эди.

Мулойим овоз: — Болани нега урасиз, қўлингиз...— деди.

Боланинг нўзи энди ойдинлашди.

Нариордаги «Волга» ёнида савлатли киши ниши турарди. Майин овоз шулардан бириники, сўнаётган овоз эса бригадир Меливои ананики эди. Бола сизирни пахтазорга кириб кетганини ва Меливои келиб уни урганини энди тушуниди. Сизирни ҳув нарида боғлиқ турарди.

Бола гуноҳини сезиб баттар жавдирарди.

Қора «Волга»да келган киши болага жилмайиб қаради, отини ва нечанчи синфда ўқишлигини сўради.

Бола ўзини бир оз тутиб олганди. У ўқитувчисига жавоб бераётгандек, бийрон гапирди.

— Уху, Каримжон, учинчида бўлсанг ҳам шунақа китобларни ўқийсанми? Яша... Қани, бизга ҳам бир ўқиб берчи,— деди нотаниш киши ва китобга энгашди.

Бола янглишишдан, синфдагидек киши олишдан қўрқандек, оҳанг билан ўқиди. Бошлиқ уни бир оз нузатди. Кейин олисларга тикилиб нималарнидир эслади. Чўқур нафас олди.

— Бўлди, Каримжон, бўлди. Жуда яхши ўқир экансан. Уқинг, кўп ўқинг. Ленин, сизирнигга ҳам қараб туринг, хўлими?

Бола ердан нўзини ўзмай бош иргадди.

Бошлиқ бригадирга ўғирилди. — Пахтанинг орасида одамни кўрмай қолмангиз-да,— деди. Гўв ўзига ўзи гапиряётгандай, сўнг расми бошлаб машинага қараб кетди.

Бола сизирни арқолаб қўйди. Кейин яна китобга шўнғиди. Би-

Шоирлик аслида гўзалликдан ҳайратланиш, гўзалликка шайдоликдан тугилса керак. Шу сабабданми, Гулчехра ижодида унинг тетапоа машқларидан кейинги йилларда яратилган етук шеърларигача ўлкамиз табииатининг гўзал манзараларини, ажайиб замондошларимизнинг нафис туйғуларга бой маънавий оламини куйлаш бош матлаб бўлиб келаётганини кўрамаиз. Тўғри, шоирнинг дастлабки китоблари — «Кўнгул дафтари», «Кўёш табассуми» тўпламларига қалбнинг эмас, кўпроқ ақлнинг меваси ўлароқ майдонга келган талай намуналар ҳам киритилган эди. Уларда ҳали гўзалликнинг ички моҳияти теран ёритилмаган, тавсиф, баёнчилик кучли эди, маълум даражада баландпарвозлик бор эди. «Орзуларим қоқди қанот» китоби ва сўнги пайтларда газета-журналларда босилган асарлари эса Гулчехра истеъдодининг камолотга эришяётганидан далолат беради. Бу асарлар аини замонда шоирани ёшлар шеърятининг пешқадам вакилларидан бири сифатида ўқувчиларга танитди.

Ҳаётдан олинган таассуротлар, фикр ва туйғулар ижодкор қалбига «тўпланиши» (М. Свеплов), тиничлики керак. Ушунда етук санъат асари яратилиши мумкин. Гулчехранинг Ватан ва она юрт табияти, ёшлик ва муҳаббат, она меҳри, инсонлик қадри ва бошқа мавзулардаги энг яхши асарлари ана шундай тиниқ туйғуларнинг самарасидир.

Гулчехра шеърларида Ватан туйғуси кучли ифодаланган. У ўзи «палак ёзган» она юртини ёниқ қалб, фарзандлик меҳри билан гўзал мисраларда куйлайди. Ватан образи Гулчехра шеърларида оромбахш тонлар, осмон ўпар «оқ олтин» хирмонлари, боғ ва баҳор, тоғ ва дарёлар тасвирида конкрет намоён бўлади. Унинг наздига, ҳаётга, инсонга, шу жумладан, ёвга муҳаббат ҳам Ватанга муҳаббатдан тугилади:

Ватаним шаънига қуруқ, босеҳр

Шоирлар айтганини ёқтирмас қалам.

Ким Ватан севмасдан ёр севар, ахир?...!

Жуда ҳаққоний, топиб айтилган фикр! Ёшлик ва муҳаббат мавзусига, назаринда, тенгдошлари ичида энг кўп мурожаат этаётган Гулчехради. Шоирнинг биринчи йирик поэтик асари — «Муҳаббатнинг тугилиши» дostonи ҳам, «Қиз қалби» туркуми ҳам шу ўлмас мавзуга бағишланган.

Муҳаббат — гўзаллик, муҳаббат — тирикликнинг асоси, муҳаббат — одамийлик ва садоқат, матонат ва мардлик мезони! — Шоирнинг муқаддас туйғу ҳақиқидagi асарларидан келиб чиқадиган асосий мазмун шундан иборат.

«Қиз қалби» туркуми ва «Муҳаббатнинг тугилиши» дostonи фақат Гулчехра ижодининггина эмас, ёшлар шеърятининг ҳам ютуғидир. «Қиз қалби»да навиқорн юракда илк севгининг тугилиши, сехри, жозибаси, изтироб ва бир умрлик азоблари, сезгир қалбига ҳис эта оладиган оний ҳолатлар ёрқин ифодаланган.

Мана, шоира илк севгининг тугилишини қандай нозик таърифлайди:

Ваҳор одимини кузатганим бор,

Шаҳдамлиги унинг сезилмас, лекин.

Сен ҳам ҳаётимга баҳордай тензор,

Ваҳордай сездирмай киргансан,

севгим.

«Жангчининг беваси» шеърда эса етим қолган муҳаббат, ўзбек аёлининг буюк бардоси, матонати кучли мисраларда улуғланди:

Узин ўзи босар тоғ бўлиб,

Ҳувилаган бутун бир бағир.

Севгисидан маҳрум юракни

Кўтармоқлик бунчалар оғир!

Бу шеърда салмоқли фикр, чўқур изтироб, юксак ўйғунлик бор. «Ойнинг икки томони», «Икковига ке-

роқ энди сатрлар орасидан Гўрўгли эмас, сариқ похол шўлла кийган ҳалиг савлатли, мулойим киши сўзиб чиқаётгандай эди...

Соё

Соё ҳовлиқни дара қўйиндан чиқиб кетди. Дара уни гагмин кузатиб қолди: «Боланим, менсиз ҳолинг не кечарини?...»

Соё эркинликка чиқанидан шунақам қувондики... Энди нима

қилса қилаверади. Илгари ўмбалоқ ошар, кўпирақ, ўзини тошдан-тошга отарди. Ленин ҳаммаси онасининг қўйнида бўларди.

У шўх эди. Тоза ва тиниқ эди. Одамларга илҳом, гўзал туйғу ва яхши ном улашар эди. У ўзининг яхши эналлигини, бундан ҳам улугвор ишлар қилиш қўлидан келишини билар эди. Ленин онаси уни бағридан чиқармасди. Энди озода. У яна бир шовиллади ва ўмбалоқ ошмоқчи эди, бўлмади. Жой тенис ва уни биров кўрт-

ТИНИҚ ШЕЪРИЯТ

лар ҳавасим...», «Истак ва кўрқув», «Ултирибсан олов бошида...», «Бир юракка интидик икков...» каби шеърлар ҳам ана шундай бақуваат асарлардир.

Кези келганда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Гулчехранинг бундан беш-олти йил аввалги талай шеърларида лирик қаҳрамон қиёфаси ноаниқ эди. Эндликда шоира лирик қаҳрамоннинг қиёфаси аниқ шаклланган. У — мард, дунёнинг паст-баландини билган, одам мураккаблиқларини теран идрок этувчи, ҳаётга тийрак кўз билан боқувчи, ўзи ва ўзгалар қадрини юксак сакловчи илгор замондошимиз. Бу — Гулчехранинг ўз шеърятини яратиши йўлида дадил бораётганлигидан далолатдир.

Шоирнинг дostonчиликдаги илк таърибаси — «Муҳаббатнинг тугилиши» ўқувчилар томонидан илқ кутиб олинди. Унда муҳаббат—нондай азиз, қадрли, муҳаббатсиз ўтган ҳаёт—мазмунсиз, деган поэтик фикр ҳаяжонли ифодаланган.

Дoston қаҳрамони — Асрор киндик қони томган тупроқни, табииати жон-дилидан севади. Шу сабабли у она ерининг, майса-ғиёҳларнинг, юдузларнинг, шабнамнинг тилини, дилини тушунади. Табиат билан сиз ва биз сўзлашгандай сўзлашади. Зебога бўлган муҳаббати ҳам табиятга, Ватан тупроғига бўлган муҳаббатдан тугилган. Асрор шу аjoyиб фазилатлари билан ўқувчи қалбидан чўқур кўй олади.

Лекин дostonда меърибга етказилмаган, далилланмаган ўрилар ҳам бор. Масалан, Асрорда Зебога нисбатан муҳаббатнинг қандай тугилганини биланмиз («Орагимга қирдад янги ҳис, Йиллаб туриб йилганданда кўн»). Аммо Зебо Асрорга қандай кўн-гил қўйди, қалбига сеvgи қачон гунча ёзди — бизга қоронғу. Ахир, муҳаббат икки дилинг мулки-ку! Ундан ташқари, Гул монолоғида фикр маҳвум. Гул нега — сеvgи, нега — қасам, нега — куч? Бу дэволар ҳам жавобсиз қолган. Аммо «Муҳаббатнинг тугилиши» дostonи самимийлиги, туйғуларнинг покизлиги, асосий образ — Асрор қиёфасининг ёрқинлиги билан қимматлидир.

Гулчехра ўзбек ёшлар шеърятинида биринчилардан бўлиб она меҳри, муҳаббатни ҳақида бақуваат шеърий туркум яратган ижодкорлардан. «Мен онамдан ироқда» туркумига кирган «Тошқент вақти», «Осмон янги, Кўёш янги. Ер янги...», «Алқ учун ер шар шаклида...», «Истагинг: қиз билан икков оҳиста...», «Онам мактуби» каби шеърлар теран ўйлар, нозик кузатишларга бойлиги билан ўқувчи қалбини тўлқинлантиради, унда эзгу ҳислар, гўзал ниятлар уйғотади.

Гулчехра Нуруллаева ижодининг машаққатли сўқмоқларидан эътиборида бир неча дадил қадам ташлади. Бу қадамлар қутлуғ келиб, адабиётимизнинг бағри яна бир истеъдодли, келажоги порлоқ ижодкор билан тўлди. Ёш шоиримизнинг энг яхши асарлари ундан келажакда ҳаётимизнинг янги-янги қатламларига тийрак назар ташлаб, халқимиз қалбидagi олам-жаҳон туйғуларни халқимизнинг ўзига кашф этиб беришга қодир ижодкор чиқишига умид туғдиради. Шубҳасиз, ҳали Гулчехра ижодида ўткинчи, ҳис-ҳаяжондан холи, фикр ва жозоба кучи заиф намуналар анча-мунча учраб туради. Ишонимизки, ўзига талабчан шоиримиз замонамизнинг ҳаяжон, қаламга олишга арзирли масалаларининг гўзал ифодаланган етук асарлар яратиш йўлида истеъдоди, куч-гайратини сарфлайди. Зотан, китобхон ишончи, ҳурмат-эътибори ижодкорни шунга дэвават этади.

Маҳмуд Саъдий

тага кузатиб тургандек эди. Майли, ҳали пайти келар...

Унга бир лойқорко ироқко нелиб қўшилди. Соё нингирганди. «Мен сенга қўшилмайман, ўзим мустақил оқаман!» деди иромқини менсимай. Ленин кимдир пўнғиллади: «Кўп викирлайверма, бу дунёда ҳамма қўшилиб оқади». Овоз буйруқ охангиде янграрди. Ленин ойна ўзи оқаверди. Унинг биллурдай тоза суви барча жилғалардан ажраллиб турарди. Бир ерда соё ўмбалоқ ошмоқчи

... Париж. Гранд-опера театри майдони гавжум. Бир ҳафтадан бери шаҳар полициясининг ҳам тинчи бузилган. Франция санъат мухлислари Совет артистларини ҳамisha шундай ҳаяжон билан кутиб оладилар. Бугун эса хореография санъатини шарқий анъаналар билан бойитган машҳур ўзбек балеринаси, сеvimли раққосамиз Галия Измайлова иштирокида композитор А. Аданнинг «Жизель» балети намойиш қилиниши керак. Томошабинлар Г. Измайлованинг чиқишини озиқиб кутмоқдалар.

Ниҳоят, балет бошланди. Тоғлар ўртасида тўш керган гўзал қишлоқ. Бу ерда Жизель исмли шод-хуррам, шаддоод, содда қиз онаси билан туради. У гам-ташвиш нималигини билмайди. Бўш вақтини рақсга тушиб, кўшиқ айтиб ўтказди. Бир кун уларнинг ёнига Альберт деган ёш граф кўчиб келадю Жизель оромини йўқотади. Қиз кечалари мижжа қокмай Альберт ҳақида ўй сўриб чиқади. У, янгит ҳам содда, ўзинга ўхшаган камбағал бўлса керак, деб ўйлайди. Шу қишлоқлик Ганс эса Жизелни севарди. У қизга Альберт катта бойнинг ўғли эканлигини, Матильда исмли хотини борлигини айтади. Жизель унга кулоқ солмайди. Альбертнинг севгиси билан яшайди. Альберт қишлоқки қиз Жизелни ҳақиқатан ҳам алдаган эди. Кўп ўтмай қишлоққа Альбертнинг отаси, хотини келади. Сир очилади. Жизель орийат азобиде жинни бўлиб қолади. Ниҳоят, ўзини-ўзи ҳалок қилади.

ИСТЕЪДОД

Одатда трагик асарлар кишида оғир таъсурот қолдиради. Лекин Галия Измайлова иштирокидаги спектакль тугаши билан томошабинлар ўринларидан туриб, уни бир неча дақиқа олқишладилар. Г. Измайлова оркестр олдида келиб залга қайта-қайта таъзим қилди, яна гур чапак янгради, таҳсину офаринлар, француз ва рус тилларида табриклар... Сўнг — таниқли совет балеринаси ўнлаб репортёрлар ҳалқасида қолди...

Галия Жизель образида балет жазибасини, ички драмасыни, нозик ва муқаддас туйғулар курашини акс эттира олди. Шу билан бирга майин, нафис ва чаққон ҳаракатлари, юксак маҳорати билан санъат нуқтисини эгаллаган ўзбек қизининг бахтини, ўзбек дибрининг бугунги эркин турмушини ҳам намойиш этди.

Г. Измайлованинг номини тилга олганда кўз ўнгимизда у яратган «Қирқ қиз» балетидаги Гулали, «Дон Жуан»даги Хуанита, «Спартак»даги Эгина, «Боғчасарой фонтани»даги Зарема, «Семург»даги Паризод ва «Дон Кихот»даги Китри каби ўнлаб образларгина эмас, балки, томошабинга ҳамisha эстетик заъв бегийловчи шарқ ва ўзбек миллий рақслари ҳам намойён бўлади. Галияхонимнинг бой репертуарида қадимий қалқ рақсларини ҳам, ҳозирги замон ўзбек хотин-қизларининг эркин ҳаётини ифодаловчи шўх рақсларни ҳам кўрамиз. Раққосанинг нозик ҳаракатлари, енгил депсинишлари, бошини хиёл орқага ташлаб, қоматини мағрур тўтиб саҳна узра чарх уриб юриши, очиқ чеҳра ишоралари унинг бухороча «Ларзон» ўйнига хос; доирага жўр бўлиб саҳнада узоқ вақт гир айланши, улугвор, вазим эҳтирос билан юрак тугёнларини баён этиш тожиқча «Занг» ўйинининг лейтмотивиدير.

Галияхонимдаги ғайрат, шижоат ва жўшқин эҳтирос, айниқса «Помирча рақс»да равшан барқ уради. Раққосанинг чаққон, нафис, шўх, саркаш ҳаракатлари, елка қоқиб, ибни билан, айни замонда мағрур кўкрак кериб хиром этиши томошабинни мафтун этади. Галия Измайлова шу кунларда янги «Илон ўйинини томошабинларга тақдим этди. Бу ўйинда рақс шиддатли бошланади, раққоса давра бўлиб гўл тезликда, гоҳ буралиб, гоҳ яна қоматини тиклаб гир айланади. Бу ерда ўйин оҳангини бузмаслик, қилонни узмаслик учун ўта чаққонлик зарур. Бутун рақс кучли эҳтирос билан тўла! Бу нафис ҳаракатлар мағрур, ирдали, шу билан бирга дедил ва назокатли қиз туйғуларини акс эттиради.

Галия Измайловага ҳос фазилатлардан яна бири шуки, у энг мураккаб ҳаракатларни осонлик билан равон жиро этади. Ўз қаҳрамонларининг туйғуларини ниҳоятда самимий ва гоҳи енгил юмор билан ифодалайди.

Галия Измайлова таниқли балетмейстер ҳам. У Г. Мучелнинг «Кашмир қиссаси», И. Акбаровнинг «Лайли ва Мажнун», М. Ашрафийнинг «Севги тумори» балетларини юксак днд билан саҳналаштирди.

— Театримизнинг балет труппаси,— дейди Галия Измайлова,— яқинда композитор А. Козловскийнинг янги «Тановар» балетини саҳнага кўйди. Бу балет драматург К. Яшиннинг «Нурхон» драматиси асосида яратилди. Шу йилнинг охиригача С. Юдаковнинг «Хўжа Насриддин сарғуаштарини» номли янги комик балетини ҳам саҳналаштиромоқчимиз.

Sevimли раққосамиз СССР халқ артисти Галия Измайлова репертуарида ҳозирги кун нафаси билан сўғорилган, қайноқ ёшлик бахтсодатини, сўлим баҳорин, ҳаёт кувончларини, ер юзнда тинчликни, дўстлик ва муҳаббатни улугловчи жозибали рақслар тобора кўпаймоқда.

Азим АЗИЗОВ,

Ўзбек давлат филармониясининг солисти



Хева шаҳар Маданият уйи бадий ҳаваскорлар тўғарагининг аъзоси Гулой Раҳимова ижро этган рақслар санъат мухлислари қалбига дунё-дунё заъв бахш этади.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

САНЪАТИМИЗ ИЛДИЗЛАРИ ТЕРАН

Афросиёбада ўтган йил олиб берилган археологик қазувлар вақтида узоқ ўтмишда бобоқонларимиз яшаган уйлар топилди. Улардан бири айниқса диққатга сазовордир. Деворларнинг пастки қисми (бир метр баландликда) сақланб қолган. Қурилиш материалларини текшириб, бу бино ўз замонасида нақадар чиройли ва ҳашаматли бўлганини аниқлади.

Баландлиги олти метр, эин тўрт метрли иморатнинг пойдевори яхши пиширилган гиштдан шиланган. Гишларини териб, тиклашда лой ўрнида муस्ताҳкамлик жиҳатидан ҳозирги цементдан қолшимайдиган «қир» деб аталувчи маҳаллий қурилиш материали ишлатилган. Хона деворлари ва шипи рангли нақшиндор ганч билан безатилган. Унда ўсимлик ва ҳандаса шакллари ифодаланган бўлиб, устидан қизил ва сарвк ранг юритилган.

Текшириш вақтида сирли сопол идишлар, шишадан ясалган ҳар хил рўзгор буюмлари, танга пуллар ҳам топилди. Сопол идишларнинг ихчам, гўзал ва нафислиги ўша даврда кўлолчилик гоят ривожланганидан далолат беради. Турфа гуллар билан безатилган сирли сопол идишларнинг бўёқлари

ер остида минг йил ётанга қарамай, айинмаган, нафосатини йўқотмаган. Юқоридеги топилмаларни текшириб, мазкур уй эрамининг X асрга оид эканини аниқлади.

Кейинги йилларда Афросиёбнинг бир неча жойидан X асрда ўймакорлик нақшлари билан безатилган уйлар топилди. Уларга минг йил муқаддам қандай ранг ва нақш берилган бўлса, шундайлигича сақланган. Деворлардаги нақш-гулларнинг баъзилари печак гулга ўхшаб бир-бирига чирмашиб кетган бўлса, айримлари очилди турган сербаг табиий гулларга ўхшаш. Баъзан ўйма нақшда занг, барги ва узум бошлари тасвирланган. Ўймакор устalar нақш чизмида асосан икки хил усул қўлланганлар, яъни ганч билан қалин суवालган деворнинг ўзига ўйиб гул туширилган ҳамда безакларни бўлак-бўлак ҳолда олдидан тайёрлаб, сўнг деворга муस्ताҳкамлаганлар. Қадимий уйларга моҳир устalar ишлаган ўймакорлик нақшлари гўзаллиги, жозибдорлиги билан кишини ҳайратга солади.

Шорасул ШОРАҲИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг илмий ходими

ҲАЙКАЛЛАР УМРИ БОҚИЙ...

Тасвирий санъат турларидан энг қадимий, энг мураккаб ва энг муҳаммади ҳайкалтарошлик кейинги вақтларда Ўзбекистонда ҳам анча ривожланди, такомиллашди. Айниқса, монументаль ҳайкалтарошлигимиз, меъморчилигимизнинг қадимий аъёналарини ўзига сингдирганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунга В. И. Ленин хотирасига ўрнатилган ҳайкаллар, Самарқанддаги Навоий ва Жомий, Улугбек ҳайкаллари ва бошқа кўплаб ансамбллар мисол бўла олади. Бундан ташқари жуда кўп декоратив, нафис ҳайкалчалар хоналаримизни, маъмурий биноларни, йўлларни безаб турибди.

Кейинги ўн йиллик ичида ҳайкалтарошлигимизга М. Мусабоев, А. Шомуродов, Д. Рўзиев, А. Аҳмедов, Х. Хусниддинхўжаев, А. Тоиров, А. Бойматов, Э. Алиев каби истеъодлар кириб келди. Биз бу мақолада шу ҳайкалтарошлардан фақат бири Дамир Рўзиев ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Дамирнинг асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида, Қорақалпоғистон Давлат санъат музейида, ҳар йили ўтказиладиган бадий кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Қориёқубов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ориқов хотирасига ўрнатилган ҳайкаллари ҳам Дамир Рўзиев ишлаган. Тошкентдаги ҳужжатли кинофильмлар студиясининг ташқи томондан безаб турган студия эмблемаси ҳам шу еш санъаткор кўлида сайқал топган.

Санъат музейига кирган ҳар бир киши ёшлик таровати, ҳаёт нафаси жилваланиб турган «Саида» ҳайкали олдида бир мuddат тўхтаб қолади...

...Дамир Самарқандда туғилиб, Маргилонда кўп йиллар яшади. У асарларида ҳамшаҳарлари — хонадалар, табаррук оқсоқоллар, созандалар, меҳнаткашлар сиймосини тасвирлайди. Дамирнинг ҳамшаҳари М. Мусабоев миллий аъёналар руҳида ишланган Улугбек, Навоий, «Мироби», «Рубобчи қиз» каби ҳайкаллари билан танилган бўлса, Рўзиев психологик портретга, бежирим ҳамда интим ҳайкалтарошликка мойиллиги билан ажралиб туради.

Рўзиев истеъодли ёш ҳайкалтарош. Бироқ унинг ҳайкаллари М. Мусабоев, Х. Хусниддинхўжаев, А. Тоиров ва А. Бойматов асарларидан ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Дамир Рўзиев фақат санъатнинг миллий аъёналари билан чегараланиб қолмай, қардош республикалар ҳайкалтарошлигини ҳам кўнгил билан ўрганмоқда. Шу мақсад билан у Арманистон, Эстонияда бўлиб, қардош ҳайкалтарошлар билан фикр алмашиб келди. Шунингдек, Дамир эллик йил ичида чет эл ҳайкалтарошлигида содир бўлган янгиликлардан ҳам хабардор.

Санъат асарлари етуқлиги, бадийлиги жиҳатдан миллийлик чегарасидан чиқиб, тобора Осиё, Европа қолаверса жаҳон миқёсида тан олинмиш даражаси билан бормоқда. Бунга халқлар ўртасидаги маданий алоқалар, тинчлик, тараққиёт йўлидаги халқаро ҳамдамлик асосий омил бўлмоқда. Дамир Рўзиев ҳам ўз ижоди билан кенг кўламдаги масалаларни қамраб олишга интилаётган ёш санъаткорлардан бири.

Дамир Рўзиев ҳайкаллари шакл жиҳатидан қизиқарли, мазмунан пухта. Чунки Дамир буш ишланган асарларнинг умри қисқалигини ахши биледи. Ёш ҳайкалтарош Дамир Рўзиев ҳали ҳамма оригинал фикрларини амалга оширгани, уларни умри боқий ҳайкалларга кўчирганича йўқ. Бу фикрларнинг баъзилари ҳозирча эскизларда.

Рўзиевнинг номи ўзбек ҳайкалтарошлигида реалистик портретлар яратиш билангина эмас, балки бу жанрни янги гоёлар ифодалаш ва янги уфқларга чорлаш билан ҳам алоқадор. Уз тенгқур ҳамкасблари каторида Рўзиев ҳам ўзбек миллий ҳайкалтарошлигини янги поғонага кўтаришда муҳим ишлар қилмоқда.

Рафаэль ТАҚТАШ,
санъатшунослик фанлари кандидати



Дамир Рўзиев яратган «Саида» ва «Ҳофиз алласи» ҳайкаллари.

ЕТМИШ МАМЛАКАТГА

Анвар бадий билим юртини, сўнг Тошкент театр-рассомчилиги институтини битирди. Ҳайкаллар яратди, ганҷкорлик билан шуғулланди. Сопол идиш-товоқлар тайёрловчи иккинчи артель ёпилаётганини эшитиб қолди, Тошкент Бадий фонд раҳбарлари ҳузурига кирди:

— Шу қолақ норхонага мени юборинглар!
Орадан бир йил ўтар-ўт-

мас норхона фойда бера бошлади. Бадий фонд мағзинларида ранг-баранг сопол идишлар, кўза, товоқ, пилалар пайдо бўлди.

Норхона йиринлаша бориб, натта фабрикага айланди.

— Гузаллик яратиш учун истеъодли уста бўлиш керак. Бу гузаллик ҳар бир хонадонга кириб бориши учун эса уйдабурро итти-содчи бўлиш ҳам зарур,— дейди Анвар.

Ҳозир Ўзбекистон завод ва фабрикаларининг маҳсулотлари жаҳоннинг етмиш мамлакатига жўнатишмоқда. Бунда Анвар Раҳматуллоев раҳбарлик қилаётган нулlochилик фабрикаси буюмлари ҳам бор.

РИШТОН ЭРТАГИ

Дастурхон турли ноз-неъматлар билан безатилган. Меҳмонлар чой ичиб, гурунглашиб ўтиришибди. Меҳмон натта, сирли товоқда бугула-ниб турган палов келтиради. Дастурхон яна ҳам файзли бўлиб кетади.

Республикамизда бирор хонадон йўқки, у ерда чиройли сопол идиш бўлмасин. Қўлолчилик ўзбекларнинг қадимий хунари. Афросиёб остидан ҳам халқ хунарининг намуналари — сопол товоқ, кўзачалар топилди. Улардаги гулларга, сирларга қараб кўзингиз қамашади, эртандай гўзал. Бу идишлар аср-асрлардан буён тупроқ остида ётса ҳам ранги бузилмаган, ҳозиргина хумдондан олинми, сирлангандек кўтирайди. Риштонлик машҳур уста Усмон Ҳайдаровга ҳам бу хунар бобаконларидан мерос бўлиб қолган. Отаси ҳам қўлол бўлган. Уғиллари Эргаш, Мухтор, Журабой ҳам ота наҳсини танилашди. Ҳозир улар ясаган сопол товоқ, кўзачаларни фақат Ўзбекистондагина эмас, бутун мамлакатимизда кўрасиз.

Риштон лаганлари қўли олтин нулолларимиз шухратини оламга таратди.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



ТАРОЗИ ПАЛЛАСИДЕН...

Орол денгизининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуни, унда сув сатҳининг кўтарилиб-пасайиб туриш амплитудаси жуда баланд: 3-4 метрга етади. Буни Каспий сув юзасининг тебранишига солиштирган олимлар гаплати бир ҳолга дуч келдилар. Бу денгизларнинг бирида сув сатҳи кўтарилса, айни вақтда инкинчисидега намаар экан. Худди тарози палласидек. Яна шуниси қизиқни, Каспийда сув юзаси қанча пасайса, Орол сатҳи худди шуна кўтариладикан.

Шундай қилиб, Орол билан Каспий қандайдир ер ости канали орқали бир-бирига туташгандир, дейишга асос бор.

АСАЛАРИЛАР... «СОГИЛАДИ»

Асаларининг захри қимматбаҳо дори эканлиги қадимдан маълум. Табиблар унинг танасидан захар халтачасини узиб олишган, асалари эса нобуд бўлиб метаверган.

Француз физиологлари яқинда асалари захрини «соғиб» олувчи элктр аппарат ихтиро қилдилар. Бу аппарат билан адрининг танасидан элктр томи ўтказилганда нишдан захри томади. Сўнг ари яна асал йиққани учб кетади. Вақтсоати етгач яна «соғилади»...

1930 йилдан бери Ҳиндистон чаңгалзорларида шерлар сони 40 мингдан 2 минггача намайди. Фақат 1965-69 йиллар мобайнида мамлакатдан 12 мингта арслон териси олиб чиқиб кетилган. Арслон ови шафқатсиз овчиларга беҳисоб бойлик келтиради.

Ҳозир «Чангалзорлар подшоҳи»нинг насли бутунлай кўриб кетиш хавфи туғилиб қолди. Шунинг учун Ҳиндистоннинг 12 штатида шер ва арслон ови ман этилди.



Автомобилда чала ёнган ёнилғи газ натта шахарларда ҳавони бузади. Бу одамларнинг соғлиғига зийн. Ҳозир маҳон олимлари фреон билан ишлайдиган янги мотор ўйлаб топилди. Фреон — элктр совуқхоналарида ишлатиладиган суюқлик бўлиб, мутлақо зарарсиздир. Унинг буғи моторни ҳаракатга келтиради, конденсатор эса буғни яна суюқ ҳолга келтиради. Қулай ва содда. Япония 1972 йили шундай моторни ишлаб чиқара бошлайди.

Польша Халқ Республикасининг Хожув шахрида жаҳонда энг баланд гидростанция гулхона қурилган. Унинг баландлиги 54 метр бўлиб, майдони 1500 м² метр. Энг қизиги шундаки, барча ишлар автоматлаштирилган ҳамда механизациялаштирилган натижасида гул хонада атиги уч киши — инженер, лаборантка ва ишчи ишлайди.

ДЕНГИЗДА... ШАКАР

Тасмания қирғоқларидаги жуда катта «майдон»ни сув ости ўсимликлари қоплаб ётибди. Бу ўсимликлардан қимматбаҳо модда — алынат натрий олинади. Бу шакарнинг ўзгинаси. Озин-овнат саноатида денгиз «шакар»идан хилма-хил ширинликлар тайёрланмоқда.

СОВУН ДАРАХТИ

Флорида яриморлида «совун дарахт»лари ўсади. Унинг пишган меваси ишқаланса кўпикланади. Маҳаллий аҳоли ундан совун ўрнида фойдаланади.

НАЪМАТАХ

ҚАРҒАНИНГ ДИДИ

Масалда не ҳоллар бўлмайди содир, Инсондай сўзлайди паррандалар ҳам. Масаллар турфа хил ҳикматга қодир, Инсондай иш тутар даррандалар ҳам.

Хулласи, музейнинг бурчида бир кун Кушларга жон ато бўлдио бирдан, Кулоққа айланди борлиғи бутун, Хабардор қилайни сизни бу сирдан.

Булбул дер: «Қанийди, оламдан одам Чўлми йўқотсаю Ер бўлса бўстон. Қуррадан кетмаса ёз билан кўлам, Мен улар шаънинга куйласам достон».

Чағалай эса дер: «Чўл ўрнида кўл, Денгизлар яралса, бўларди кўп соз. Бургут-чи: «Кўл эмас, тоғ бўлсин буткул, — Барча хуш кўрар», деб қилди эътироз.

Қайси куш нимани севса, шу замон — Тортинмай ўз фикрин айтди галма-гал. Ҳаттоки дейилди: «Чўл бўлсин ўрмон», Ҳайати самимий, шавқли ва ўзлом.

Ниҳоят, сўз олиб, қағиллаб қарға, Дер: «Барча баҳсингиз бемантик, бекор, У бўлса пинағни бузмайини хнел, Яил бўйи қаҳратон бўлса ҳукмдор!»

Бу нохуш «қағ-қағ»дан кушлар бўлиб пол, Бирма-бир тарқалиб, ўз ўрнин олди. У бўлса пинағни бузмайини хнел, Шўпайиб яна ўз фикрида қолди.

Не дердим, шу экан қарғанинг диди, Ъўстига тиқилган бўлса ҳам похол, Шу гапни деди.

Зоҳиджон ОБИДОВ

ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Бир куним кимё ўқитувчиси дарсда Афандидан сўради:

— Қани, Насриддин, айтчи олтин очиқ ҳавода қолса нима бўлади!

— Йўқолади,— деб жавоб берди Афанди.

Афанди мадрасада ўқир эди. Қиш кунлардан бирида домла Афандидан сўради:

— Насриддин, энг совуқ жой қаер!

— Каминанинг ҳўжраси,— деб жавоб берди Афанди.

Ажойиб хотирали кишилар

Иамбагал араб қизи Баэл, билим олишга ҳеч қандай шароити бўлмаган ҳолда, ажойиб хонанда ва созанда, моҳир бастанор бўлиб танилди. У 30 минг куйин билди. Ун минг куйини ўз ичига олган ноёб мусиқий асар яратди. Унинг ўткир заковати, инсон туйғуларини тўғри ифодалаши, латофати ва назокати нишиларни ҳайратда қолдирди.

Академик А. Ф. Иоффе логорифмлар мадвалидан ёдани фойдаланар эди.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони А. Алёхин ўзи уйнаган минглаб шахмат

ўйинларининг барини ёддан билган.

1967 йили матбуотда мана шундай хабар босилган эди:

«Қардош Украинанинг Горловна шахридаги 13-мантабда Саша деган бола ўқийди. Унинг тўғрисида ҳайратомуз гаплар юради. Саша Дворак йини яшарли чоғдаёқ алифбени билиб олган, орадан олти ой ўтгач, ўқий бошлаган. Тўрт ёшга тўлганида ёзишни билган ва мураккаб инсолларни еча олган».

Саша Дворак ҳозир еттинчи синфда ўқимоқда. У мураккаб алгебра машқларини ечишда ҳатто санжизинчи синфда

ўқийдиган баъзи ўнучиларга ҳам ёрдам беради. Саша футбол ва шахмат ўйнашсин, интоб ўқишни ҳам жуда яхши кўради.

Бизда ҳам «Минг бир кеча», «Чор дарвеш», «Баҳор дониш», «Илила ва Димна», «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш», «Гўрўгли» наби дostonларини ёддан айтиб берувчи ажойиб хотирали бахшиларимиз бор.

Олимларнинг айтишича, бош инянинг хотира маркази зусаффо ва нег бўлса, киши ўткир хотирали бўлади.

Тўпловчи
З. ЭГАМБЕРДИЕВ



ТАНИШИНГИЗ

Воҳид ОДИЛОВ



Ўз-ўзига ҳазил.



Отарчи тулки:— Чиндан ҳам хўроз экансизлар!



— Қизим, сал узунроқ кўйлак кийсангиз бўлмайдими?



— Баднафслик қилмаганимда шу сичқонларни тутиб ердим.



Безори:— Кеча мени шу бола урди. Мана гувоҳларим.



— Мана, энди маъқулим:



— Сал нутасизлар, нозик меҳмон бор.

Воҳид Одиловнинг илк ҳажвий сурати қирқ йил бурун «Муштурмада чиққан эди. Ушандан буён рассом асарлари мухлислар кайфиятини чоғ қилиб келимочда.

В. Одилов 1937 йилда Тошкентдаги Рассомлик билим юртини тугатгач, Еш томошабинлар театрида ишлади, газета-журналларда ҳамкорлик қилди. У қарерда меҳнат қилмасин, ҳеч қачон хушчақчақ қаламини қўлидан кўймади.

Улуғ Ватан уруши майдонларида рассом қалами айниқса жанговарлик насб этди. У қахрамон жангчиларимизнинг жасоратларини улуглади, фашист - муртадларнинг манфур башараларини фош қилди.

СССР Рассомлар союзининг аъзоси В. Одилов ҳозирги пайтда «Рассом» комбинатида хизмат қилиш баробарида республикамиз газета-журналларида ҳам фаол иштирок этаптир.

Воҳид Одиловнинг ўзига хос хусусияти шунданки, у ҳаётимизда ҳали ҳам учраб турадиган эсинили сарфитларини синчковлик билан илғаб олиб, моҳирона ҳажв қилади.



Х аср араб тарихчи Масъудининг маълумотларига қараганда Шарҳда имонияти бор ишчилар ўз хонадонларида тарбиячи сифатида моҳир шахматчи сақлаганлар.

Озарбайжонлик машҳур сўз санъаткорларидан Афзалдин Ҳоҷоний (XI—XII асрлар): «Шахмат тахтасидаги кураш тасодифларга эмас, балки инсоннинг ақл-заъоватига асосланади» дейди.

Озарбайжонлик профессор, атоқли навойишунос Ҳамид Ораслиннинг кўрсатишича, XIII—XIV асрларда Озарбайжон зиялиларининг маданий машғулотларидан бири шахмат бўлиб, моҳир шахматчилар эл ичида шухрат топар, уларга санъаткор деб қаралар эди. Алишер Навоий яшаган даврда Самарқанд, Бухоро, Ҳирот шаҳарлари шахмат маданиятининг марказларидан эди. Узоқ вақт давомида Алишернинг қўлида хизмат қилган Мавлоно Фосихиддин Соҳиб етун олим ва дуруст шоир бўлибгина қолмай, шатранж-шахматда ҳам маҳорати зур эди. У «гойибона», яъни шахмат тахтасига қарамай ҳам жуда яхши ўйнай олган.

Шахмат улкан адиб Лев Толстойга ҳам бир умр йўлдош бўлган. «Шахмат ажойиб нарса,— дейди у.— Уйин пайтида иш чарчогини ёзасиз ҳамда гам-гусса, ташвишлардан вақтинча холи бўласиз». Толстой шахмат уйинини ҳаёт билан таққослаб, ундаги имониятларнинг турли-туманлиги, бир лаҳзада вазиятнинг ўзгариб кетиши, курашнинг қонунийлигига қийил қоларди. Унинг шахмат ҳақида айтган фалсафий фикрлари талайгина. Мана биттаси: «...Ҳар бир санъат — шахмат натақчалари деман. Уни бойитмоқ даркор. Буни удалай олмайдиғанлар бош на санъатдан ўз катагига бирор нарсани суриб оладилар-да, янги нарса яратдим, деб ўйлайдилар».

Хуноқ фанлари доктори, жаҳоннинг тўртинчи чемпиони Александр Алехин: «Шахмат кишини дунёга объектив қарашга, ўзининг хато ва намчиликларига тўғри баҳо беришга ўргатади... У менинг учун ўйин эмас,— санъатдир».

Журналист, жаҳоннинг санкизи чин чемпиони Михаил Таль: «Шахмат — аввало санъатдир. Унинг ўзига тортадиган зўр кучини яна нима билан анигласа бўларин? Хуш, нима учун миллионлаб кишилар шахмат ўйнайдилар, минг-минглаб одамлар мусобақаларга қатнашадилар, юз минглаб мухлислар шахмат назариясини ўрганадилар ва моҳир ўйинчиларнинг ўйинларини таҳлил қиладилар?»

Менимча, бунинг бирдан-бир сабаби бу ўйиннинг кишига гўлт натта эстетик таъсир кўрсатишидир».

СССР спорт мастери
М. МУҲИДИНОВ
тахрири остида


Шахмат ҳам санъат

Замонамизнинг энг илмли, энг маърифатпарвар ишчиларидан бири, Совет ҳокимиятининг дастлабни Маориф Комиссари А. В. Луначарский ёшларга мурожаат қилиб бундай деган эди.

«Шахмат — тенг асосдаги ақлий кураш демакдир... Рақибининг имониятлари қандай бўлса, сиз ҳам ўшанга қодирсиз. Комбинациялар қилиш, доналарни кулай жойлаштириш ва аниқ ҳисоб юритиш йўли билан (албатта, маълум вақт доирасидан чиқмай) чексиз кўп турли маневрлар қилиб имонияти берилди. Бу кишини воқеалар жараёнини олдиндан кўра билишга ўргатади. Шахмат жуда фойдали, тарбиявий ўйиндир. Чинакам моҳир шахматчи бўлиб етишсангиз, ана шунинг ўзи ҳам ҳақиқий санъатдир».

Буюк Фирдавсий «Шоҳнома» асарига шахматга натта ўрин берган. Бунинг сабабини сўраганларда: «Мақсад — шахматни куйлаб, унинг позициясидан илҳомланиш, лаззатланишдир», деган экан.

КРОССВОРД



Энига. 5. Классик ўзбек шоири. 6. Матбуот жанри. 9. Самарқанддаги жой номи. 10. Дўст. 12. Абдулла Қодирий асарининг қаҳрамони. 14. Дарахт. 16. Андижондаги жой номи. 18. Революцион кема. 19. Доривор. 22. Афзал-анжом. 23. Фалсафанинг бир қисми. 24. Машҳур рубойнавис. 26. Ердам-шафқат. 28. Муаллиф. 29. Ҳиндистондаги шаҳар. 30. Егулик. 31. Сицилиядаги шаҳар.

Бўйига. 1. Турғун. 2. Ҳамза асарининг қаҳрамони. 3. Таёқ. 4. Пойафзалнинг бир қисми. 7. Навоий асарининг қаҳрамони. 8. Эквадордаги шаҳар. 11. Медицинанинг соҳаларидан бири. 13. Совет Шарқининг атоқли давлат арбоби. 15. Буюк тоғин шоири. 17. Мароқли. 18. Алоҳида. 20. Қайс. 21. Навоий замондоши. 24. Қўлмақ. 25. Агар. 27. Миллат. 28. Маго.

Тузувчи Ҳ. ШАҲОБОВ.

МУҚОВАЛАРДА. Биринчи бетда: Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Республикада хизмат кўрсатган Ўзбек давлат рақс ансамбли «Баҳор» раққосалари.

Г. ГРАФКИН фотоси

Иккинчи бетда: М. Қорнёқубов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек давлат филармониясининг чангчиси Фазилат Шунурова.

А. ВАНШТЕЙН фотоси

Тўртинчи бетда: СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Галия Измайлова Ҳинд рақсини ижро этмоқда.

Г. ГРАФКИН фотоси

Бош редактор — Асқад МУҲТОР.

Редакколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МҲМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВЕВ (бош рассом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саня ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].


Корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: Тошкент 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй. Редакция телефолиари: Бош редактор — 33-35-20, бош редактор ўринбосари — 33-35-90; маъсуд секретарь — 33-35-90, ижтимоий сивесий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19, фан ва маданият бўлими — 33-35-19.

Босмаҳонага туширилди 10/VI-71 й. Босишга ружасат этилди 8/VI-71 й. Қоғоз 70×108¹/₂. Ҳажми 4 босма тобқ. Буюртма 773. Тир. жи 169503. Р 12087. Баҳоси 30 т. Нашр. А — 3571.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси. Тошкент.



Бу — чойшаб, гулкўрпа
ва гилам Тошкентдаги
Халқ амалий санъати му-
зейида сақланаётган но-
дир буюмлардан наму-
налардир.



Хева. Ислохўжа мино-
раси.

Г. ГРАФКИН фотоси





Индекс 75233.

Баҳоси 30 тийин.